

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

12-сон
(72)
2003 й.
июнь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўпلامнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

90. «Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги ПФ–3267-сон Фармони
91. «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-таadbирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 июндаги ПФ–3270-сон Фармони

Учинчи бўлим

92. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июндаги 270-сон қарори
93. «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июндаги 271-сон қарори
94. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини янада тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 июндаги 279-сон қарори
95. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар

- киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 июндаги 282-сон қарори
96. «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан экспертлик фаолиятида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 июндаги 288-сон қарори
97. «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарори
98. «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарори
99. «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 июндаги 294-сон қарори
100. «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича Махсус давлат комиссиясининг таркиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 июндаги 295-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

90 Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Юқори сифатли рақобатбардош тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини шундай моллар билан янада кўпроқ тўлдириш, қўшма корхоналар барпо этишга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетга тўланадиган қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, хўжалик тузилмалари билан бирга ўн кун муддатда юқорида кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзлари жорий этиладиган субъектлар рўйхатини аниқлашинлар ҳамда имтиёзларни қўллаш ва бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

2. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, янги турдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришга, ўзининг айланма маблағларини тўлдиришга, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси бўшайдиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

Солиқ солишдан озод қилинган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаган ҳолларда ана шу маблағлар тўла ҳажмда давлат бюджетига ундириб олинади ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган жарима жазолари қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин; идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош

вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва М.З. Усмонов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 20 июнь,
ПФ-3267-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

91 Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган юридик шахсларни солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш ва тартибга солиш, товар айланишини рағбатлантириш ҳамда бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 июлидан бошлаб улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар), умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи жорий этилсин.

Мазкур корхоналарда назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинadиган нақд пул тушумини инкассация қилишда белгиланган қоидаларга риоя этиш ялпи даромад солиғини тўлашга ўтишнинг мажбурий шarti ҳисобланади.

2. Белгилансинки, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан корхоналарнинг ихтисослашуви, жойлашуви ва бошқа ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тарзда белгиланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, ялпи даромад солиғи:

улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи тушумдан ягона солиқ тўлаш ўрнига;

чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан белгиланган даромаддан олинadиган ягона солиқ ўрнига тўланади.

Белгилансинки, улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар) ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғини тўлаш билан бир қаторда умумбелгиланган тартибда мулк солиғини ҳам тўлайдилар.

4. Улгуржи савдо корхоналарига ўзининг фирма дўконлари орқали нақд пулга майда улгуржи ва чакана савдони амалга оширишга назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ва нақд тушумни белгиланган тартибда инкассация қилиш шarti билан рухсат берилсин.

5. «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада

такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сон Фармонининг 1 ва 2-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

маҳкамавий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 июнь,
ПФ-3270-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

92 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарори қабул қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 16 июнь,
270-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 16 июндаги 270-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 майдаги 246-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 5-сон, 20-модда; 1996 й., 1-сон, 1-модда; 2000 й., 4-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисида низом 5-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 4-сон, 15-модда; 1999 й., 11-сон, 64-модда; 2000 й., 8-сон, 45-модда, 2001 й., 6-сон, 34-модда; 2002 й., 7-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби I бўлими 3-бандининг тўртинчи хатбошидаги «чиқиндилар ташлаганлик, табиий муҳитга ифлослантувчи моддалар ташлаганлик

учун тўлов» сўзлари «атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги учун компенсация тўловлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1.5.1.5-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.5.1.5. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари, шу жумладан атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари».

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 июлдаги 249-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Чакана савдо соҳасида микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан белгиланган даромаддан олинган ягона солиқни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқариб ташлаганлик, оқизганлик учун тўловлар» сўзлари «атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги учун компенсация тўловлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

93 Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 1997 йил 25 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Қўйидагилар:

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўздавэнергозорат» агентлиги:

бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган қоидаларни вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари бўйича республиканинг барча электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланувчиларига, шу жумладан жойлардаги давлат ҳокимияти органларига етказсинлар, шунингдек белгиланган тартибда аҳолини хабардор қилсинлар;

«Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари мазмунини кенг ёритсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,
2003 йил 16 июнь,
271-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 16 июндаги 271-сон қарорига
1-ИЛОВА

Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари

I. Асосий тушунчалар ва атамалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилган:

электр энергиясини қабул қилувчи — электр энергиясини қабул қилиб олиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган қурилма ёки прибор;

энергия қурилмаси — электр энергиясини ишлаб чиқариш, ўзгартириш, трансформация қилиш, узатиш, тақсимлаш ҳамда уни энергиянинг бошқа турига айлантириш учун мўлжалланган машиналар, аппаратлар, электр узатиш линиялари ва ёрдамчи асбоб-ускуналар (улар ўрнатилган иншоотлар ва бинолар билан бирга);

энергия билан таъминловчи ташкилот — энергияни шартнома бўйича сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

энергия билан таъминловчи ташкилот абоненти — энергия билан таъминловчи ташкилот тармоқларига у билан баланс бўйича тегишли электр тармоқлари чегарасига бевосита уланган истеъмолчи, унинг электр энергиясидан фойдаланиш ҳуқуқи энергия билан таъминловчи ташкилотнинг истеъмолчи ёки унинг юқори ташкилоти билан шартномасида келишилган бўлади. Маиший истеъмолчилар учун — квартира, иморат ёки шахсий мулк бўлган худудий бирлашган иморатлар гуруҳи;

энергия билан таъминловчи ташкилотнинг субабоненти — энергия билан таъминловчи ташкилотнинг розилиги билан абонентнинг электр тармоқларига бевосита уланган ва абонент билан электр энергиясидан фойдаланиш юзасидан шартномага эга бўлган истеъмолчи. Энергия субабонентга берилганда абонент энергия билан таъминловчи ташкилот олдида Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш бўйича жавобгар ҳисобланади;

электр тармоғининг баланс бўйича тегишлилик чегараси — электр тармоғининг энергия билан таъминловчи ташкилот билан абонент ўртасидаги бўлиниш нуқтаси, у электр тармоғининг баланс бўйича тегишлилик чегараси бўйича аниқланади;

ҳисобга олиш нуқтаси — электр билан таъминлаш схемаси нуқтаси, унда ўлчаш прибори (ҳисоблаш сўтчиги, ҳисобга олиш тизими ва шу кабилар) ёки бошқа ча усулда электр энергияси сарфи миқдори аниқланади;

ҳисобга олишни назорат қилиш прибори — назорат қилиш учун фойда-

ланиладиган ҳисобга олиш прибори, унинг кўрсаткичлари асосида тармоқнинг мазкур нуқтасидаги электр энергияси сарфи аниқланади;

электр энергияси ва қувватини ҳисобга олувчи ҳисоблаш прибори — ҳисобга олиш (шу жумладан актив электр қувватини ҳисобга олиш) приборлари, шунингдек жамловчи қурилмалар ва ҳисобга олишнинг автоматик тузилмалари, улар Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидаларига ҳамда Ёнилғи ва энергияни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, улардан фойдаланишни ташкил қилиш қоидаларига мувофиқ ўрнатилади;

истеъмолчининг уланган қуввати — истеъмолчининг энергияни ишчи кучланишга (бевосита ток қабул қилувчиларга бериладиган кучланишга) айлантирувчи трансформаторларининг ва 1000 Вольт (В)дан ортиқ кучланишли электр двигателларининг электр тармоқларига уланган жами қувват. Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларига энергия трансформаторлардан ёки энергия билан таъминловчи ташкилотнинг кам вольтли тармоқларидан берилганда истеъмолчининг уланган қуввати учун фойдаланишга рухсат этилган қувват қабул қилинади, унинг миқдори энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан белгиланади ҳамда электр энергияси бериш ва ундан фойдаланиш шартномасида кўрсатилади;

аввалдан мўлжалланган қувват — истеъмолчининг энергия тизимининг энг катта нагрукасида қатнашувчи ҳисобланган энг катта қуввати (нагрукаси). Истеъмолчининг энг катта нагрукаси тегишли ҳисобга олиш приборлари (ҳисоблаш счётчикларининг ярим соатдаги кўрсаткичлари бўйича) ёки энергия тизимининг энг катта нагрукали соатларида ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими кўрсаткичлари билан аниқланади;

ҳисоб-китоб даври — электр энергиясининг истеъмол сарфи (ҳажми) аниқланиши, истеъмол қилинган электр энергияси учун истеъмолчи ва энергия билан таъминловчи ташкилот ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган вақт даври (ой). Томонлар билан келишилган ҳисоб-китоб даври шартномада кўрсатилади;

оралиқ ҳисоб-китоб — ҳисоб-китоб даври мобайнида истеъмол қилинган энергия ва қувват учун тўловчи абонент томонидан қисман ҳақ тўлаш;

якуний ҳисоб-китоб — ҳисоб-китоб даври тугагач истеъмол қилинган энергия ва қувват учун тўловчи абонент билан ҳисоб-китоб қилиш;

тўлов ҳужжати — тўлов талабномаси, унинг асосида энергия билан таъминловчи ташкилотнинг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари ўтказилади, шунингдек билдиришнома, унинг бўйича тўлов нақд пул билан амалга оширилади;

улгуржи истеъмолчи — қайтадан сотувчи — энергия билан таъминловчи ташкилот абоненти, балансида ўзининг электр тармоғи бўлган ва энергия билан таъминловчи ташкилотдан ва электр станцияларидан электр энергиясини улгуржи харид қилувчи ва уни шартнома бўйича турли истеъмолчиларга қайтадан сотувчи хўжалик ҳисобидаги ташкилот абонент ҳисобланади;

электр энергияси истеъмолининг шартномавий миқдори — тегишли ҳисоб-китоб даврида абонент томонидан истеъмол қилинадиган энергиянинг энергия билан таъминловчи ташкилот ва абонент ўртасидаги шартномада белгиланган миқдори;

электр билан таъминлашдаги танаффус (узиб қўйиш) — истеъмолчига электр энергияси беришни тўхтатиш, автоматик қурилмаларнинг муваффақиятли ишлаши туфайли ёки истеъмол қилишнинг чекланишига олиб келмайдиган, бир вақтнинг ўзида бир нечта линиялар бўйича энергия олувчи истеъмолчилар учун битта ёки бир нечта энергия таъминоти линияларининг узиб қўйилиши туфайли содир бўладиган танаффуслар бундан мустасно;

чеклаш — шартномада назарда тутилган тадбирларни қўлланиш оқибатида муайян оралиқ вақт давомида, шунингдек энергия билан таъминловчи ташкилотнинг электр тармоқларида форс-мажор ҳолатлар туфайли пайдо бўлган авария режими вақтида истеъмолчига электр энергияси ва (ёки) қуввати бериш миқдорининг камайиши;

етарли миқдорда берилмаган электр энергияси (кам бериш) — энергия таъминотидаги танаффус, шу жумладан узиб қўйиш ва чеклаш вақтида истеъмолчи тўлиқ олмаган электр энергияси миқдори;

электр энергияси сифати — бу электр энергиясининг тақсимланиш чегарасида энергия кўрсаткичларининг стандартлаштириш бўйича қонун ҳужжатларида ёки энергия таъминоти шартномасида белгиланган талабларга мувофиқлигидир;

энергия таъминотининг технологик брони — технологик жараёни, ишлаб чиқариш циклини тугаллаш учун зарур бўлган электр қуввати ёки энергия сарфи (ҳажми);

энергия таъминотининг аварияли брони — мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектни асбоб-ускуналарни сақлаш, инсонлар ҳаёти хавфсизлиги учун қисман ёки тўлиқ тўхтатишда, авария ва қўриқлаш ёритгичлари, шамоллатиш, сув оқовасини окизиш, сув таъминоти, иситиш, ёнғин хавфсизлиги учун зарур бўлган энг кам электр қуввати ёки энергия сарфи;

режали узиб қўйиш — энергия билан таъминловчи ташкилотнинг энергия қурилмаларини режали — эҳтиёт таъмирлаш жадвали бўйича таъмирлаш ёки профилактикаси даврида абонентлар билан олдиндан келишилган ва уларни (камида 3 сутка олдин огоҳлантирган ҳолда истеъмолчига энергия беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

блок-станциялар — энергия тузилмасининг электр тармоғига бевосита ёки абонентлар тармоғи орқали уланган ҳамда ягона оператив-диспетчерлик бошқаруви бўйича ишлайдиган саноат ва идора истеъмолчиларининг электр станциялари.

II. Умумий қоидалар

2. Мазкур Қоидалар «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида», «Табийий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг электр энергияси истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларини белгилайди ҳамда ҳам энергия билан таъминловчи ташкилотлар, ҳам юридик ва жисмоний шахслар — электр энергияси истеъмолчилари учун мажбурий ҳисобланади.

3. Саноат маҳсулоти тури сифатида электр энергияси бериш энергия билан таъминловчи ташкилот билан энергия қурилмаси энергия билан таъминловчи ташкилотнинг тармоқларига бевосита уланган истеъмолчи (абонент) ўртасида тузилган шартнома асосида мазкур Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Намунавий шартномалар шакллари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат» агентлиги) томонидан тасдиқланади.

Субабонентлар абонент билан электр энергиясидан фойдаланиш учун шартномани энергия билан таъминловчи ташкилотнинг розилигига кўра тузадилар.

Абонент ва энергия билан таъминловчи ташкилот ўртасидаги шартномада қуйидагилар назарда тутилади:

шартнома мавзуси;

истеъмол қилишнинг белгиланган режимларига риоя қилишнинг ва электр энергияси сифати кўрсаткичларини келишишнинг мажбурийлиги;

тармоқлар ва энергия асбоб-ускуналарининг баланс бўйича тегишлилик чегаралари;

электр энергиясига ҳақ тўлаш бўйича истеъмолчиларнинг тариф гуруҳлари;

истеъмолчининг тасарруфидаги тармоқлар ва энергия асбоб-ускуналаридан, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланишнинг хавфсизлигини ва созлигини ҳамда энергия таъминотининг ишончилигини таъминлаш;

абонентнинг, субабонентларнинг тармоғига уланиш (истеъмолчининг номи, қуввати, ҳисобга олишнинг ҳисоб-китоб приборлари, тарифлар ва бошқа маълумотлар);

алоҳида шартлар;

аҳдлашувчи томонларнинг жавобгарлиги;

низоларни ҳал этиш тартиби;

томонларнинг реквизитлари.

4. Энергия билан таъминловчи ташкилотларга, истеъмолчида ҳисобга олишнинг кўптарифли приборлари мавжуд бўлган тақдирда, электр энергиясига тарифларни сутка вақти зоналари (тиғиз соатлар, ярим тиғиз соатлар, тунги нагрузка) ва йил фасллари (ёзги ва қишки давр) бўйича табақалаштириш ҳуқуқи берилади.

Истеъмолчи томонидан фойдаланилган электр энергиясини ҳисобга олиш учун «Ўзстандарт» агентлиги ёки унинг ўлчов воситаси турини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг сертификатига эга бўлган ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган ҳамда электр энергиясини ҳар бир сутканинг камида тўртта вақти давр бўйича алоҳида ҳисобга олиш имконини берадиган кўп тарифли ҳисоблагичлар ёки ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари қўлланилиши мумкин.

5. Энергияга тариф ўзгарган тақдирда, санасидан қатъи назар, шартнома ўз кучида қолади ва истеъмолчи олинган энергия учун янги тариф жорий этилган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

6. Томонлар шартнома тузиш, уни ўзгартириш, бекор қилиш ёки унинг муддатини узайтириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва мазкур Қоидаларга амал қилади.

7. Янги энергия қурилмаларини фойдаланишга топшириш ва янги субабонентларни улаш энергия қурилмасини фойдаланишга йўл қўйиш «Ўздавэнергоназорат» агентлиги билан келишилгандан кейин энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

8. Энергияни қайта сотувчи ёки ўз тармоқлари орқали берувчи ташкилотлар (улгуржи истеъмолчилар — қайта сотувчилар, блок-станциялар, абонентлар) охириги йилларда энергиянинг ўртача истеъмоли таҳлили асосида аниқланадиган ўз электр тармоқларига уланган бошқа объектларнинг энергия истеъмолини ҳисобга олган ҳолда энергиянинг умумий (йиғма) миқдори юзасидан энергия билан таъминловчи ташкилот билан шартнома тузадилар.

9. Истеъмолчи (аҳолидан ташқари) ўзига тегишли тармоқларга рухсат берилган қувват доирасида 1000 Вольтгача кучланишли ўз электр ускуналарини бирлаштириши мумкин (бинони электр билан иситиш ва рекламадан ташқари).

10. Энергияни қайта сотувчи ташкилотларнинг энергия билан таъминловчи ташкилот ва қайта сотувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлари мазкур Қоидалар ва улар ўртасида энергия бериш учун тузилган шартнома билан тартибга солинади.

11. Энергия билан таъминловчи ташкилот абонентга (аҳолидан ташқари) энергияни бирлаштирилган тармоқ орқали энергия таъминоти шартномасида назарда тутилган миқдорда ва томонлар ўзаро келишган энергия бериш режимига риоя қилган ҳолда беришга мажбурдир.

Истеъмолчи «Ўздавэнергоназорат» агентлиги томонидан энергиядан нооқилона фойдаланган (имзоланган далолатномага мувофиқ), энергияни тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режасини бажармаган тақдирда, энергия билан таъминловчи ташкилот энергиядан нооқилона фойдаланишнинг аниқланган ҳолатларидан келиб чиқиб энергия истеъмолининг шартномавий миқдорини камайтиришга ҳақлидир.

12. Энергия билан таъминловчи ташкилот тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарур бўлганда ва фойдаланилган энергия учун ҳақ тўланмаганда истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда энергия беришда танаффусга ёки чеклашга йўл қўйилади.

13. Объектнинг электр таъминоти лойиҳасида назарда тутилган электр таъминотининг ўзаро захираланувчи манбалари ишида ёки асосий таъминотни такроран автоматик таъминлашда автоматик ишга тушириш пайтида электр энергиясини узиб қўйиш (сабабларидан қатъи назар) электр таъминотидаги танаффус ҳисобланмайди.

14. Истеъмолчиларнинг электр қурилмалари устидан давлат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ «Ўздавэнергоназорат» агентлиги томонидан амалга оширилади.

15. Электр энергияси исроф қилиб сарфланганлиги ва истеъмолчининг авария хавфи туғдирадиган ёки одамларнинг ҳаётига хавф соладиган энергия қурилмаларининг қониқарсиз техник ҳолати учун «Ўздавэнергоназорат» агентлиги энергия беришни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

16. Махсус қоидалар бўйича фойдаланиладиган электр қурилмалари устидан энергетика назорати амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади.

17. Давлат энергетика назорати амалга оширилиши абонентларни фойдаланилаётган энергетика тармоқлари, приборлар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолати ва хавфсизлиги таъминланиши, энергия истеъмолининг белгиланган режимга риоя қилиниши учун жавобгарликдан, шунингдек энергиядан фойдаланиш пайтида пайдо бўладиган авариялар, ёнғинлар, энергияни ҳисобга олиш приборларининг носозликлари ва бошқа қоидабузишлар тўғрисида энергия билан таъминловчи ташкилотларни дарҳол хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

18. Энергетика тармоқлари, приборлар ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатига ва улардан фойдаланишга нисбатан қўйиладиган талаблар, шунингдек уларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

19. Ушбу Қоидалар бузилганлиги учун жавобгарлик «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Фуқаролик кодексига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот билан истеъмолчи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

III. Истеъмолчиларнинг электр қурилмалари уланишига қўйиладиган техник талаблар

20. Электр энергиясининг барча истеъмолчилари, шу жумладан хусусий уй-

жойларда яшовчи истеъмолчилар электр энергиясидан фойдаланишда энергия билан таъминловчи ташкилотнинг тармоқларига электр қурилмаларининг янги ва қўшимча қувватлари уланишига техник шартларни олишга мажбурдирлар.

Электр қурилмаларининг электр таъминотини лойиҳалаштириш, асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ва уларни энергия билан таъминловчи ташкилотнинг тармоқларига техник шартларсиз улаш тақиқланади.

21. 1000 Вольт ва ундан юқори вольт кучланишли трансформатор ёки двигателларнинг янги ёки қўшимча қувватларни бирлаштиришга, энергия билан таъминловчи ташкилотнинг тармоқли трансформаторларига бирлаштириладиган паст вольтли қурилмалар қувватидан фойдаланишга янги ёки фойдаланишга берилган қувватнинг кўпайтирилишига техник шартлар истеъмолчи-буюртмачи (курувчи)дан буюртма олингандан кейин ёки унинг топшириғига кўра бош лойиҳа ташкилотининг буюртмаси олингандан кейин белгиланган тартибда энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан берилади.

22. Истеъмол қилинадиган қувватни кўпайтирмайдиган, бироқ истеъмолчининг ташки электр таъминоти схемасини ўзгартирадиган электр қурилмалари тоифалари ўзгарган тақдирда (электр таъминоти ишончилиги бўйича) истеъмолчи бунга энергия билан таъминловчи ташкилотдан қўшимча техник шартлар олишга мажбурдир.

23. Истеъмолчи буюртманомада лойиҳалаштириладиган объектни тавсифловчи маълумотларни қисқача шаклда кўрсатади: нагрузка миқдори, электр таъминоти ишончилиги бўйича истеъмолчининг тоифаси, жойлашган жойи (янгидан ташкил этиладиган корхонанинг аҳоли пункти билан боғлиқ картография материали), объектни лойиҳалаштириш ва қуриш муддатлари, баланс бўйича тегишлилик тарифи;

24. Электр қурилмалари энергия билан таъминловчи ташкилотнинг абонентлари (асосий истеъмолчиларнинг) тармоғидан энергия оладиган субабонентлар — истеъмолчилар техник шартларни энергия билан таъминловчи ташкилотнинг рухсати билан улардан оладилар ва абонентдан бирлашишга техник шартларни олган субабонент унга корхона, бино, иншоот унинг тармоқларига қўшилиши учун лойиҳа ҳужжатларини келишиш учун тақдим этади.

Агар, субабонентнинг нагрукаси кўпайиши муносабати билан абонентнинг ташки электр таъминоти схемасини ўзгартириш ёки энергия билан таъминловчи ташкилот билан тузилган шартномада қайд этилган трансформаторлар ва юқори вольтли двигателлар қувватини кўпайтириш талаб этилса, абонент бунга техник шартларни энергия билан таъминловчи ташкилотдан олади.

25. Техник шартларга мувофиқ ишлаб чиқилган корхоналар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки алоҳида ишлаб чиқаришлари энергия таъминоти лойиҳалари (ишчи лойиҳалар) корхоналар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки алоҳида ишлаб чиқаришлар комплекс лойиҳаси тасдиқлангунга қадар энергия билан таъминловчи ташкилот билан келишилиши керак.

26. Уланишга техник шартларни бажариш барча истеъмолчилар ва лойиҳа ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади, унинг амал қилиш муддати техник шартларда кўрсатилади ва объектни, унинг навбатини ёки алоҳида қурилишни лойиҳалаштириш, қуриш ёки реконструкция қилишнинг норматив муддатлари билан белгиланади.

Техник шартларнинг амал қилиш муддати энергия билан таъминловчи ташкилот билан келишилгандан кейин узайтирилиши мумкин. Техник шартларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин улар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Истеъмолчи янги техник шартларни ва янги ёки қўшимча қувватлар уланишига рухсатномани мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда олади.

27. Истеъмолчиларнинг янги нагрузкалари билан боғлиқ янги электр қурилмалари қуриш, ишлаб турганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш (кичик станциялар, электр узатиш линиялари, трансформатор пунктлари ва ҳоказоларни) истеъмолчиларнинг кучлари ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

IV. Кучланишни бериш ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишга рухсат бериш

28. Истеъмолчиларнинг барча бирлаштирилладиган ва реконструкция қилинадиган электр қурилмалари (фойдаланилаётган уй-жойларга қўшилганларидан ташқари) берилган техник шартларга мувофиқ ҳолда бажарилиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи нормалар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши, келишилган лойиҳа ва техник қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари билан таъминланган бўлиши керак.

29. «Ўздавэнергоназорат» агентлиги «Ўздавэнергоназорат» агентлиги назорати остидаги объектларда ишлаб чиқариш хавфсизлиги бўйича хорижий технологияларни қўллаш имконияти тўғрисида эксперт хулосаси беради.

30. Янгидан монтаж қилинган ва реконструкция қилинган электр қурилмаларини фойдаланишга топшириш, мазкур Қоидаларга мувофиқ, истеъмолчида тегишли электр-техник ходимлар, электр хўжалиги, ёнғин хавфсизлиги техникаси бўйича ҳимоя қилиш воситалари, электр қурилмалари комплектига ва ёнғин ўчириш воситалари учун масъул бўлган шахс мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек электр энергиясидан фойдаланишга шартнома тузилгандан ва ҳисобга олишнинг текширилган приборлари ўрнатилгандан, улар монтаж қилингандан, ишга тушириш-созлаш ишлари бажарилгандан сўнг фойдаланишга топширилиши мумкин.

31. Истеъмолчи электр қурилмалари фойдаланишга топширилгунга қадар монтаж қилиш ташкилотидан, мазкур Қоидаларга мувофиқ уларни далолатнома бўйича қабул қилиб олиши ва «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг ваколатли вакилига (инспекторга) Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидаларига, қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ лойиҳа, техник қабул қилиш-топшириш ва фойдаланиш ҳужжатларини ҳамда уни фойдаланишга қўйишни кўриб чиқиш ва белгилаш имкониятлари учун электр қурилмани тақдим этиши керак.

Истеъмолчиларнинг электр қурилмалари монтаж қилинишида камчиликлар, улашга берилган техник шартлардан чекинishiлар аниқланганда, шунингдек техник ҳужжатлар ва электр қурилмаларига хизмат кўрсатиш учун тайёргарлик кўрган ходимлар мавжуд бўлмаган тақдирда аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар улардан фойдаланишга рухсат бериш тақиқланади.

32. Янги ёки реконструкция қилинган электр қурилмаларига кучланиш бериш электр энергиясидан фойдаланиш учун шартнома тузилгандан, ҳисоблаш приборлари текширилгандан ва ўрнатилгандан кейин «Ўздавэнергоназорат» агентлиги вакили (инспектор) томонидан имзоланган уларни фойдаланишга қўйиш тўғрисидаги далолатнома мавжуд бўлган тақдирда энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

33. «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ва энергия билан таъминловчи ташкилот истеъмолчининг электр қурилмасини техник кўриқдан ўтказиб ва фойдаланишга рухсат бериб, фойдаланиш жараёнида унинг нормал ишлаши учун жавоб бермайди.

34. Ишнинг мавсумий хусусиятига эга бўлган электр қурилмаларига эга бўлган истеъмолчилар (аҳолидан ташқари) ҳар йили ишга туширишдан олдин текшириб

чиқиш учун агентлик вакилини таклиф этган ҳолда «Ўздавэнергоназорат» агентлигига ёзма шаклда мурожаат қилишлари керак.

V. Электр қурилмалари ва тармоқларнинг ҳолати учун томонларнинг жавобгарлиги

35. Истеъмолчининг янгидан ўрнатилган ёки реконструкция қилинадиган энергия қурилмаларини энергия билан таъминловчи ташкилотнинг тармоқларига қўшишнинг техник шартларига мувофиқ тармоқлар ва асбоб-ускуналарнинг баланс бўйича тегишлилиги белгиланади, улар бўйича электр тармоқлари ва асбоб-ускуналарининг техник ҳолати ва фойдаланилиши учун истеъмолчи билан энергия билан таъминловчи ташкилот ўртасидаги жавобгарлик чегараси белгиланади, бу шартномага илова қилинадиган далолатномада қайд этилади.

Тармоқлар ва асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатишнинг чегараларини ва уларнинг ҳолати учун жавобгарликни белгилаш юзасидан далолатнома энергия билан таъминловчи ташкилотнинг вакиллари ва абонент томонидан имзоланади.

Бунда жавобгарлик чегаралари қуйидагича белгиланади:¹

1000 Вольт (В) ва ундан юқори кучланишли электр қурилмалари учун:

а) ёпиқ тақсимлаш қурилмаларининг ташқи томонидан ҳаво линиясининг ўтиш изолятори бирлаштирувчисида ва симнинг очик тақсимлаш қурилмалари изоляторлари портал тортиладиган гриляндининг қисувидан чиқишда;

б) таъминловчи ёки чиқувчи линияларнинг кабель учликлари ёки ҳаво киришларида.

Ҳар хил ташкилотларга тегишли бўлган ажратишларга (берк ёки ажратувчи) эга бўлган, 1000 В ва ундан юқори кучланишли электр узатиш линияларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш жавобгарлиги чегаралари ажратиш қилинган асосий линиянинг таянчида белгиланади. Ажратишларни бирлаштирувчи қисқичларнинг ҳолати учун асосий линия қарашли бўлган ташкилот жавоб беради;

1000 В гача кучланишли электр қурилмалари учун:

а) ҳаво тармоғида — бино ёки қувур турғичда ўрнатилган биринчи изоляторларда;

б) кабель билан киритишда — бинога кириш жойида таъминловчи кабель учликларида.

36. Истеъмолчи ўз ихтиёридаги электр қурилмаларини ишлатишда ва улардан фойдаланишни ташкил этишда уларнинг техник ҳолати, Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши учун жавоб беради.

37. Техник фойдаланиш ва техника хавфсизлигининг амалдаги қоидаларида ҳисобга олинмаган электр қурилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос шартлари мавжуд бўлган тақдирда (ер ости, портлаш хавфи бўлган ишлаб чиқаришлар, электр тортиш кучи ва бошқалар) истеъмолчилар ушбу электр қурилмаларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича махсус йўриқномаларга эга бўлишлари шарт.

38. Шартномавий мажбуриятларни томонлардан бири бажармаган тақдирда қоида бузувчи томон қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ жавоб беради.

¹ Истеъмолчининг розилиги билан энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан электр қурилмаларидан фойдаланиш хусусиятлари билан изоҳланадиган жавобгарликнинг бошқа асосланган чегараси ҳам белгиланиши мумкин.

а) ва б) кичик бандларда кўрсатилган қўшишларнинг ҳолати учун кичик станциядан фойдаланувчи ташкилот жавоб беради.

VI. Электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш

39. Истеъмол қилинган электр энергияси учун истеъмолчиларнинг электр қурилмалари энергия билан таъминловчи ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ўлчаш доираси ва аниқлик классига кўра электр энергиясини ҳисобга олишга доир норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган ҳисобга олиш приборлари билан таъминланган бўлиши шарт.

40. Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш учун ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр таъминоти ташкилоти тармоқларига, шунингдек улгуржи истеъмолчи — қайта сотувчининг абоненти ва субабонентларнинг тармоқларига қўшиш тақиқланади.

41. Ҳар хил тариф гуруҳларининг бир неча истеъмолчилари энергия таъминотининг бир манбаидан қувват олишда ҳисобга олиш приборлари ҳар бир тариф гуруҳи учун ўрнатилган бўлиши керак.

42. Ҳисобга олишнинг ҳисоб-китоб приборлари (шу жумладан фаол ҳамда реактив қувват ва энергияни ўлчаш воситалари, шунингдек жамланган қурилмалар ва автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимлари) мазкур Қоидаларга мувофиқ ўрнатилади ва Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

Ҳисобга олиш приборлари, ўлчов трансформаторлари, иккиламчи занжирлар, шу жумладан алоқа линиялари, автоматлаштирилган тизимлар сақланиши ва уларнинг техник ҳолати учун ҳисобга олиш приборлари ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари балансида бўлган ташкилот жавоб беради.

Бундан ташқари, электр энергиясини назорат тартибида ҳисобга олиш (электр энергияси сарфининг белгиланган нормалари бажарилишини назорат қилиш) учун ҳисобга олиш приборлари алоҳида цехларда, энергия сифимли агрегатларда, технология линияларида, биноларда, алоҳида объектларда ўрнатилади.

43. Кўп квартиралар уй-жойларда электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш учун тўлов электр ҳисоблагичлари ҳар бир квартирага ўрнатилади.

Ҳар бир квартирага ўрнатишдан ташқари, уй-жойларда уйнинг умумий эҳтиёжлари (зинапояларни ёритиш, лифтлар, насосларнинг ишлаши ва ҳоказолар) учун сарфланадиган электр энергияси бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун тўлов электр ҳисоблагичлари ўрнатилади.

44. Тўлов электр ҳисоблагичлари, шунингдек энергия билан таъминлаш ташкилоти билан истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган электр энергияси ва қувватини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат текширувидан ўтказилади ва ўрнатилади ҳамда энергия билан таъминловчи ташкилотнинг вакили томонидан рўйхатдан ўтказилади.

45. Ҳисобга олиш схемаси бузилган тақдирда (ток ва кучланишнинг ўлчов трансформаторлари ишдан чиқиши, иккиламчи коммутация, истеъмолчининг айби билан тўлов электр ҳисоблагичлари шикастланиши ва уларнинг йўқолиши) электр ҳисоблагичларни алмаштириш, таъмирлаш, давлат текширувидан ўтказиш ва ўрнатиш, шу жумладан энергия билан таъминловчи ташкилотнинг хизматларига ҳақ тўланган ҳолда истеъмолчиларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

46. Истеъмолчи ўлчов занжирларининг зарур техник ҳолатини, хавфсиз фойдаланилишини ва ўзи фойдаланадиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларининг созлигини таъминлаши шарт.

Шартнома бўйича электр энергиясидан маиший истеъмол учун фойдаланувчи

фуқаро абонент сифатида иш кўрган тақдирда электр тармоқларининг, шунингдек энергия истеъмолини ҳисобга олиш приборларининг зарур техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти энергия билан таъминловчи ташкилотга юкланади. Квартирада, уйда ўрнатилган пломбалар ва ҳисоблагичларнинг бузилмаслиги учун ёлловчи, ижарага олувчи, унинг эгаси жавоб беради.

Умумий фойдаланиладиган жойларда хизмат кўрсатиш ва электр энергияси етказиб беришда шартнома тузишда жавобгарлик уй-жой фондидан фойдаланувчи ташкилотга юкланади.

47. Энергия билан таъминловчи ташкилот билан истеъmolчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун фаол ва реактив энергия ва қувватни ҳисобга олиш энергия билан таъминловчи ташкилот ва истеъmolчининг энергия тармоғи баланс бўйича тегишлилик чегарасидаги ҳисобга олиш нуқтасида амалга оширилади.

48. Электр энергиясини истеъmolчининг тармоғи орқали энергия тизимидан транзит тартибда энергия билан таъминловчи ташкилотнинг электр тармоғига беришда истеъmolчининг тармоғида электр энергияси бир қисмининг йўқотилиши истеъmolчи томонидан энергия билан таъминловчи ташкилотнинг тармоғига берилган электр энергияси миқдорининг истеъmolчининг тармоғига тушган электр энергияси умумий миқдорига пропорционал нисбати бўйича энергия тизими тармоқларидаги йўқотишга тегишли бўлади.

49. Тўлов ҳисоблагичлари билан биргаликда фойдаланиладиган ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичлари ва ўлчов трансформаторлари (шунингдек синов блоклари, ўтувчи клеммниклар қопқоқлари, кучланишнинг ажратувчи ўлчов трансформаторлари симлари) кожухлар маҳкамланган жойида ва ҳисоблагич климник қопқоғида «Ўзстандарт» агентлигининг ёки унинг худудий бошқармасининг ва энергия билан таъминловчи ташкилотнинг белгиланган намунадаги пломбаси бўлиши керак.

Электр ҳисоблагичлар ва ўлчов трансформаторларини вақти-вақти билан текшириш «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган муддатларда истеъmolчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши керак.

50. Ҳисобга олиш приборлари билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш фақат энергия билан таъминловчи ташкилотнинг розилиги билан амалга оширилади.

51. Электр энергиясини ҳисобга олиш тизимининг ўзгариши ёки бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ишларни бажариш учун абонент иш бошланишидан олдин бу ҳақда энергия билан таъминловчи ташкилотни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Таъмирлаш давомида электр энергияси ҳисоби энергия билан таъминловчи ташкилот билан келишилган вақтинчалик схемалар ёки ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилиши мумкин.

VII. Берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишнинг умумий қоидалари

52. Ҳам бевосита энергия билан таъминловчи ташкилот тармоқларидан, ҳам бошқа ташкилотларнинг ёки энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг абонентлари тармоғидан бериладиган электр энергияси учун истеъmolчилар билан ҳисоб-китоб қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган электр энергиясига амалдаги тарифлар бўйича ҳисобга олишнинг ҳисоб-китоб приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

53. Тариф гуруҳлари бўйича электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-

китоб қилиш учун истеъмолчиларни тақсимлаш Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Электр энергияси тарифлари бир ставкали, икки ставкали ва табақалаштирилган ставкаларга бўлинади.

54. Бир ставкали тариф истеъмолчига берилган ҳар бир кВт соат электр энергияси учун ҳақ тўлашдан иборатдир.

55. Икки ставкали тариф энергия тизимининг (ёки қўшилган қувватнинг) максимумида қатнашувчи ҳамда берилган ҳар бир кВт соат электр энергиясининг истеъмолчи томонидан буюртма берилган энг кўп қувватли ҳар бир кВт учун йиллик ҳақ тўлашдан иборатдир.

56. Табақалаштирилган тариф сутканинг қуйидаги даврларида:
ярим тигиз даврида — базавий тариф (сутканинг ёруғ пайти);
тигиз даврда — энг юқори тариф (энергия тизимлари энг катта нагрузкага эга бўлган пайт — эрталабки ва кечки «максимумлар»);

тунги давр — имтиёзли тариф (сутканинг қоронғи пайти) истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соати учун ҳақ тўлашдан иборатдир.

Базавий тариф (Т) миқдори белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади.

57. 750 килоВольтАмпер (кВА) ва ундан юқори электр қувватига қўшилган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар икки ставкали тариф бўйича ҳисоблаб чиқилади, электр энергиясининг қолган барча истеъмолчилари қўшилган қувватдан қатъи назар, бир ставкали тариф бўйича ҳисоблаб чиқилади.

58. Бир неча тариф гуруҳларига эга бўлган истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб ҳар бир тариф гуруҳига ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади. Узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш тарифларга ва шартномада қайд этилган белгиланган тартибга мувофиқ электр ҳисоблагичлар кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

59. Берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб келгуси ой учун шартномада қайд этилган бериладиган электр энергияси қийматининг камида 15 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўланган ҳолда (аҳолидан ташқари) энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан ёзиладиган тўлов ҳужжати бўйича амалга оширилади.

60. Абонент томонидан электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилмаган тақдирда энергия билан таъминловчи ташкилот амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун тақдим этилган ҳисобот асосида кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда электр истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ҳисоб-китоб қилади.

61. Энергия таъминоти шартномаси бўйича маиший истеъмол учун энергиядан фойдаланувчи фуқаро абонент сифатида иш кўрган тақдирда энергия билан таъминловчи ташкилот абонентни шартнома бажарилиши рад этилишидан камида бир ой олдин огоҳлантириш шarti билан абонент томонидан фойдаланилган энергия учун абонент ҳақ тўламаганлиги сабабли шартномани бажаришни бир томонлама тартибда рад этишга ҳақлидир.

Энергия таъминоти шартномаси бўйича юридик шахс ва юридик шахс бўлмагандан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс абонент сифатида иш кўрган тақдирда, энергия билан таъминловчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган асослар бўйича шартномани бажаришни бир томонлама тартибда рад этишга ҳақлидир.

62. Тўлов ҳужжатида хатолар ёки ҳисоблагичлар кўрсаткичидаги ноаниқликлар аниқланган тақдирда, тўловчи бу ҳақда дарҳол энергия билан таъминловчи ташкилотга хабар бериши керак.

63. Энергия билан таъминловчи ташкилот тўловчи томонидан ариза берилган кундан бошлаб ўн суткадан кечикмай ҳисоб-китобни текшириши, зарур бўлганда эса жойнинг ўзига бориб ҳисоблагичларни текшириши ҳамда текшириш натижаларини ҳақ тўловчига маълум қилиши керак.

64. Ҳисоблагични текшириш тўғрисида ёки тўлов ҳужжатидаги хато тўғрисида ариза берилиши тўловчини белгиланган муддатда тўлов ҳужжати бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

65. Электр энергиясини ҳисобга олишнинг ҳисоб-китоб приборида қоида бузишлар аниқланган тақдирда, энергия билан таъминловчи ташкилот истеъмолчи билан биргаликда фойдаланилган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилиши керак.

66. Агар ҳисоблагичлардаги четга чиқишлар мазкур прибор учун белгиланган аниқлик чегараларидан ортиқ бўлмаса, бундай четга чиқишлар йўл қўйилиши мумкин бўлган четга чиқишлар деб ҳисобланади.

67. Агар текширишдан кейин қайта ҳисоб-китоб қилиш зарурлиги аниқланса, бундай қайта ҳисоб-китоб қилиш энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан электр энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда амалга оширилади.

68. Энергия билан таъминловчи ташкилот қўйидаги ҳолларда:
истеъмолчида ҳисобга олиш прибори бўлмаганда;
ҳисобга олиш прибори абонентнинг айби билан шикастланганда;
ҳисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси ўзгарганда ёки ҳисоблагичдан ташқари нагрузка уланганда шартномага мувофиқ «Ўздавэнергоназорат» агентлигини ёзма равишда хабардор қилиб, абонентни огоҳлантириб электр тармоғидан узиб қўяди.

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги инспекторлари томонидан шунга ўхшаш бузилиш аниқланганда унинг талаби билан истеъмолчи электр тармоғидан узиб қўйилади.

69. Электр энергия ҳисоби абонентнинг айбисиз вақтинчалик бузилганда, сарфланган энергия учун ҳисоб-китоб энергия билан таъминловчи ташкилотнинг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилгунга қадар бўлган олдинги ойнинг ўртача суткалик сарфи бўйича ёки кейинги давр учун ҳисоб олиш тиклангандан кейин амалга оширилади.

Электр энергиянинг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб даври бир ойдан ошмаслиги керак, шу вақт ичида ҳисоб-китоб қилиш ҳисоби тикланиши зарур.

Агар ҳисоб-китобни ҳисоблаш приборини объектив сабабларга кўра, белгиланган муддатда тиклаш имконияти бўлмаса (трансформаторда токнинг, электр ҳисоблагичнинг йўқлиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли), абонентга берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати абонент ва энергия билан таъминловчи ташкилотнинг икки томонлама битими билан белгиланади.

Тўлиқ етказиб берилмаган электр энергияси миқдори чеклашдан олдинги (иш ёки дам олиш суткаларида) электр таъминоти нормал бўлган яқин даврдаги ўртача суткалик электр энергияси истеъмоли билан электр энергияси тўлиқ берилмаган сутка мобайнидаги ҳақиқий истеъмол ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

70. Барча истеъмолчиларга 1 кВт соат учун тўлов истеъмолчига берилган, баланс бўйича тегишли бўлиниш чегарасида ўрнатилган ҳисоб-китоб ҳисоблагичида ҳисобга олинган актив электр энергияси учун белгиланади.

71. Ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда электр тармоғининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр ҳисобла-

гич ўрнатилган жойигача электр энергияси йўқотилиши миқдори истеъмолчилар билан биргаликда ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади ва тўлов учун истеъмолчига берилган фойдали электр энергияси билан жамланади.

72. Объектлар бошқа жисмоний ёки юридик шахсларга берилган, сотилган ҳолларда истеъмолчи, бериш ёки сотиш вақтидаги фойдаланилган энергия учун қарзни албатта тўлаган ҳолда, энергия билан таъминловчи ташкилот билан ўзаро ҳисоб-китобни солиштириши шарт.

73. Абонент эгаллаб турган бинодан кетган тақдирда бу тўғрида энергия билан таъминловчи ташкилотни хабардор қилиши ва кетиш кунигача электр энергия учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши шарт, шундан кейин энергия билан таъминловчи ташкилот объектга электр энергияси беришни тўхтатади. Янги абонентни расмийлаштириш ва электр қурилмаларини электр тармоғига улаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

74. Агар томонлар форс-мажор ҳолатлари оқибатида ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаса томонлардан ҳеч бири бунинг учун жавоб бермайди.

75. Агар ушбу Қоидаларнинг 74-бандида кўрсатилган форс-мажор ҳолатлари мажбуриятларнинг шартномада белгиланган муддатларда бажарилишига таъсир қилса, у ҳолда ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларнинг амал қилиш вақтига сурилади.

76. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан электр қурилмалари энергия билан таъминловчи ташкилотнинг электр тармоқларига энергия билан таъминловчи ташкилотнинг тегишли рухсатсиз ўзбошимчалик билан уланган тақдирда электр қурилмалари электр тармоғидан дарҳол узиб қўйилади, истеъмолчидан эса рухсатсиз фойдаланилган энергия қиймати охириги текшириш кунидан бошлаб (лекин даъво муддатидан кўп эмас) ўтган вақт мобайнида сутканинг 24 соати учун белгиланган қувват бўйича уланган электр жиҳозларининг ишлаши ҳисобидан ундирилади.

77. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, энергия билан таъминловчи ташкилотнинг уч фазали қувватдан фойдаланиш бўйича рухсатига эга бўлган истеъмолчилар электр энергия учун истеъмолчиларнинг тегишли гуруҳлари учун белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлайдилар.

VIII. Икки ставкали тариф истеъмолчилари билан берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар

78. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар томонидан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, аммо ишлаб чиқариш билан боғлиқ бинолар: цехлар, завод бошқарувлари, фабрика-завод жамоат ташкилотлари, омборлар, гаражлар ва шу кабилар, шунингдек хусусий темир йўл кириш жойлари корхона худудини ёритиш ва бошқа эҳтиёжларга, саноат (заводнинг ички, шахта ва кон) электротранспорти учун сарфланган электр энергияси учун икки ставкали тариф бўйича ҳақ тўланади.

Икки ставкали тариф истеъмолчи томонидан буюртма берилган (банд қилинган), энергия тизими нагрзукаси (асосий ставка) максимумида қатнашувчи энг юқори қувватининг 1 киловатти (кВт) учун йиллик тўловдан ва истеъмолчига берилган актив электр энергиясининг (қўшимча ставка) 1 киловатт-соат (кВт.с) учун тўловдан иборат бўлади.

79. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган (турар жой шаҳарчалари, алоҳида уй-жойлар, ётоқхоналар, меҳмонхоналар, келувчилар учун уйлар, кинотеатрлар, клублар, маданият уйлари, шифохоналар, поликлиникалар, тиббиёт пунктлари,

ошхоналар, болалар боғчалари ва яслилари ва ш. к.) бинолар ва хоналарни ёритиш ва бошқа эҳтиёжлар учун саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар сарф қиладиган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар истеъмолчиларнинг тегишли гуруҳлари учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

80. Цехлар ёки объектлар ташкилотдан алоҳида жойлашган, у билан умумий тақсимланган электр тармоғига эга бўлмаган ҳолларда, бу цехлар ёки бошқа алоҳида объектлар билан ҳисоб-китоблар, ташкилотнинг ўзи учун қўлланаётган ҳисоб-китоб тарифидан қатъи назар, тегишли истеъмолчилар гуруҳлари учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади, агар ушбу цехлар ва объектларнинг электр энергияси ҳисоби корхонанинг автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимига уланмаган бўлса.

81. Ҳисобга олиш прибори сифатида «энергияни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими»ни ва «энг катта миқдорни кўрсатувчи ҳисоблагичлар»ни ўрнатган истеъмолчилар ҳисобга олиш тизими томонидан қайд этилган амалдаги энг катта қувват миқдори бўйича ҳисоб-китоб қиладилар.

82. Истеъмолчи томонидан аввалдан мўлжалланган, энергия тизимининг энг катта нагрукасида иштирок этадиган қувват шартномада ҳар чорак бўйича қайд этилади ва энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари билан аниқланадиган истеъмолчининг амалдаги ўртача ярим соатлик энг катта нагрукаси бўйича вақти-вақти билан назорат қилинади.

83. Энергия тизимининг энг катта нагрукали даврида истеъмолчининг амалдаги нагрукаси устидан назорат вақти энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан чорақлар бўйича белгиланади ва шартномада қайд этилади.

Энергия билан таъминловчи ташкилот энергия тизимининг энг катта нагрукали соатларидаги нагрукасини назорат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Назорат даврлари эрталаб 2 соатдан, кечкурун 3 соатдан ошмаслиги керак.

84. Энергия тизимининг энг катта нагрукали соатларида истеъмолчининг амалдаги нагрукаси шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса, чорак охирида ҳисоб-китоб чораги учун 1 кВт учун белгиланган ҳақ бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қўшимча қувват учун ҳақ тўланиши кейинчалик шартномада буюртма берилган қувватга нисбатан ортиқ қувватдан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди. Бунинг учун энергия билан таъминловчи ташкилотнинг ҳар бир аниқ ҳолат учун тегишли руҳсати бўлиши керак.

Автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими ёки энг катта нагрукали қайд этадиган ҳисоблагич ўрнатилганда аввалдан мўлжалланган қувват учун ҳар ойда приборлар қайд этган амалдаги энг катта қувват бўйича ҳақ тўланади.

85. Корхона цехларининг жойлашиш шароитларига ва уларнинг электр таъминоти схемаларига кўра корхонанинг энг катта қўшма нагрукасини умуман аниқлаш мумкин бўлмаса, ҳисоб-китоблар истеъмолчининг аввалдан буюртма қилинган қувват бўйича, алоҳида қувват олиш манбалари бўйича амалга оширилади.

86. Агар электр энергияси учун икки ставкали тариф бўйича ҳақ тўлайдиган абонент энергиянинг бир қисмини субабонентга бир ставкали тариф бўйича берса, у энергия билан таъминловчи ташкилотга энергия тизимининг энг катта нагрукасида иштирок этувчи бу субабонентларга берилган нагрукка миқдорига камайтирилган қувват учун ҳақ тўлайди. Қувватнинг камайиши ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади.

87. Субабонентларда энг катта нагрукани қайд этувчи электр ҳисоблагичлар мавжуд бўлмаса, уларнинг амалдаги нагрукаси йилнинг шундай даврида субабонентнинг суткалик нагрукаси жадваллари асосида аниқланиши ва абонентнинг энергия билан таъминловчи ташкилот билан тузган шартномасида қайд этилиши лозим.

88. Мавсумий иш хусусиятига эга бўлган истеъмолчилар учун асосий тўлов миқдори истеъмолчининг тегишли иш даври учун ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади ва шартномада чораклар ёки ойлар бўйича қайд этилади.

IX. Етказиб берилган электр энергияси учун бир ставкали тариф истеъмолчилари билан ҳисоб-китоб қилиш

89. Электр қуввати 750 кВА гача уланган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари, электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (трамвай, троллейбус, метрополитен) — тортиб жилдириш мақсадида, шу жумладан ёритиш ва тортиш ёрдамчи станцияларининг бошқа эҳтиёжлари, эскалаторлар ҳаракати, платформаларни ёритиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этиш учун сарфланадиган электр энергияси учун, аҳоли, аҳоли пунктлари, шунингдек иситиш, иссиқ сув таъминоти ва совитиш (намликни бир хилда сақлаш), реклама ва чароғбонликлар учун электр энергиясидан фойдаланадиган истеъмолчилар бир ставкали тариф бўйича ҳисоб-китоб қиладилар.

90. Рекламага, чароғбонликка, бино ва иморатларни ёритиш учун электр энергиясидан фойдаланувчи истеъмолчилар, истеъмол қувватидан қатъи назар, энергия билан таъминловчи ташкилот рухсатини олишга ва тегишли тариф гуруҳи бўйича ҳисоб-китоб қилишга мажбурдирлар.

Электр энергиясидан электр билан иситиш мақсадида фойдаланиш учун «Ўздав-энергоназорат» агентлигига бошқа турдаги ёнилғи ўрнига электр энергиясини қўллашни келишиш учун техник-иқтисодий асослашни тақдим этиш лозим, овқат тайёрлаш ва иситиш учун электр энергиясидан фойдаланиш қурилиш нормалари ва қоидаларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Электр энергиясидан электр билан иситиш мақсадида қўллашни келишиш тартибини «Ўздав-энергоназорат» агентлиги белгилайди.

91. Бир ставкали тариф истеъмолчиларига етказиб берилган электр энергияси миқдори томонлар электр тармоқларининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидаги электр ҳисоблагичлар воситасида ҳисобланади.

X. Электр энергияси учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилиш

92. Табақалаштирилган тариф электр энергиясини энергия билан таъминловчи ташкилотлардан олувчи истеъмолчиларга жорий этилади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланади.

93. Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисидаги низомда белгиланган ҳамда кўп тарифли ҳисоблагичлар билан жиҳозланган истеъмолчиларнинг I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII тариф гуруҳлари томонидан сарфланадиган электр энергияси учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳақ тўланади.

94. Базавий, максимал ва имтиёзли тарифларнинг амал қилиш вақти энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан белгиланади ва шартномада қайд этилади.

XI. Етказиб берилган электр энергияси учун қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари билан ҳисоб-китоб қилиш

95. Қишлоқ хўжалиги абонентининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарф-

ланаётган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишни соддалаштириш учун ишлаб чиқариш нагрузкалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш объектларининг гуруҳига ҳисоб-китоб ҳисоблагичлари ўрнатилган ҳолда алоҳида линиялар ва ажратишда жамланади.

96. Қўшимча станцияда умумий ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичи мавжуд бўлганда қишлоқ хўжалиги абонентида ишлаб чиқариш ва коммунал-маиший эҳтиёжлар ва бошқа эҳтиёжлар учун электр энергияси сарфини алоҳида ҳисобга олиш вақтинча мавжуд бўлмаганда, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига электр энергияси сарфини аниқлаш учун умумий ҳисоблагич воситасида ҳисобга олинган жами сарфдан маиший ҳисоблагич бўйича аниқланадиган маиший истеъмолга электр энергияси сарфи ҳамда бошқа ноишлаб чиқарувчиларнинг электр энергияси сарфи чиқариб ташланади.

97. Истеъмолчиларнинг умумий тўлов ҳисоблагичи бўлганда, истеъмолчиларнинг ток қабул қилгичлар қувватидан ва улардан фойдаланиш соатлари сонидан келиб чиқиб аниқланадиган ҳар бир истеъмолчининг ишлаб чиқариш, коммунал-маиший ва бошқа эҳтиёжларига энергия сарфи шартномада жами электр истеъмолининг фоизларида кўрсатилади.

ХII. Етказиб берилган электр энергияси учун уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уй-жой коммунал-фойдаланиш ташкилотлари ҳамда аҳоли пунктлари билан ҳисоб-китоб қилиш

98. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-фойдаланиш ташкилотлари умумий уй-жой эҳтиёжига сарфланадиган электр энергияси учун энергия билан таъминловчи ташкилотлар билан электр тармоғининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидаги ҳисобга олиш нуқтасида ўрнатилган ҳисоблагичлар бўйича, белгиланган тариф бўйича ҳисоб-китоб қиладилар.

99. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-фойдаланиш ташкилотлари томонидан техник мақсадларга (лифтлар, насослар ишлаши ва бошқалар учун) сарфланадиган электр энергияси алоҳида ҳисобга олиниб, истеъмолчиларнинг тегишли гуруҳи учун белгиланган тариф бўйича тўланади.

100. Янги уй-жойларни ўз балансига қабул қилиб олган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-фойдаланиш ташкилотлари ушбу уйларни электр тармоғига улашга рухсат олиш учун энергия билан таъминловчи ташкилотга ҳар бир уй-жойга ўрнатилган ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичи учун (электр ҳисоблагичнинг тартиб рақами, тури, тайёрловчи завод, давлат текшируви йили, кўрсаткичлар ва квартиранинг тартиб рақами) ведомость тақдим этиши лозим.

Олдин фойдаланиб келинган уй-жойларга ёки хусусий мулк ҳуқуқи билан алоҳида фуқароларга тегишли бўлган уйларга янги электр симларини улашга, шунингдек боғ участкаларига, шахсий автомашиналар учун гаражларга ва бошқа шунга ўхшашларга электр симини улашга рухсат олиш учун истеъмолчи энергия билан таъминловчи ташкилотга тегишли ариза бериши шарт.

101. Уй-жойларнинг электр жиҳозлари ва тармоқларини фойдаланишга қўйишга уларни фойдаланувчи ташкилот қабул қилиб олиб расмийлаштиргандан кейин рухсат берилади.

Электр қурилмаларига кучланишни улаш электр энергиясидан фойдаланиш шартномаси тузилгандан кейин амалга оширилади.

102. Энергия билан таъминловчи ташкилот масъул ёлловчиларга, ижарачиларга, турар жой бинолари эгаларига шахсий ҳисоб рақамлари очади, уларнинг ҳар

бирига электр энергияси учун тўлов ҳужжатларини мустақил ёзиш учун квитанция бланкалари ва билдиришномалар билан биргаликда ҳисоб-китоб дафтарчалари беради.

103. Шахсий ҳисоб рақамини бошқа абонентга қайта расмийлаштириш ҳамда ҳисоб-китобга олиш приборларини кўчириш фақат энергия билан таъминловчи ташкилотнинг рухсати билан амалга оширилади.

Олдин электр тармоғига уланган квартирага кўчиб кирган янги уй-жой мулкдори 5 кун муддатда энергия билан таъминловчи ташкилотда шахсий ҳисоб рақамини ўз номига расмийлаштириши шарт. Кўрсатилган муддатда расмийлаштирилмаса, тўлов тўланмаганлиги учун барча масъулият уй-жойнинг янги мулкдори зиммасига юкланади.

104. Умумий ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичи бўйича ҳисоб-китоб қилишда аниқ мақсадли коммунал фонд биносида истиқомат қилувчилардан бири томонидан электр энергияси учун у тўлаши лозим бўлган сумма тўланмаган тақдирда, электр билан таъминловчи ташкилот уй-жой мулкдорлари ширкати (коммунал-фойдаланиш ташкилоти) билан якка тартибдаги яшовчилар ўртасида тузилган ўзаро шартномага мувофиқ иш кўради.

Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича яшовчилар ўртасидаги низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

105. Коммунал квартирада бир нечта оила яшаганда ҳисоб-китоб даврида сарфланган электр энергиясини алоҳида оилалар ўртасида тақсимлаш назорат электр ҳисоблагичи кўрсаткичлари бўйича, улар мавжуд бўлмаганда эса — ҳар бир оилагаги ток қабул қилувчининг қуввати ҳамда улардан фойдаланиш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

Умумий фойдаланиладиган жойларда сарфланадиган электр энергияси миқдори амалда яшовчилар сони бўйича алоҳида оилалар ўртасида тақсимланади.

Назорат электр ҳисоблагичларининг тўғри ишлаши устидан назорат қилиш, уларнинг кўрсаткичларини олиш ва электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китоб қилиш яшовчиларнинг ўз мажбурияти ҳисобланади.

Энергия билан таъминловчи ташкилот умумий ҳисоб-китоб ҳисоблагичи орқали электр энергиясидан фойдаланувчи фуқаролар ўртасида ҳеч қандай ҳисоб-китобни амалга оширмайди.

106. Ушбу Қоидаларга электр энергияси учун тўлов ҳужжатларига ўз вақтида ҳақ тўлаш, квартирадаги ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичининг сақланиши ва бутлигини таъминлаш бўйича риоя қилиниши учун жавобгарлик квартира эгасининг зиммасига юкланади.

107. Ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичлари зинапоя майдончаларида ўрнатилган тақдирда уларнинг сақланиши ва бутлиги учун уй-жой тасарруфида бўлган уй-жой мулкдорлари ширкати ва коммунал-фойдаланиш ташкилоти жавоб беради.

Зинапоя майдончаларида ўрнатилган электр ҳисоблагичлар шикастланган ёки ўғирланган тақдирда уй-жой мулкдорлари ширкати ёки ва коммунал-фойдаланиш ташкилоти электр ҳисоблагичларни ўз ҳисобидан тиклашлари шарт.

108. Уй-жой мулкдорлари ширкати, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари ҳамда бинолар ва турар жойларни ҳамда бошқа биноларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ижарага берувчи бошқа ташкилотлар энергия билан таъминловчи ташкилотнинг рухсатсиз ижарачиларга (электр энергиясидан фойдаланиш мақсадларидан қатъи назар) тегишли бўлган электр қурилмаларини уйнинг ички тармоқларига улаш ҳуқуқига эга эмас.

109. Ижарачилар (юримдик шахслар) бинони эгаллаш учун далолатнома олин-

гандан ёки бино (уй) эгаси билан шартнома тузилгандан кейин уч кун муддатда ижарага олинган бинода электр энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилиши шарт.

110. Томонларнинг тармоқлар бўлиниши чегарасидан абонентларгача узлуксиз электр таъминоти учун энергия билан таъминловчи ташкилотлар билан шартнома тузган уй-жой мулкдорлари ширкати ва коммунал-фойдаланиш ташкилотлари жавоб беради.

ХIII. Маиший абонентлар (аҳоли) билан фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш

111. Маиший истеъмолчилар (аҳоли) квартираларда шахсий эҳтиёжлар учун, ёрдамчи хўжаликлар, томорқа боғ объектларида шахсий фойдаланиш учун сарфланадиган электр энергияси учун, турмушда қўлланиладиган ток қабул қилувчи қуввати ва вазифасидан ҳамда ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичлар ўрнатилган жойдан қатъи назар, ягона бир ставкали тариф бўйича ҳақ тўлайдилар.

112. Электр ҳисоблагич маиший абонент томонидан сотиб олинади ва давлат текшируви ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун энергия билан таъминловчи ташкилотга топширилади.

Маиший абонентнинг жой тайёрлиги тўғрисидаги буюртмаси бўйича электр ҳисоблагич қурилмаси маиший абонент иштирокида энергия билан таъминловчи ташкилот вакили томонидан ўрнатилади.

113. Энергия билан таъминловчи ташкилот билан келишган ҳолда электр энергиясидан электр ҳисоблагичсиз вақтинчалик фойдаланишга рухсат этилади, бунда тўлов ўрнатилган ток қабул қилгичларнинг қуввати ва уларнинг ишлаш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

Ушбу ҳолда бир ойдан кўп бўлмаган муддатга тўлашга рухсат берилади, шундан кейин ҳисоблагич ўрнатиш учун абонент узиб қўйилади.

114. Абонент электр ҳисоблагичлар кўрсаткичлари тўғрилигига шубҳаланса, энергия билан таъминловчи ташкилотга белгиланган тартибда ариза беради.

Агар ҳисоблагич йўл қўйилиши мумкин бўлган нуқсонлар доирасида ишлаётганлиги аниқланса, абонент ҳисоблагични текшириш ёки алмаштириш билан боғлиқ харажатларни тўлайди.

115. Маиший абонентнинг ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичи ишга тушиши схемаси ўзгартирилганлиги, шикастланганлиги, пломба бузилганлиги, диск сунъий равишда тўхтатиб қўйилганлиги ва электр энергияси истеъмоли кўрсаткичларини пасайтириш мақсадидаги бошқа қоида бузишлар аниқланганда, энергия билан таъминловчи ташкилот абонент томонидан охириги текшириш кунидан бошланган давр учун, бироқ даъво бериш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда электр энергиясидан фойдаланганлик учун қайта ҳисоб-китоб қилади.

116. Агар ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичига эга бўлмаган абонент бирор-бир сабаб билан мазкур уй-жой майдонида вақтинча яшамаса, у ҳолда у бу ҳақда энергия билан таъминловчи ташкилотни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Акс ҳолда, абонентдан у бўлмаган давр учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган шкала бўйича ўртача ойлик тўлов ундирилади.

117. Маиший абонентлардан электр энергияси учун белгиланган тариф қийматидан ортиқча бирор-бир қўшимча суммалар ундириш тақиқланади.

118. Квартиралар, хусусий уйлар, боғ участкалари, гаражларда якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи маиший абонентлар фойдаланилган электр энергияси учун тадбиркорлик эҳтиёжлари учун истеъмол қилиш ҳажмларини ҳисобга олиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти тури (савдо, хизматлар, товарлар ишлаб чиқариш ва бошқалар) бўйича электр энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳига мувофиқ ҳақ тўлайдилар.

Бунда тадбиркорлик фаолияти учун сарфланадиган электр энергиясини ҳисобга олувчи алоҳида электр ҳисоблагич ўрнатиш зарур.

119. Тўлов бўйича бир ойдан ортиқ қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда энергия билан таъминловчи ташкилот электр энергиясини бериш тўхтатилишидан камида бир ой олдин абонентни огоҳлантириш шarti билан фойдаланилган энергия учун абонент ҳақ тўламаганлиги муносабати билан шартномани бажаришдан бир томонлама тартибда воз кечишга ҳақлидир.

Электр энергияси бериш абонент томонидан қарз тўлангандан ва улаш харажатлари қоплангандан кейин навбатда туриш тартибида тикланади.

Электр энергияси учун қарздорлик билан боғлиқ бўлган энергия билан таъминловчи ташкилот ва маиший абонентлар ўртасидаги барча низоли масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

120. Энергия билан таъминловчи ташкилотдан ҳар бир маиший абонентга «Ўздав-энергоназорат» агентлиги томонидан белгиланган намунадаги ҳисоб-китоб дафтарчаси берилади, электр энергияси тўлови улар бўйича амалга оширилади. Ҳисоб-китоб дафтарининг ҳар бир варағида квитанция ва билдиришнома мавжуд бўлади, уларга абонент шахсий ҳисоб рақамининг тартиб рақами изи туширилган бўлиши керак.

Тўлов ҳужжатининг ҳар иккала қисми (билдиришнома ва квитанция) бир хилда, аниқ, ўчириб ёзишларсиз тўлдирилиши керак. Тўлов ҳужжатларида фамилия, манзил, тўловнинг жорий ва олдинги санаси ҳамда ҳисоблагичнинг уларга мувофиқ бўлган кўрсаткичлари, кўрсаткичлар тафовути ва тўлов суммаси кўрсатилиши керак.

121. Овқат тайёрлаш учун марказлаштирилган тартибда электр плиталар билан жиҳозланган уйларда яшовчи маиший абонентлар электр энергияси учун тегишли тариф бўйича ҳақ тўлайдилар.

122. Ҳисобот даврида маиший абонент томонидан электр энергияси истеъмол қилиш ҳажми абонентга ўрнатилган электр ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича фойдаланган электр энергияси учун у томонидан амалда тўланган тўлов бўйича аниқланади.

123. Ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичлардан кўрсаткичларни олиш ва олдиндан ҳақ тўлаш ҳисобга олинган ҳолда тўлов ҳужжатларидан кўчирма олиш ҳар ойда энергия билан таъминловчи ташкилотнинг назоратчиси ёки абонентнинг ўзи томонидан олдиндан ҳақ тўлаш ҳисоб-китоби қайси давр учун амалга ошириляётганидан қатъи назар тўлов пайтида амал қилувчи тариф бўйича амалга оширилади.

Агар тўлов ҳужжати (билдиришнома—квитанция) назоратчи томонидан тўлдирилса, у абонентга топширилади, абонент бўлмаган тақдирда эса —бир квартирада ёки хусусий уйда у билан бирга яшовчи исталган вояга етган шахсга топширилади.

124. Агар ҳисоб-китоб ҳисоблагичи ўрнатилган бинони навбатдаги айланиб чиқишда бино ёпиқ бўлса, энергия билан таъминловчи ташкилотнинг назоратчиси олдинги давр учун электр энергиясининг амалдаги сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳужжатини тўлдиради, бу ҳақда абонентнинг шахсий ҳисоб рақамидан тегишли белги қайд этилади.

Энергия билан таъминловчи ташкилотнинг назоратчиси амал қилишининг тегишли муддати кўрсатилган, номи ёзилган гувоҳнома мавжуд бўлган тақдирда квартирадаги электр ҳисоблагичларни соат 8.00 дан бошлаб соат 20.00 гача текшириб кўриш ҳуқуқига эгадир.

125. Электр энергияси учун олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга бўлган ҳисоблагичлар ўрнатилган абонентлар электр энергияси учун электрон карточкалар ёрдамида ҳақ тўлайдилар.

Ҳисоб-китоб олдиндан ҳақ тўлаш принципи бўйича олиб борилади. Ҳақ тўланган электр энергияси миқдори сарфи бўйича абонент электр энергияси учун тўловларни қабул қилиш пунктига келиши ва электр энергиясининг навбатдаги улушига ҳақ тўлаши керак.

126. Тўлов ҳужжати бўйича ҳақ тўлаш абонент томонидан аҳолидан тўловларни қабул қилувчи ташкилот орқали ҳар ойнинг 1-10-кунларида тўланади.

127. Абонент тўлов билдиришномасини мустақил ёзади ва ҳисоб-китоб дафтарида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ суммани тўлайди.

Тўлов ҳужжатларини тўлдириш ва ҳақ тўлаш пайтида абонент томонидан йўл қўйилган хатолар улар аниқланиши давомида даъво муддати мобайнида энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан ҳисобга олинади.

128. Банк ҳужжатида кўрсатилган сана тўлов амалга оширилган пайт деб ҳисобланади.

Агар билдиришнома, квитанция ёки касса аппарати оттискида кўрсатилган суммалар ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда банк ҳужжатида (банк штампида) кўрсатилган сумма қабул қилинади.

129. Аҳолидан (Халқ банки ва бошқа тижорат банкларидан, «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси бўлимидан) тўловни қабул қилиб олган ташкилот билдиришномаларни пачка ва бандеролда шакллантиради.

Ҳар қайси бандеролда (банк бўлими томонидан муайян даврда қабул қилиб олинган маиший абонентлар билдиришномалари комплектида) энергия билан таъминловчи ташкилотга бериш вақтида ёрлик бўлиши лозим, ёрликда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

бандеролни шакллантиришнинг бошланган ва тугалланган санаси;

бандеролдаги ҳужжатлар сони; қабул қилиб олинган тўловларнинг умумий суммаси;

касса хизмати кўрсатилганлиги учун тўлов сифатида ушлаб қолинган сумма; энергия билан таъминловчи ташкилот ҳисоб рақамига ўтказиладиган сумма.

130. Тўлов бўйича бир ва ундан кўп ой учун қарз мавжуд бўлганда аҳолидан тўловни қабул қилиб олувчи ташкилот томонидан тўловнинг умумий суммасидан жарима ундирилади.

131. Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар амалдаги тариф бўйича кВт.с.да қайта ҳисоблаб чиқилади ва энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан, уларнинг аниқланишига қараб даъво муддати доирасида, ортиб борувчи якун бўйича, кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан ҳисобга олинади.

132. Амалдаги тарифлар ўзгарганда энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан эски тариф бўйича қарзни тўлаш санаси белгиланади, бу сана оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига маълум қилинади.

Кўрсатилган санадан кейинги кундан бошлаб тўлов фақат янги тариф бўйича амалга оширилади.

133. Агар амалдаги тарифлар ўзгарган даврда эски тариф бўйича тўлов белгиланган муддатдан кейин амалга оширилган бўлса, у ҳолда тўлов суммаси кВт.с.да янги тариф бўйича қайта ҳисобланади ва даъво муддати доирасида, ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинади.

134. Абонент, хоҳишига кўра, электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳақни,

тариф ўзгарганда суммани қайта ҳисобламаган ҳолда, камида бир ой муддатга, лекин кўпи билан 12 ой учун олдиндан тўлаши мумкин.

135. Бир ҳисоб-китоб даври тугагач ҳисоб-китоб электр — ҳисоблагичлар кўрсаткичларини абонент айби билан чиқариб олиш мумкин бўлмаганда, бунда агар абонентнинг ўзи энергия билан таъминловчи ташкилотга сарфланган электр энергияси миқдори ва унинг учун тўланган ҳақ тўғрисида маълумот тақдим қилмаса, шунингдек олдиндан ҳақ тўланмаган бўлса, абонент электр энергияси бериш тўхтатилишидан бир ой олдин огоҳлантирилган тақдирда абонент томонидан у фойдаланган энергия учун ҳақ тўланмаганлиги сабабли энергия билан таъминловчи ташкилот шартномани бажаришни бир томонлама тартибда рад этишга ҳақлидир.

136. Қайта ҳисоб-китоб қилиш: ёритадиган ток қабул қилгичлар қуввати ва улардан фойдаланиш соатлари миқдори бўйича; абонентда штепсель розеткалари мавжуд бўлганда (розеткалар ва ток қабул қилгичлар сонидан қатъи назар) суткада 24 соат 600 ватт (вт) қувватдан фойдаланиш ҳисобидан, иситиш приборлари ёки 600 вт.дан кўп қувватли бошқа электр жиҳозлари мавжуд бўлганда — абонент фойдаланишида бўлган жиҳознинг ҳақиқий қуввати бўйича, ундан суткада 24 соат фойдаланиш ҳисобидан амалга оширилади.

137. Электр энергиясидан фойдаланишда абонент томонидан йўл қўйилган қонунбузишлар энергия билан таъминловчи ташкилот ва абонентнинг икки нусхадаги икки томонлама далолатномаси билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси абонентга берилади ва айни бир вақтда электр энергиясидан фойдаланиш коидасини бузган абонент электр энергиясидан узиб қўйилади.

138. Энергия билан таъминловчи ташкилот ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдорини далолатнома асосида аниқлайди ва абонентга тўлаш учун қўшимча тўлов ҳужжати ёзиб беради.

Қонун бузилиши юзасидан даъво муддатини ҳисобга олган ҳолда тўлов ҳужжати ёзишда амалдаги тариф қўлланади.

Абонент энергия билан таъминловчи ташкилотнинг қарори юзасидан норозилик аризаси бериш ҳуқуқига эга, бироқ бу уни қўшимча тўлов ҳужжатини белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

Қўшимча тўлов ҳужжати бўйича ҳақ 10 кун муддатда тўланмаганда энергия билан таъминловчи ташкилот абонентни электр энергиясидан узиб қўяди ва абонентдан кўрсатилган суммани мажбурий тартибда ундириш тўғрисида судга даъво аризаси беради.

139. Абонент ва энергия билан таъминловчи ташкилот ўртасида пайдо бўладиган низоли масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Томонлар келишувга эришмаган тақдирда низолар суд тартибида ҳал этилади.

XIV. Электр энергияси истеъмолчилари (юридик шахслар) ва энергия билан таъминловчи ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

140. Электр энергияси истеъмолчилари қуйидагиларга мажбур:

истеъмол қилинадиган электр энергияси ва қувватлар учун шартномадаги ҳақ миқдорининг камида 15 фоизини олдиндан тўлаш;

энергия билан таъминловчи ташкилот талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиш ва хабар қилиш*:

* Электр энергиясининг суткалик сарфи ва ҳақиқий (актив ва реактив) нагрузка истеъмолчи томонидан тартиб рақами қўйилган ва ип билан тикиб муҳрланган дафтарга ёзилади.

хар суткалик, хар ойлик сарфлар ва истеъмол қилинадиган қувватнинг ҳақиқий миқдори;

энергия тизимининг энг катта ва энг кичик нагрузкали даврларида реактив энергия ва қувватнинг хар суткалик сарфи;

энергия тизимининг энг катта нагрузкаси вақтида хар 30 дақиқадаги актив энергия (қувват) сарфи.

141. Электр энергияси истеъмолчилари энергия билан таъминловчи ташкилотдан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

электр энергиясини электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шарномада кўрсатилган миқдорда етказиб бериш;

электр тармоқларининг баланс бўйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат кўрсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган миқдорда сақлаш;

энергия билан таъминловчи ташкилот электр тармоқларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида огоҳлантириш;

электр энергияси билан таъминловчи ташкилот билан келишган ҳолда электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий миқдорини чораклик миқдор доирасида жорий йил мобайнида 2 марта (1 ва 2-ойларда — улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта таксимлаш.

142. Энергия билан таъминловчи ташкилот қуйидагиларга мажбур:

электр энергиясини электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб бериш;

электр тармоқларининг баланс бўйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат кўрсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган миқдорда сақлаш;

энергия билан таъминловчи ташкилотнинг электр тармоқлари режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 сутка олдин огоҳлантириш;

электр энергияси беришнинг режадан ташқари тўхтатилиши сабабларини хабар қилиш;

ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичларини амалдаги давлат норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ алмаштириш муддатларини хабар қилиш;

жорий этиладиган чеклашларни чеклашнинг жорий этилиш ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда ўз вақтида хабар қилиш;

электр энергиясининг истеъмолчига энергия билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

истеъмолчиларнинг электр энергиясининг тўлиқ берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қонунбузилишлари тўғрисидаги аризаларини истеъмолчидан ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш ва ушбу Қоидаларга мувофиқ муфассал жавоб юбориш.

143. Энергия билан таъминловчи ташкилот электр энергияси беришни:

электр энергияси электр истеъмолининг шартномадаги миқдоридан ортиқча сарфланганда ёки электр истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

электр энергиясидан электр истеъмоли шартномасисиз фойдаланилганда;

ток қабул қилувчилар энергия билан таъминловчи ташкилот тармоғига ўзбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада келишилган миқдордан оширилганда;

ток қабул қилувчилар энергия ҳисоблагичсиз уланганда ёки электр энергияси-ни ҳисобга олиш схемаси бузилганда;

фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда тўланмаганда;

энергия билан таъминловчи ташкилот вакили ҳисоблаш приборларини кўришга қўйилмаганда тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

144. Энергия билан таъминловчи ташкилот:

истеъмолчи электр истеъмоли ёки қувватининг шартномадаги миқдордан ошишига йўл қўйган ҳолда электр истеъмол қилишнинг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан белгиланган электр истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткалар мобайнида паст сифатли электр энергияси берилганлиги учун;

захирани автоматик ишга тушириш, автоматик такрорий улаш ва автоматик частотали разгрузка вақтида электр энергияси беришдаги танаффус учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

145. Энергия билан таъминловчи ташкилот ва электр энергияси истеъмолчиларининг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик учун моддий жавобгарлиги қонун ҳужжатлари ва шартномада белгиланади.

XV. Реактив қувват ва энергия компенсацияси учун электр энергияси бўйича тарифдан чегирмалар ва тарифга устамалар

146. Реактив энергия (қувват) компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) sanoat истеъмолчиларига ва уларга тенглаштирилган истеъмолчиларга, электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспортга (электр энергияси билан юрадиган), битта ҳисобга олиш нуқтаси бўйича ўртача ойлик электр энергияси истеъмоли 30 минг кВт. соатдан кўп бўлган қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

147. Реактив қувват ва энергия компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) реактив қувват ва энергияни ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида белгиланади ҳамда 1 кВАР энг катта нагрузка учун тўлов ва (ёки) истеъмол қилинган 1 кВАР реактив энергия учун тўлов тарзида ундирилади.

148. Устамалар энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан, истеъмолчи фойдаланадиган электр тармоғининг катта нагрузкали соатларида абонент шартномадагидан ортиқча миқдорда реактив қувват ва энергия истеъмол қилганда ҳамда истеъмолчи реактив энергияни энергия тизимининг кичик нагрузкали соатларида генерация қилганда қўлланади.

149. Энергия тизими томонидан тарифдан чегирмалар истеъмолчи томонидан реактив энергия тизими тармоғига электр тармоғининг катта нагрузкали соатларида генерация қилинганда ҳамда энергия тизими тармоғидан реактив энергия электр тармоғининг кичик нагрузкали соатларида истеъмол қилинганда берилади, агар истеъмолчининг бундай иш режимлари зарурияти шартномада белгиланган бўлса.

150. Электр тармоғининг катта ва кичик нагрузкали соатлари — бу сутканинг абонент томонидан реактив қувватнинг истеъмол қилиниши электр билан таъминловчи ташкилот тармоғида электр энергиясининг қўшимча равишда исроф бўлишига олиб келадиган даврларидир.

Энергия билан таъминловчи ташкилот электр тармоғининг катта ва кичик нагрузкали соатларини истеъмолчининг ва у фойдаланадиган тармоқнинг реактив

нагрузкаи жадваллари асосида ҳар қайси истеъмолчи учун якка тартибда белгилаши мумкин.

Ҳар суткадаги катта ва кичик нагрузкали соатлар йиғиндиси 24 соатга тенг, шу жумладан:

катта нагрузкали соатлар — соат 07.00 минутдан соат 23.00 минутгача;

кичик нагрузкали соатлар — соат 23.00 минутдан соат 07.00 минутгача.

151. Реактив қувват ва энергия истеъмоли ва генерацияси ҳисобга олишнинг автоматик тизимлари ёки стопорли ҳисоблагичлар воситасида қайд этилади.

Электр тармоғининг катта ва кичик нагрузкали даврларида контактли соатлар билан ишга тушириладиган стопорсиз ҳисоблагичларни қўллашга йўл қўйилади. Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспортининг ҳаракатлантирувчи куч берадиган ёрдамчи станциялари битта стопорсиз ҳисоблагич билан жиҳозланади ва ҳисоб-китоблар тарифга устамаларга мувофиқ жами реактив энергия истеъмоли ва генерацияси учун амалга оширилади.

152. Истеъмолчининг ҳақиқий реактив қувватини назорат қилиш ҳисоблагичлар ёки электр тармоғининг катта нагрузкали соатларида 30 дақиқадаги энг катта реактив нагрузкани ҳисобга оладиган бошқа приборлар бўйича амалга оширилиши керак. Энг катта реактив нагрузкани энергия тизимининг энг катта нагрузкали соатларида қайд этишга йўл қўйилади.

Энергия линиялари бир нечта бўлганда ҳисобланган реактив қувват учун маҳсус қурилма — жамловчи воситасида аниқланадиган 30 минутли энг катта жами реактив қувват қабул қилинади.

Жамловчи мавжуд бўлмаганда энг катта жами нагрузка ҳар қайси энергия линияси бўйича электр ҳисоблагичларнинг кўрсатувчи элементлари воситасида қайд этилган энг катта нагрузкалар йиғиндиси сифатида аниқланади.

Энергия тизими томонидан реактив энергияни энергия тизимларига электр тармоғининг катта нагрузкали соатларида генерация қилиш ва (ёки) реактив энергияни унинг кичик нагрузкали соатларида мажбурий истеъмол қилиш зарурати аниқланган тақдирда энергияни ҳисобга олиш усули энергия билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасида келишиб олинади ҳамда шартномада акс этирилади.

153. Саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан фойдаланиш шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

электр тармоғининг катта нагрузкали соатларида энергия тизими тармоғидан бир ойда истеъмол қилинадиган реактив энергиянинг иқтисодий аҳамияти;

электр тармоғининг катта нагрузкали соатларида энергия тизими тармоғидан истеъмол қилинадиган 30 минутдаги реактив қувватнинг иқтисодий аҳамияти;

электр тармоғининг катта нагрузкали соатларида реактив қувватни ва (ёки) айнан шундай соатларда бир ойда реактив энергия истеъмол қилишнинг техник чегаралари, улар ортиб кетганда электр билан таъминловчи ташкилот электр энергиясини ҳисобга олиш нуктасида кучланишнинг электр тармоғининг энг катта нагрузкали соатлари учун электр энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган даражадан пастлиги учун жавоб бермайди;

электр тармоғининг катта нагрузкали соатларида энергия тизимида бир ойда генерация қилинадиган ва (ёки) унинг кичик нагрузкали соатларида бир ойда мажбурий истеъмол қилинадиган реактив қувват ва (ёки) реактив энергиянинг чекланган микдорлари;

электр тармоғининг катта нагрузкали соатларида реактив энергия ва қувватнинг иқтисодий аҳамияти, реактив қувват айнан шу соатларда бир ойда реактив

энергия истеъмол қилишнинг техник чегаралари энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан ҳар қайси энергия тизими узели бўйича мунтазам ҳисоб-китоб абонентларига энергия берувчи тақсимлаш тармоқлари режимлари ҳисоб-китоби асосида белгиланади.

Юқорида қайд этилган ҳисоб-китоб мавжуд бўлмаганда тўлов фақат ҳақиқий истеъмол қилинган реактив энергия учун, қўшилган қиймат солиғисиз, актив энергия учун амалдаги тарифнинг 5 фоизига тенг нарх бўйича ундирилади.

154. Электрлаштирилган темир йўл транспортининг ҳаракатлантирувчи ёрдамчи станциялари ва метрополитеннинг ёрдамчи станциялари томонидан электр энергиясидан фойдаланиш шартномасида реактив энергия истеъмол қилишнинг бир ойдаги иқтисодий миқдори ва техник чегараси кўрсатилади.

Доимий ва ўзгарувчан ток билан ишлайдиган темир йўл транспортининг ҳаракатлантирувчи ёрдамчи станциялари томонидан реактив энергия истеъмоли ва генерациясининг иқтисодий миқдори ва техник чегаралари контактли тармоқ билан боғланган ҳаракатлантирувчи ёрдамчи станциялар бўйича жамлаб кўрсатилади, улар томонидан истеъмол қилинган энергия учун ҳисоб-китоблар энергия билан таъминловчи битта ташкилот билан амалга оширилади.

155. Реактив энергиянинг бир ойдаги истеъмоли ва генерацияси ҳамда электр тармоқларининг катта нагрузкали соатларидаги реактив қувватнинг иқтисодий миқдорлари ва техник чегаралари шартномада чорак бўйича ёки ҳар ойда қайд этилади, агар реактив энергия ва қувватнинг истеъмоли ва генерацияси ҳисобга олишнинг автоматик тизимлари ёки ҳисоблагичлар билан энг катта нагрузкани қайд қилган ҳолда рўйхатдан ўтказилса.

156. Агар электр энергиясини ҳисобга олиш нуқтаси истеъмолчига тегишли бўлган трансформаторнинг паст кучланишли томонида бўлса, истеъмолчи трансформатордаги реактив қувват ва энергия исрофини шартномада белгиланган тариф бўйича тўлайди.

XVI. Электр энергияси сифати учун электр энергияси тарифдан чегирмалар ва унга устамалар

157. Электр энергияси сифати учун тарифдан чегирмалар (унга устамалар) амалдаги тарифлар бўйича белгиланади. Электр энергияси сифати учун тарифларга устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва шартномага мувофиқ ундирилади.

158. Электр энергияси учун ҳисоб-китобларда қўлланадиган электр энергиясининг сифат кўрсаткичлари (ЭСК) рўйхати энергия тизими ва истеъмолчининг бир-галиқдаги таклифлари асосида белгиланади, бошқа томоннинг розилиги талаб қилинмайди.

159. Агар истеъмолчининг электр энергияси сифати ёмонлашувидаги ҳақиқий улуши йўл қўйиладиган даражадан ошса, у ҳолда санкциянинг муайян миқдори тарифга устама, акс ҳолда — тарифдан чегирма ҳисобланади.

160. Ҳар қайси ЭСК бўйича чегирмалар (устамалар) миқдори кўриб чиқиладиган ЭСК нинг ҳисоб-китоб давридаги нисбий умумий миқдорининг давомийлиги (Т1 ва Т2) кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда тегишли равишда нормал ва йўл қўйиладиган энг юқори миқдорлар учун ҳисоблаб чиқилади. Т1 ва Т2 миқдорлари ўлчаш вақти учун белгиланади, унинг давомийлиги ҳар қайси ЭСК бўйича шартномада белгиланади, лекин у 1 иш суткасидан кам бўлмаслиги керак. Ўлчашнинг автоматик воситалари мавжуд бўлганда Т1 ва Т2 миқдорлари узлуксиз ўлчаниши керак. Даврий ўлчашлар амалга оширилганда ўлчашлар натижалари татбиқ этиладиган ҳисоблаш

интервали энергия билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасидаги келишув бўйича (лекин бир чоракдан кам эмас) белгиланади ва шартномада қайд этилади.

161. Истеъмолчининг шартномада қайд этилган ҳар қайси ЭСК бўйича электр энергияси сифати ёмонлашувидаги ҳақиқий улушлари миқдори эпизодик ўлчашлар асосида белгиланади ва ўлчашлар протоколига ёзилади. Ҳақиқий улушларнинг ушбу миқдорларидан томонлардан бири уларни қайта кўриб чиқиш масаласини қўйгунга қадар фойдаланилади.

162. ЭСКни ўлчаш энергия билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи томонидан биргаликда, шартномада белгиланган муддатларда ўтказилади. Шартномада ўлчашлар даврийлиги тўғрисида кўрсатмалар бўлмаганда, шунингдек истеъмолчининг ёки энергия тизимининг иш шароитлари кескин ўзгарганда ўлчашлар исталган томонлардан бирининг ташаббусига кўра ўтказилиши мумкин. Бошқа томон ўлчашларни ўтказишнинг аниқ санасини 3 кун муддатда келишиб олиши керак. Ўлчашлар ташаббус кўрсатган томоннинг мурожаатидан кейин 10 кун муддатда бажарилиши лозим.

163. Кучланишдаги тафовутлар носинусоидаллик коэффициентлари ва кучланишдаги ўзгаришлар энергия билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасидаги келишув бўйича ё фазалардан биттасида, ёхуд барча фазаларда ўлчанади. Барча фазаларда ўлчашда T1 ва T2 ўртача миқдор сифатида белгиланади.

164. Истеъмолчининг электр энергияси сифати ёмонлашувидаги ҳақиқий улушини аниқлаш тартиби электр энергиясидан фойдаланиш шартномасида кўрсатилади.

XVII. Электр энергияси беришни чеклаш ёки тўхтатиш шартлари

165. Электр энергияси истеъмолчига унинг билан тузилган шартномага мувофиқ берилади.

Электр энергияси истеъмолини чеклаш, шунингдек истеъмолчилар нагрузкалари жадвалларини тартибга солиш тадбирларини амалга ошириш «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланган тартибда амалга оширилади.

Истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмол қилишини чеклаш абонент билан келишилган чеклашлар жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

166. Энергия тизимида қувват ва энергия тақчиллиги пайдо бўлганда қувват ва истеъмол бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари жорий этилади.

167. Қувват ва электр истеъмоли бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари истеъмолчилар томонидан энергия билан таъминловчи ташкилот билан биргаликда ишлаб чиқилади ҳамда жойлардаги шахар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари билан келишилади.

168. Электр энергиясини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари энергия тизимида электр энергияси ва қуввати етишмаганда энергия тизимининг баравар ишлашининг барқарорлигини сақлаш, авариялар келиб чиқишининг олдини олиш ва истеъмолчиларни тартибсиз ҳолда узиб қўйишга барҳам бериш учун электр станциялари жиҳозларининг ва электр тармоқларининг йўл қўйиб бўлмайдиган иш шароитларини баргараф этиш мақсадида тузилади.

169. Электр энергияси истеъмолини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг энергия билан таъминловчи ташкилотлари томонидан истеъмолчилар билан биргаликда, ташкилотнинг технологик ва

авария бронини аниқлаш далолатномаси асосида тузилади ҳамда уларни бажариш ушбу жадвалларга киритилган барча истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

170. Электр энергияси истеъмолини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари жорий йилнинг 1 октябридан кейинги йилнинг 1 октябригача бўлган давр учун тузилади ва истеъмолчиларга маълум қилинади.

171. Жадвалларнинг қуйидаги турлари тузилади:

энергия тизимида ёқилги ёки гидроресурслар етишмаганда электр энергияси истеъмолини (киловатт-соатларда) чеклаш жадвали. Жадвал электр энергияси истеъмолини истеъмолчиларнинг (чеклашга мансуб бўлмаган объектлардан ташқари) технологик бронигача, кейинчалик авария бронигача қисқартиришни (истеъмолни 5 та тенг навбатга бўлган ҳолда) назарда тутиши керак;

энергия тизимида қувват етишмаганда унинг истеъмолини (киловаттларда) чеклаш жадвали. Жадвал истеъмол қилинадиган қувватни энергия тизимининг эрталабки ва кечки энг катта нагрузкали соатларида (истеъмол қилинадиган қувватни 5 та тенг навбатга бўлган ҳолда) истеъмолчиларнинг авария бронигача камайтиришни назарда тутиши керак;

истеъмол ва қувватни чеклаш жадвалларини жорий этиш учун вақт бўлмаганда, қувват етишмаслиги натижасида авария хавфи пайдо бўлганда қўлланадиган электр энергиясини чеклаш жадвали. Жадвалда энергия тизими истеъмолчилари истеъмол қиладиган қувватни (узиб қўйиладиган қувватни 5 та тенг навбатга бўлган ҳолда, узиб қўйишга тегишли бўлмаган объектлардан ташқари) тўлиқ узиб қўйиш назарда тутилиши керак.

Бундан ташқари, энергия тизими электр энергияси узатиш линиясидан энергия оладиган истеъмолчиларни узиб қўйишнинг махсус жадвалини ишлаб чиқади.

Электр энергиясидан узиб қўйиш жадвалига ва махсус жадвалга, энг аввало, автоматика, телебошқарув қурилмасига ёки доимий хизмат кўрсатувчи ходимларга ва ишончли телефон алоқасига эга бўлган ёрдамчи станциялар киритилиши керак. Истеъмолчилар электр энергияси истеъмол қилишда электр таъминотининг авария бронигача чеклаб қўйилиши мумкин.

172. Чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини амалга киритиш тартиби:

электр энергияси ва қувват истеъмолини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг фармойиши билан амалга киритилади. Диспетчерлик бошқарувининг барча даражаларида электр энергияси истеъмолини чеклашни жорий этиш юзасидан фармойишлар оператив дафтарга чеклашнинг миқдори, бошланиш ва тамом бўлиш вақти ёзилган ҳолда берилади;

энергия билан таъминловчи ташкилот истеъмолчиларга кейинги суткаларда электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвалларини амалга киритиш тўғрисида жорий сутканинг 14 соатидан кечикмай, чеклашнинг миқдорини, бошланиш ва тамом бўлиш вақтини кўрсатган ҳолда маълум қилади.

Электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвалларини шошилиш равишида жорий этиш зарур бўлганда, бу ҳақдаги билдиришнома, сутканинг вақтидан қатъи назар, чеклашнинг амал қилиши бошланишидан 1 соат олдин истеъмолчиларга етказилади.

Узиб қўйиш жадваллари истеъмолчилар томонидан энергия билан таъминловчи ташкилотдан узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол жорий этилади.

Электр энергияси истеъмолини узоқ даврга камайтириш зарур бўлганда қувватни узиб қўйиш жадвалига тенг бўлган электр энергияси ва қуввати истеъмолини чеклаш жадвали амалга киритилади.

Чеклаш ва узиб қўйиш жадвалига киритилган ташкилотлар ва муассасалар, шу

жумладан узлуксиз технологик ишлаб чиқаришга эга бўлган ташкилотлар (чеклаш ва узиб қўйишга тегишли бўлмаган объектлардан ташқари) раҳбарлари чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларининг энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан кўрсатилган муддатда сўзсиз бажарилишини ташкил этишлари шарт, акс ҳолда улар узиб қўйиш ва чеклаш жадвалларини бажармаганлик учун энергия марказларидан мажбурий узиб қўйиш оқибатлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Энергия билан таъминловчи ташкилот электр энергияси ва қувватини чеклаш жадвалларини амалга киритиш тўғрисидаги фармойиш истеъмолчилар томонидан бажарилмаганда огоҳлантиришдан кейин истеъмолчиларга электр энергияси беришни электр энергияси ва қуввати истеъмолини белгиланган даражада камайтиришни таъминлайдиган миқдорда мажбурий равишда чеклайди.

XVIII. Блок-станцияга эга бўлган истеъмолчилар билан ўзаро муносабатлар

173. Энергия тизимининг электр тармоғига бевосита ёки абонентлар тармоғи орқали уланган саноат ва идора истеъмолчиларининг электр станциялари блок-станциялар ҳисобланади. Улар ўзаро келишилган қарорлар бўйича ишлаши керак ва энергия тизимининг ягона оператив-диспетчерлик бошқарувига бўйсунушлари шарт.

Блок-станциялар бўйича электр энергияси ишлаб чиқариш йиллик режимлари ва блок-станциялар томонидан энергия тизимига электр энергияси бериш йиллик режалари энергия билан таъминловчи ташкилот ва блок-станция шартномаси билан тасдиқланади ва расмийлаштирилади.

Блок-станциялар томонидан энергия билан таъминловчи ташкилот тармоғига электр энергияси бериш шартномага мувофиқ белгиланади.

174. Энергия билан таъминловчи ташкилотнинг диспетчерлик хизмати шартномада келишилган ойлик режага мувофиқ блок — станция учун энергия тизими тармоғига ҳар суткалик электр энергияси нагрукаси ва бериш жадвалини белгилайди.

Блок-станция томонидан нагрукча диспетчер жадвалида белгиланган миқдордан камайтирилган тақдирда энергия билан таъминловчи ташкилот блок-станция тегишли бўлган саноат ташкилотлари бўйича қувватни блок-станция нагрукани камайтирган миқдорда чеклашни жорий этиш ҳуқуқига эга, блок-станция нагрукани форс-мажор сабаблар бўйича камайтирган ҳоллар бундан мустасно.

175. Энергия билан таъминловчи ташкилот тармоғига бериладиган, шунингдек энергия билан таъминловчи ташкилотдан истеъмол қилинадиган актив ва реактив электр энергияси ва қувватни ҳисобга олиш блок-станция ўрнатган, тескари айланиши тормозланган ҳисоблагичлар билан амалга оширилади.

Электр ҳисоблагичлар маълумотлари энергия билан таъминловчи ташкилотга фойдаланиш учун берилади.

Блок-станцияга тегишли бўлган энергия миқдорини оширувчи трансформаторларда электр энергиясининг исроф бўлиши электр энергиясини туман тармоғига беришда ҳам, электр энергиясини энергия билан таъминловчи ташкилотдан олишда ҳам блок-станция ҳисобига тегишли бўлади.

176. Блок-станцияга эга бўлган истеъмолчи электр энергиясини энергия билан таъминловчи ташкилот тармоғига берганда ва электр энергияни энергия билан таъминловчи ташкилотдан олганда энергия билан таъминловчи ташкилот ва мазкур истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоб давридаги электр энергиясининг сальдо миқдори ҳисобига амалга оширилади.

177. Истеъмолчи томонидан ўз блок станциясидан энергия билан таъминловчи ташкилот тармоғига берилган электр энергияси миқдори энергия билан таъминловчи ташкилотдан олинган электр энергияси миқдоридан ортиқ бўлса, электр энергиясининг сальдо миқдори учун ҳақ энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан ҳисоб-китоб тарифи бўйича тўланади.

Блок-станциялар томонидан энергия тизимлари тармоғига бериладиган электр энергияси учун ҳисоб-китоб тарифлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади.

Агар блок-станцияга эга бўлган истеъмолчи томонидан энергия билан таъминловчи ташкилот тармоғига берилган электр энергияси миқдори у энергия билан таъминловчи ташкилотдан олган энергиядан кам бўлса, у ҳолда истеъмолчи электр энергиясининг сальдо миқдори учун ҳақни истеъмолчиларнинг у мансуб бўлган гуруҳи учун белгиланган тариф бўйича тўлайди.

178. Блок-станция томонидан энергия билан таъминловчи ташкилот тармоғига берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар шартномага мувофиқ амалга оширилади.

179. Туман тармоғига электр энергиясининг блок-станция айби билан тўлиқ берилмаган миқдори келишилган шартномадаги миқдор билан тармоққа ҳақиқий берилган электр энергияси миқдори ўртасидаги фарқ билан аниқланади.

180. Блок-станция форс-мажор ҳодисалари (ёнғинлар, сув тақчиллиги, сув тошқинлари, электр тармоқларида момақалдиروқдан химояловчи воситалар мавжуд бўлгандаги момақалдиروق, яхмалак, бўрон, қор бўрони, қор қўчкилари ва шу кабилар) туфайли электр энергияси беришдаги узилишлар учун жавоб бермайди.

181. Агар энергия билан таъминловчи ташкилот тармоғига берилган электр энергияси миқдори энергия билан таъминловчи ташкилотдан олинган электр энергияси миқдоридан ортиқ бўлса, блок-станцияга эга бўлган истеъмолчи энергияни истеъмолчига тўғридан-тўғри шартнома бўйича бериш ҳуқуқига эга бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 16 июндаги 271-сон қарорига
2-ИЛОВА

Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари

I. Асосий тушунчалар ва атамалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилган: **иссиқлик энергиясини қабул қилувчи** — иссиқлик энергиясини қабул қилиб олиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган қурилма ёки прибор;

иссиқлик билан таъминловчи ташкилот — иссиқлик энергиясини шартнома бўйича сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;

иссиқлик билан таъминловчи ташкилот абоненти — иссиқлик энергияси билан таъминловчи ташкилот тармоқларига баланс бўйича тегишли иссиқлик тармоқлари чегарасига бевосита уланган истеъмолчи, унинг иссиқлик энергиясидан фойдаланиш ҳуқуқи иссиқлик энергияси билан таъминловчи ташкилотнинг истеъмолчи ёки унинг юқори ташкилоти билан шартномасида келишилган бўлади;

иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг субабоненти — иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг розилиги билан абонентнинг иссиқлик тармоқ-

ларига бевосита уланган ва абонент билан иссиқлик энергиясидан фойдаланиш юзасидан шартномага эга бўлган истеъмолчи. Энергия субабонентга берилганда абонент иссиқлик билан таъминловчи ташкилот олдида Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш бўйича жавобгар ҳисобланади;

иссиқлик тармоғининг баланс бўйича тегишлилик чегараси — иссиқлик тармоғининг иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан абонент ўртасидаги бўлиниш нуқтаси, у иссиқлик тармоғининг баланс бўйича тегишлилик чегараси бўйича аниқланади;

ҳисобга олиш нуқтаси — иссиқлик билан таъминлаш схемаси нуқтаси, унда ўлчаш прибори (ҳисоблаш счётчиги, ҳисобга олиш тизими ва шу кабилар) ёрдамида ёки бошқача усулда иссиқлик энергияси сарфи миқдори аниқланади;

ҳисобга олишни назорат қилиш прибори — назорат қилиш учун фойдаланиладиган ҳисобга олиш прибори, унинг кўрсаткичлари асосида тармоқнинг мазкур нуқтасидаги иссиқлик энергияси сарфи аниқланади;

иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш ҳисоб-китоби прибори — Электр қурилмалари тузилиши қоидалари ҳамда Ёқилғи ва энергияни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, улардан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ўрнатиладиган ҳисобга олиш приборлари;

ҳисоб-китоб даври — иссиқлик энергиясининг истеъмол сарфи (ҳажми) аниқланиши, истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун истеъмолчи ва иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган вақт даври (ой). Томонлар билан келишилган ҳисоб-китоб даври шартномада кўрсатилади;

оралиқ ҳисоб-китоб — ҳисоб-китоб даври мобайнида истеъмол қилинган энергия ва қувват учун тўловчи абонент томонидан қисман ҳақ тўлаш;

якуний ҳисоб-китоб — ҳисоб-китоб даври тугагач истеъмол қилинган энергия ва қувват учун тўловчи абонент билан ҳисоб-китоб қилиш;

тўлов ҳужжати — тўлов талабномаси, унинг асосида иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари ўтказилади, шунингдек билдиришнома, унинг бўйича тўлов нақд пул билан амалга оширилади;

улгуржи истеъмолчи — қайта сотувчи — иссиқлик билан таъминловчи ташкилот абоненти, балансида ўзининг иссиқлик тармоғи бўлган ва иссиқлик билан таъминловчи ташкилотдан иссиқлик энергиясини улгуржи харид қилувчи ва уни шартнома бўйича турли истеъмолчиларга қайта сотувчи хўжалик ҳисобидаги ташкилот абонент ҳисобланади;

иссиқлик энергияси истеъмолининг шартномавий миқдори — тегишли ҳисоб-китоб даврида абонент томонидан истеъмол қилинадиган энергиянинг энергия билан таъминловчи ташкилот билан абонент ўртасидаги шартномада белгиланган миқдори;

иссиқлик билан таъминлашдаги танаффус (узиб қўйиш) — истеъмолчига иссиқлик энергияси беришни тўхтатиш, автоматик қурилмаларнинг муваффақиятли ишлаши туфайли ёки истеъмол қилишнинг чекланишига олиб келмайдиган, бир вақтнинг ўзида бир нечта линиялар бўйича энергия олувчи истеъмолчилар учун битта ёки бир нечта иссиқлик таъминоти линияларининг узиб қўйилиши туфайли содир бўладиган танаффуслар бундан мустасно;

чеклаш — шартномада назарда тутилган тадбирларни қўлланиш оқибатида муайян оралиқ вақт давомида, шунингдек иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг иссиқлик тармоқларида форс-мажор ҳолатлар туфайли пайдо бўлган авария режимлари вақтида истеъмолчига иссиқлик энергияси бериш миқдорининг камайиши;

етарли миқдорда берилмаган (кам бериш) иссиқлик энергияси — иссиқлик таъминотидаги танаффус, шу жумладан узиб қўйиш ва чеклаш вақтида истеъмолчи тўлиқ олмаган иссиқлик энергияси миқдори;

иссиқлик энергияси сифати — бу иссиқлик тармоғининг тақсимланиш чегарасида энергия кўрсаткичларининг стандартлаштириш бўйича қонун ҳужжатларида ёки иссиқлик таъминоти шартномасида белгиланган талабларга мувофиқлигидир;

иссиқлик таъминотининг технологик брони — технологик жараёни, ишлаб чиқариш циклини тугаллаш учун зарур бўлган иссиқлик қуввати ёки энергия сарфи (ҳажми);

иссиқлик таъминотининг аварияли брони — мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектнинг асбоб-ускуналарини сақлаш, инсонлар ҳаёти хавфсизлиги учун қисман ёки тўлиқ тўхтатишда, авария ва қўриқлаш ёритгичларини сақлаш, шамоллатиш, сув оқовасини оқизиш, сув таъминоти, иситиш, ёнғин хавфсизлиги воситалари учун зарур бўлган энг кам иссиқлик қуввати ёки энергия сарфи;

режали узиб қўйиш — иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг энергия қурилмаларини режали — эҳтиёт таъмирлаш жадвали бўйича таъмирлаш ёки профилактикаси даврида абонентлар билан олдиндан келишилган ва уларни (камида 3 сутка олдин) огоҳлантирган ҳолда истеъмолчига энергия беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

II. Умумий қоидалар

2. Мазкур Қоидалар «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида», «Табийий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва иссиқлик билан таъминловчи ташкилотларнинг иссиқлик энергияси истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларини белгилайди ҳамда ҳам иссиқлик билан таъминловчи ташкилотлар, ҳам юридик ва жисмоний шахслар — иссиқлик энергияси истеъмолчилари учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Қоидаларнинг амал қилиши аҳолига маиший мақсадлар учун иссиқлик энергияси бериш билан боғлиқ ўзаро муносабатларга татбиқ этилмайди.

3. Саноат маҳсулоти тури сифатида иссиқлик энергияси бериш иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан иссиқлик қурилмалари иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг тармоқларига бевосита уланган истеъмолчи (абонент) ўртасида тузилган шартнома асосида мазкур Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Намунавий шартномалар шакллари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда белгиланган тартибда Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат» агентлиги) томонидан тасдиқланади.

Субабонентлар абонент билан иссиқлик энергиясидан фойдаланиш учун шартномани абонент томонидан иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг розилиги олингандан кейин тузадилар.

Абонент ва иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ўртасидаги шартномада қуйидагилар назарда тутилади:

шартнома мавзуси;

истеъмол қилишнинг белгиланган режимларига риоя қилиш ва иссиқлик энергияси сифати кўрсаткичларини келишиб олиш мажбурияти;

иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик ускуналарининг баланс бўйича тегишлилик чегаралари;

иссиқлик энергиясига ҳақ тўлаш бўйича истеъмолчиларнинг тариф гуруҳлари; абонентнинг тармоғига уланган субабонентлар (истеъмолчининг номи, бир соатга энг юқори нагрузка, иссиқлик истеъмоли, ойлар бўйича қайтариладиган конденсат (тонна ва фойзларда) миқдори, ҳисоблаб чиқилган ҳисобга олиш приборлари, тарифлар ва бошқа маълумотлар);

истеъмолчининг тасарруфидаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергия ускуналаридан, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланишнинг хавфсизлигини ва соз-лигини ҳамда иссиқлик таъминотининг ишончлилигини таъминлаш;

алоҳида шартлар;

аҳдлашувчи томонларнинг жавобгарлиги;

низоларни ҳал этиш тартиби;

томонларнинг реквизитлари.

4. Иссиқлик энергиясига тариф ўзгарган тақдирда, санасидан қатъи назар, шартнома ўз кучида қолади ва истеъмолчи олинган иссиқлик энергияси учун янги тариф жорий этилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлашга мажбурдир.

5. Томонлар шартнома тузиш, уни ўзгартириш, бекор қилиш ёки узайтириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва мазкур Қоидаларга амал қилади.

6. Абонент ўз иссиқлик тармоқларига бошқа субабонентларни фақат иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан келишган ҳолда улаши ҳамда иссиқлик энергияси билан таъминлаш юзасидан шартнома тузиши мумкин.

7. Корхоналар ва ташкилотлар учун бир соатда буғ ва иссиқ сув сифатида иссиқлик энергияси беришнинг бир соатдаги энг кўп миқдори электр станциялари (буғ қозонхоналари)нинг техник имкониятларига, буғ ва иссиқлик қувурларининг ўтказиш қувватига қараб иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан белги-ланади ҳамда шартномада қайд этилади.

Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинаётган иссиқлик энергиясининг шарт-номада кўрсатилган миқдорини кўпайтиришга фақат истеъмолчи томонидан техник шартлар бажарилгандан ва унинг илтимосига кўра шартномага тегишли ўзгартириш киритилгандан кейин иссиқлик билан таъминловчи ташкилот рухсати билан йўл қўйилади.

8. Янги иссиқлик қурилмаларини фойдаланишга топшириш ва янги субабонент-ларни улаш иссиқлик қурилмасидан фойдаланиш «Ўздавэнергоназорат» агентлиги билан келишилгандан кейин иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

9. Иссиқлик энергиясини қайта сотувчи ёки ўз тармоқлари орқали берувчи ташкилотлар (улгуржи истеъмолчилар — қайта сотувчилар, абонентлар) кейинги йилларда иссиқлик энергиясининг ўртача истеъмоли таҳлили асосида аниқланган ўз иссиқлик тармоқларига уланган бошқа объектларнинг иссиқлик энергияси истеъмолини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик энергиясининг умумий (йиғма) миқдо-рига иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан шартнома тузадилар.

10. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан иссиқлик энергиясини қай-та сотувчи ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари мазкур Қоидалар ва улар ўрта-сида иссиқлик энергияси бериш юзасидан тузилган шартнома билан тартибга соли-нади.

11. Иссиқлик энергияси билан таъминловчи ташкилот абонентга иссиқлик энергиясини уланган тармоқ орқали иссиқлик энергияси таъминоти шартномасида

назарда тутилган миқдорда ва томонлар ўзаро келишган иссиқлик энергияси сифати ва режимига риоя қилган ҳолда беришга мажбурдир.

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги томонидан истеъмолчи иссиқлик энергиясидан нооқилона фойдаланган (имзоланган далолатномага мувофиқ), иссиқлик энергиясини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режасини бажармаган тақдирда, иссиқлик энергияси билан таъминловчи ташкилот иссиқлик энергиясидан нооқилона фойдаланишнинг аниқланган ҳолатларидан келиб чиқиб иссиқлик энергияси истеъмолининг шартномавий миқдорини камайтиришга ҳақлидир.

12. Иссиқлик энергияси билан таъминловчи ташкилот тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарур бўлганда ва фойдаланилган иссиқлик энергияси учун ҳақ тўланмаганда истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда иссиқлик энергия беришда танаффусга ёки чеклашга йўл қўйилади.

13. Истеъмолчиларнинг иссиқлик қурилмалари устидан давлат назорати ва текшириши қонун ҳужжатларига мувофиқ «Ўздавэнергоназорат» агентлиги томонидан амалга оширилади.

14. Иссиқлик энергияси исроф қилиб сарфланганлиги ва истеъмолчининг авария хавфи туғдирадиган ёки одамларнинг ҳаётига хавф соладиган иссиқлик қурилмаларининг қоникарсиз техник ҳолати учун «Ўздавэнергоназорат» агентлиги иссиқлик энергияси беришни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

15. Махсус қоидалар бўйича фойдаланиладиган иссиқлик қурилмалари устидан энергетика назорати амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади.

16. Давлат энергетика назорати амалга оширилиши абонентларни фойдаланилаётган иссиқлик тармоқлари, приборлар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолати ва хавфсизлиги таъминланиши, иссиқлик энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилиниши учун жавобгарликдан, шунингдек энергиядан фойдаланиш пайтида пайдо бўладиган авариялар, ёнғинлар, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларининг носозликлари ва бошқа қоидабузишлар тўғрисида иссиқлик энергияси билан таъминловчи ташкилотни дарҳол хабардор қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

17. Иссиқлик тармоқлари, приборлар ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатига ва улардан фойдаланишга нисбатан қўйиладиган талаблар, шунингдек уларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

18. Мазкур Қоидалар бузилганлиги учун жавобгарлик «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Фуқаролик кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ иссиқлик энергияси билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

III. Истеъмолчиларнинг иссиқлик энергияси қурилмаларига уланишига қўйиладиган техник талаблар

19. Янги қувватларни улашга, ишлаб турган объектларда шартномадаги миқдорларга нисбатан истеъмол қилинадиган иссиқлик энергиясини кўпайтиришга рухсатномага эга бўлган барча иссиқлик энергияси истеъмолчилари, истеъмолчилар-

нинг иссиқлик қурилмалари уланган иссиқлик билан таъминловчи ташкилотдан иссиқлик энергиясидан фойдаланиш учун техник шартларни олишга мажбурдирлар.

20. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг иссиқлик тармоқларига янги истеъмолчиларни (ташкилотлар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки айрим ишлаб чиқаришлари ва шу кабиларни) улашга техник шартлар буюртмачи ташкилот (қурувчи) ёки унинг топшириғига кўра бош лойиҳаловчи ташкилотдан лойиҳаланаётган объектни тавсифловчи қисқа шаклдаги маълумотлар: уни лойиҳалаш ва қуриш муддати, жойлашган ўрни (картография материали), истеъмол турлари (технология эҳтиёжлари, иситиш, вентиляция, иссиқ сув таъминоти ва бошқалар) ва иссиқлик билан таъминлашнинг ишончилиги бўйича талаблар кўрсатилган ҳолдаги буюртманомасига кўра иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан берилади.

21. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот буюртмачи ташкилот (қурувчи) ёки унинг топшириғига кўра бош лойиҳаловчи ташкилотдан буюртманома олингандан кейин икки ҳафта муддатда, уларни турли майдончаларда жойлаштириш учун техник-иктисодий таққослаш вариантлари ёки қурилишни, кенгайтиришни ёки реконструкция қилишни асослаш бўйича техник-иктисодий ҳисоб-китоблар қилинаётган янги қуриладиган корхоналар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки айрим ишлаб чиқаришларини иссиқлик билан таъминлашнинг дастлабки шартларини беради.

Янги ташкилотларни, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки айрим ишлаб чиқаришларини ёки истеъмолчининг ташқи иссиқлик билан таъминлаш схемасини ўзгартиришни талаб қилувчи кенгайтириладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб турган объектларни иссиқлик билан таъминлаш бўйича мўлжалланаётган лойиҳа ечимларини келишиб олиш иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан қурилиш майдонини танлаш пайтида амалга оширилади.

22. Иссиқлик тармоқларига истеъмолчиларни (ташкилотлар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки айрим ишлаб чиқаришларини) улашга техник шартларни иссиқлик билан таъминловчи ташкилот буюртмачи ташкилот (қурувчи) ёки унинг топшириғига кўра бош лойиҳаловчи ташкилотдан объектни тавсифловчи қуйидаги қисқа шаклдаги маълумотлар кўрсатилган буюртманома олингандан кейин бир ой муддатда берилади:

а) иссиқлик билан таъминлаш манбаи ва унинг ишончилиги, асосий ва резерв уланиш ёки электрстанциялар ва иссиқлик марказлари коллекторларига уланиш нуқталари, бериладиган иссиқлик энергияси миқдорини тартибга солиш усули;

б) бошқа истеъмолчининг нагрузкаларини ҳисобга олган ҳолда асосий ва резерв уланиш нуқталарида иссиқлик берувчи ва гидравлик режим параметрлари;

в) бошқа истеъмолчиларнинг нагрузкаларини улаш истиқболи ҳисобга олинган ҳолда асосий истеъмолчининг нагрузкаси;

г) янги объект пайдо бўлиши муносабати билан иссиқлик манбаида мавжуд тармоқларнинг ўтказиш қобилиятини ва иситиш қурилмалари иш унумини ошириш бўйича асосланган талаблар;

д) қайтариладиган ишлаб чиқариш конденсатини чиқариб олиш миқдори, сифати ва режими, конденсатни йиғиш ва қайтариш схемаси;

е) ташкилотларнинг иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланишга доир тавсиялар;

ж) ишончилик талаблари ҳисобга олинган ҳолда резерв иссиқлик таъминоти манбалари;

з) ҳисоб-китоб ҳисоби назорат-ўлчов приборларини ҳисобга олиш ва ўрнатишга қўйиладиган талаблар;

и) қувурлар ётқизишга ва каналлар ва камераларни, запор ва тартибга солувчи арматурани ўрнатишга, қувурларни изоляция қилишга, коррозияга қарши химояга, иссиқлик пунктларини жиҳозлашга қўйиладиган талаблар;

к) иситиш-вентиляция ва технологик нагрузка ҳамда иссиқ сув таъминоти нагрузкасини улашнинг иссиқлик схемаси;

л) ҳарорат жадвали ва тармоқдаги сув сарфи;

м) қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган иссиқлик тармоқларининг баланс ва фойдаланиш бўйича мансублиги ҳамда иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчининг иссиқлик тармоқларини ажратиш чегаралари;

н) техник шартларнинг амал қилиш муддати.

Буюртмачи ташкилот (қурувчи) ёки бош лойиҳалаш ташкилоти техник шартлар талабларига рози бўлмаган тадбирда келишмовчиликлар манфаатдор томонлар билан биргаликда, техник шартларни берган ташкилотнинг техник кенгашида кўриб чиқилади.

23. Истеъмол қилинадиган иссиқлик энергияси миқдорини ёки иссиқлик манбаи параметрларини ўзгартиришни талаб қилаётган истеъмолчининг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларини реконструкция қилиш ёки кенгайтиришда истеъмолчи иссиқлик билан таъминловчи ташкилотдан уларни иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг иссиқлик тармоқларига улашга техник шартларни ҳам олиши керак.

24. Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари улгуржи истеъмолчилар — қайта сотувчиларнинг ёки иссиқлик билан таъминловчи ташкилот абонентларининг (асосий истеъмолчилар) тармоғидан таъминланадиган истеъмолчилар техник шартларни асосий истеъмолчилардан оладилар.

Субабонентга техник шартлар берилгунга қадар улгуржи истеъмолчи — қайта сотувчи ёки абонент уларни иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан келиши шарт.

Техник шартларнинг бир нусхаси иссиқлик билан таъминловчи ташкилотга берилади.

25. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан берилган техник шартларни бажариш истеъмолчи буюртмачилар ва иссиқлик таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш зиммасига топширилган лойиҳалаш ташкилотлари учун мажбурийдир.

Амал қилиш муддати тамом бўлган ва бошқа муддатга узайтирилмаган техник шартлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Истеъмолчи янги техник шартларни ва янги ёки қўшимча қувватларга уланишга рухсатномани мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда олади.

Объектнинг мақсади, вазифаси ўзгарган тақдирда истеъмолчига берилган техник шартлар бекор қилинади, шундан кейин истеъмолчи янги техник шартлар олиши керак.

26. Техник шартларга мувофиқ ишлаб чиқилган корхоналар, бинолар, иншоотлар, уларнинг навбатлари ёки алоҳида ишлаб чиқаришлари иссиқлик таъминоти лойиҳалари (ишчи лойиҳалар) корхона, бино, иншоот, уларнинг навбатлари ёки алоҳида ишлаб чиқаришлари комплекс лойиҳаси тасдиқлангунга қадар иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан келишилиши керак.

Лойиҳага мувофиқ ишлаб чиқилган ишчи чизмалар қурилиш ишлари бошлангунга қадар иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан келишилиши керак.

Кўриб чиқилган лойиҳа ҳужжатларида техник шартлар ва амалдаги норматив ҳужжатлар талабларидан четга чиқиш аниқланган ҳолларда истеъмолчига объектни иссиқлик таъминоти ташкилоти тармоқларига улашга рухсат берилиши рад этилиши асосланган ҳолда хат юборилади.

Улгуржи истеъмолчи — қайта сотувчининг ёки абонентнинг иссиқлик тармоқларига уланиш учун техник шартларни олган субабонент унга объектнинг истеъмолчи-қайта сотувчи ёки абонентнинг иссиқлик тармоқларига уланиши учун ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини тақдим этади.

27. Истеъмолчиларнинг нагрузкалари билан боғлиқ янги иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларини ва иссиқлик тармоқларини қуриш, ишлаб турганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш истеъмолчилар кучлари ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

IV. Истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалари ва иссиқлик тармоқларидан фойдаланишга рухсат бериш

28. Истеъмолчиларнинг иссиқликдан фойдаланувчи барча янгидан қўшиладиган ва реконструкция қилинадиган тизимлари мазкур Қоидаларга ва белгиланган тартибда иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан келишилган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ бажарилиши ҳамда амалдаги техник фойдаланиш қоидаларини қониқтириши, шунингдек техник ва қабул қилиш ҳужжатларига эга бўлиши керак.

29. Истеъмолчиларни иссиқлик таъминоти тизимларидан фойдаланишига тегишли тайёргарлик кўрган ходимлар мавжуд бўлган, иссиқлик хўжалиги учун масъул бўлган шахс ва техника хавфсизлиги ва ёнғинни ўчириш бўйича химоя воситалари билан бутланган тақдирда рухсат бериш мумкин.

30. Истеъмолчи иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларни монтаж ташкилотидан мазкур Қоидаларга мувофиқ далолатнома бўйича қабул қилади.

Шундан кейин истеъмолчи «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг ваколатли вакилига Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларидан техник фойдаланиш қоидаларига, қурилиш нормалари ва қоидаларига, шунингдек уни кўздан кечириш ҳамда вақтинчалик ёки доимий фойдаланишга бериш учун иссиқлик таъминоти тизимига мувофиқ лойиҳа, техник, қабул қилиш-топшириш ва фойдаланиш ҳужжатларини тақдим қилиши шарт.

Истеъмолчининг буюртманомаси бўйича ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш учун иссиқлик билан таъминловчи ташкилот иссиқлик истеъмоли тизимини ариза берилган муддатга вақтинчалик шартнома бўйича ишга туширади.

Истеъмолчилар иссиқлик истеъмолининг реконструкция қилинган тизимлари фойдаланишга берилишидан олдин кўриб чиқиш учун «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг ваколатли вакилига тақдим этилиши керак.

31. Истеъмолчиларнинг иссиқлик истеъмоли тизимларида монтаж қилишда нуқсонлар, иссиқлик таъминоти ташкилоти ва «Ўздавэнергоназорат» агентлиги билан келишилган лойиҳанинг берилган техник шартларидан, шу жумладан мазкур Қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларидан четга чиқиш аниқланган тақдирда, шунингдек иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларга хизмат кўрсатиш учун тайёрланган ходимлар мавжуд бўлмаганда улардан фойдаланишга рухсат бериш аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар тақиқланади.

32. Иссиқлик таъминоти тизимидан доимий равишда фойдаланиш учун истеъмолчига рухсатномани иссиқлик билан таъминловчи ташкилот тизим икки ҳафта синаб кўрилгандан кейин, бунда аниқланган нуқсонлар бартараф этилгач, иссиқлик қурилмаси тизими «Ўздавэнергоназорат» агентлиги вакили томонидан техник кўриқдан ўтказилгач, иссиқлик энергиясини беришга шартнома тузилгач ва истеъмолчига ижро ҳужжатлари берилгандан кейин беради. Техник кўриқ ва иссиқлик қурилмаларидан фойдаланишга рухсат бериш иссиқлик билан таъминловчи ташки-

лотга фойдаланиш вақтида унинг нормал мавжуд бўлиши учун жавобгарликни юкламайди.

V. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш

33. Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан истеъмолчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан берилган техник шартларга мувофиқ белгиланади.

34. Иссиқлик энергияси барча истеъмолчиларининг иссиқлик таъминоти тизими иссиқлик энергияси учун иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан ҳисоб-китоб қилиш учун зарур приборлар билан таъминланиши керак.

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда Иссиқлик ва энергияни ҳисобга олишни ташкил этиш тартибига мувофиқ ташкил этилиши керак.

Усулларни, ўлчаш воситаларни танлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ва қоидалари Иссиқлик ва энергияни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, улардан фойдаланишни ташкил этиш қоидаларида белгиланган.

35. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг иссиқлик тармоқларига, шунингдек иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш учун ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган абонентнинг, иссиқлик таъминоти тизимининг улгуржи истеъмолчи-қайта сотувчининг тармоқларига уланиш тақиқланади.

36. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг объектларда ўрнатиладиган иссиқлик энергиясини ҳисоб-китоб ҳисоби приборлари улар «Ўзстандарт» агентлигида аттестациядан ўтказилгандан кейин истеъмолчи томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади ҳамда иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг балансига ва хизмат кўрсатишига текин берилади. Бунда ушбу приборларни вақти-вақти билан текшириш билан таъминлашни иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ўз ҳисобидан ташкил этади.

Истеъмолчида ўрнатилган ва унинг балансига турган ҳисобга олиш приборлари истеъмолчиларнинг ўзлари томонидан фойдаланилади ва таъмирланади.

Иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш учун ҳисобга олиш приборларини бошқа жойга ўрнатиш ва бўшатиб олиш фақат иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ходими томонидан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб приборлари шикастланганлиги ёки уларнинг кўрсаткичлари тўғрилиги тўғрисида шубҳа туғилган тақдирда истеъмолчи ёки иссиқлик билан таъминловчи ташкилот узиб қўйиш вақтини ва узиб қўйиш пайтида иссиқлик энергиясининг барча кўрсаткичларини рўйхатдан ўтказган ҳолда бу ҳақда тегишли равишда иссиқлик билан таъминловчи ташкилотга ёки истеъмолчига дарҳол маълум қилиши шарт.

Бунда, иссиқликни ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан охириги уч сутка учун, бироқ приборлар тўхташидан олдинги 15 суткадан ортиқ эмас, приборлар ишламай туриб қолган тақдирда шартномавий нагрузка бўйича 15 суткадан ортиқ муддат учун ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчи ҳисоб-китоб ҳисобга олиш приборларини таъминлаш тамом бўлгунга қадар истеъмол қилишни тўхтатиб туришга ҳақлидир. Бунда истеъмолчи бу ҳақда

дархол иссиқлик билан таъминловчи ташкилотни хабардор қилиши ва запор арматурани биргаликда пломбалаши шарт.

Истеъмолчи иссиқлик билан таъминловчи ташкилотни приборнинг шикастланганлиги тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун приборлар ишламай турган вақт учун ҳисоб-китоб шартномавий нагрузка бўйича амалга оширилади.

Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан ҳисоб-китоб қилиш учун хизмат қилмайдиган ҳисобга олиш приборларидан истеъмолчининг ўзи фойдаланади.

Истеъмолчилар томонидан ўлчаш диафрагмаларини ўрнатиш вақтида иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг вакили ҳозир бўлиши керак.

37. Иссиқлик энергияси беришни ҳисобга олиш иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчининг иссиқлик тармоқлари ажралиши чегарасида амалга оширилиши керак.

Ҳисобга олиш приборлари ажралиш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб ажралиш чегарасидан ҳисоб-китоб приборлари ўрнатиладиган жойгача бўлган участкадаги нобудгарчиликлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Нобудгарчиликлар ҳисоб-китоби ёки иссиқлик нобудгарчилиги синовини иссиқлик билан таъминловчи ташкилот истеъмолчи билан биргаликда амалга оширади.

VI. Истеъмолчилар томонидан иссиқликдан фойдаланиш тизимларидан фойдаланиш ва режимнинг асосий шартлари

38. Иссиқлик истеъмоли тизимлари ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш учун истеъмолчи билан иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ўртасидаги жавобгарлик чегаралари уларнинг баланс бўйича мансублигига кўра аниқланади ҳамда шартномага илова қилинадиган иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублигини чегаралаш ва фойдаланиш учун томонларнинг жавобгарлиги далолатномасида қайд этилади.

39. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилотга тегишли бўлган иссиқлик қувурларида истеъмолчига тегишли бўлган қурилмалар ёки асбоб-ускуналар бўлмаслиги керак.

Битта камерада (қудуқда), иссиқлик қувурида, эстакадада ҳар хил ташкилотлар хизмат кўрсатадиган асбоб-ускуналар бўлмаслиги керак.

Ҳар хил ташкилотларга тегишли бўлган қурилмалар мавжуд бўлган ишлаб турган қурилмаларда барча асбоб-ускуналар ташкилотлардан бирининг балансига ва хизмат кўрсатишига берилади.

40. Якка ҳолдаги истеъмолчига иссиқлик қувурлари, иссиқлик пунктлари, истеъмолчи иссиқлик таъминотининг ички тизимлари истеъмолчининг балансига бўлади.

VII. Иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг мажбуриятлари

41. Истеъмолчилар:

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларидан техник фойдаланиш қоидаларига ҳамда Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига, шунингдек мазкур Қоидаларга қатъий риоя қилишга;

фойдаланилган иссиқлик энергияси учун шартномада қайд этилган муддатларда ҳақ тўлашга;

иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан келишмасдан иссиқлик энергияси истеъмолнинг шартномавий миқдорини оширмасликка ва тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимига риоя қилишга;

иссиқлик таъминоти режимига нисбатан иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг тезкор кўрсатмаларини бажаришга;

конденсат ва тармоқ сувини шартномада белгиланган миқдорда, сифатда ва тегишли ҳароратда қайтаришга, шартномада назарда тутилмаган сув оқиб кетиши ва сув олинишига йўл қўймасликка, шунингдек орқага қайтадиган қувурда ҳароратли жадвалга таққослаганда сув ҳарорати ошиб кетишига йўл қўймасликка;

иссиқликни истеъмол қилувчи асбоб-ускуналар, иссиқлик қувурлари, иссиқликни ҳисобга олиш приборлари, қувурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи асбоб-ускуналарни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлашга;

иссиқлик қувурлари, иссиқлик истеъмол қилувчи асбоб-ускуналар, запор ва тартибга солувчи арматуранинг режали-олдини олувчи таъмирлашини ва синовини ўз вақтида ўтказишга, таъмирлаш ҳажми, муддатлари ва жадвалини иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан келишишга;

ҳисоб-китоб ҳисобга олиш приборлари, пастга туширувчи кранлар, торайтиб турувчи қурилмалар ва арматурани иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг вакили билан биргаликда пломбалашга, ўрнатилган пломбаларнинг сақланишини таъминлашга мажбурдир. Пломбаларни олиш иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг рухсати билан амалга оширилади;

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги инспектори томонидан берилган кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда иссиқликдан фойдаланишни яхшилаш, конденсат қайтарилишини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, иккиламчи энергетика ресурсларидан фойдаланиш, орқага қайтадиган тармоқ суви ҳароратини пасайтириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга;

умуман корхона бўйича ва алоҳида иссиқлик қурилмалари бўйича буғ-конденсат баланслари тузишга;

иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг вакилларини иссиқликни ҳисобга олиш приборларига, «Ўздавэнергоназорат» агентлиги инспекторларини иссиқликдан фойдаланувчи асбоб-ускуналарга ўз ходимлари ҳамроҳлигида сутканинг исталган вақтида тўсиксиз қўйишни таъминлашга;

барча иссиқлик тармоқлари ва иссиқликни истеъмол қилувчи қурилмаларнинг ижро чизмалари ва паспортига, шунингдек ишлаб чиқариш йўриқномаларига эга бўлишга;

иссиқлик истеъмоли тизимларига тайёргарлик кўрган ходимларнинг хизмат қилишини таъминлашга;

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги вакилларининг кўрсатмаларини белгиланган муддатларда бажаришга мажбурдир.

VIII. Иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг ҳуқуқлари

42. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иссиқлик билан таъминловчи ташкилотдан иссиқлик энергияси шартномага мувофиқ узлуксиз берилишини талаб қилиш;

иссиқлик бериш режимини назорат қилиш ва буғ бериш бўйича иссиқлик

параметрлари (ҳарорат, босим) шартномавий миқдорларнинг (\pm) 5 фоиздан ортиқ четга чиқишига йўл қўймаслик, иссиқ сув бериш бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича — (\pm) 3 фоизга;

иссиқлик берувчи қувурда сувнинг босими бўйича — (\pm) 5 фоизга;

орқага қайтадиган қувурда сувнинг босими бўйича — (\pm) 20 кПага пасайиб кетишига йўл қўймаслик;

иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг розилиги билан рухсат берилган қувват доирасида иссиқлик энергияси бошқа истеъмолчиларининг иссиқлик тармоқларини ўзининг транзити орқали улаш ёки ўтказиб юбориш;

технологик мақсадлардаги буғнинг шартномавий параметрлари иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг айби билан пасайганда истеъмолчи бу ҳақда иссиқлик билан таъминловчи ташкилотга олдиндан хабар берган ҳолда иссиқлик энергияси истеъмолини тўхтатишга ҳақлидир. Ушбу ҳолда иссиқлик билан таъминловчи ташкилот мазкур Қоидаларнинг 43-бандига мувофиқ истеъмолчи олдида жавоб беради.

43. Иссиқлик билан таъминлашда иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг айби билан танаффуслар юз берган тақдирда, иссиқлик билан таъминловчи ташкилот берилмаган иссиқлик энергияси учун моддий зарарни истеъмолчига қоплайди.

Истеъмолчини иссиқлик билан таъминлашда контрактда назарда тутилмаган танаффуслар технологик асбоб-ускуналарнинг бузилишига ёки кўплаб брак маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келган тақдирда иссиқлик билан таъминловчи ташкилот зарарни истеъмолчига суд тартибида қоплайди.

IX. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг ҳуқуқлари

44. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот истеъмолчини огоҳлантириб қўйидаги ҳолларда унга иссиқлик энергияси беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эгадир:

иссиқлик энергияси учун тўлов ҳужжатида белгиланган муддатларда ҳақ тўламаслик (истеъмолчи иссиқлик энергияси бериш тўхтатилишидан бир ой олдин огоҳлантирилган тақдирда);

абонент, субабонентлар, янги иссиқлик нагрузкалари, цехлар ва қурилмаларнинг ёки уларнинг алоҳида қисмларининг иссиқлик тармоғига ўзбошимчалик билан уланиш, шунингдек бошқа ташкилотлар субабонентларининг иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш;

иссиқлик истеъмоли тизимларини «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг инспектори иштирокисиз фойдаланишга топшириш;

ҳисобга олиш приборлари ўрнатилгунга қадар иссиқлик истеъмоли тизимларига қўшилиш;

шартномада қайд этилган максимал соатли нагрузкаларнинг иссиқлик истеъмолининг белгиланган шартномавий миқдорларини иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг розилигисиз ошириш ёки орқага қайтадиган тармоқдаги сув ҳароратини шартномага мувофиқ энг кўп йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ошириш;

иссиқлик энергиясини исрофгарчилик билан истеъмол қилиш, уни талон-тарож қилиш, тармоқдаги сувнинг оқиши ва ифлосланишига йўл қўйиш;

иссиқлик истеъмоли тизимларининг авария хавфини туғдирадиган ёки хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳаётига хавф соладиган даражада қониқарсиз ҳолати;

шартномада назарда тутилган конденсатнинг 50 фоиздан кам миқдорда қайтарилиши;

иссиқлик истеъмоли тизимларига хизмат кўрсатиш учун тайёргарлик кўрган ходимларнинг йўқлиги;

иссиқлик билан таъминловчи ташкилот вакилларининг иссиқлик истеъмоли тизимларига ёки иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларига қўйилмаслиги.

45. Асбоб-ускуналарни таъминлаш бўйича режали ишларни амалга оширишда ва янги истеъмолчиларни улашда резерв таъминлаш мавжуд бўлмаган тақдирда иссиқлик билан таъминловчи ташкилот абонентларни узиб қўйиш ҳуқуқига эгадир. Истеъмолчига иссиқлик энергияси бериш тўхтатилиши тўғрисида уни огоҳлантириш иссиқлик энергияси беришда танаффуснинг аниқ санасини (кунлар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огоҳлантириш олингандан кейин 5 кун муддатда истеъмолчи иссиқлик беришдаги танаффус вақтини келишмаса иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ушбу вақтни мустақил белгилаш ҳуқуқига эгадир. Электр энергияси беришдаги танаффус, имкони борича, бу ҳақда узиб қўйишдан камида 24 соат олдин истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

46. Авариянинг олдини олиш ёки баратаф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш учун иссиқлик билан таъминловчи ташкилот, шунингдек кейинчалик узиб қўйиш сабабларини маълум қилган ҳолда абонентнинг иссиқлик истеъмоли тизимини узиб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

47. Иссиқлик энергияси истеъмолини чеклаш вақти, уни етказиб бермаслик ҳажми иссиқлик тармоқлари ажралиши чегарасида ҳисоб-китоб приборлари ҳамда иссиқлик энергиясини берувчи иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг диспетчерлик хизмати оператив дафтарида чеклашнинг бошланиши ва тамом бўлиши қайд этилган амалдаги ёзувлар бўйича белгиланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг айби билан истеъмолчининг технологик эҳтиёжларига иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаслиги чеклаш кунидан олдинги охириги 3 суткада иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткадаги ҳақиқатда истеъмол қилиш ўртасидаги тафовут сифатида ҳисобга олиш приборлари бўйича аниқланади.

48. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот иссиқлик манбаи параметрлари пасайганлиги ва қўйидаги ҳолатлар туфайли келиб чиққан иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги учун истеъмолчилар олдида моддий жавоб бермайди:

а) табиий ҳодисалар: момақалдироқ, бўрон, сув тошқини, зилзила, ушбу жойда иситишни лойиҳалаштириш учун 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ҳисоблаб чиқилган ҳароратдан 3°C га ва ундан ортиқ паст бўлган ҳароратда ҳавонинг узок вақт совиб кетиши, бошланғич сув сифатининг ёмонлашиши;

б) истеъмолчи ходимларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари;

в) истеъмолчи истеъмолнинг шартномавий миқдорлари оширилишига йўл қўядиган ёки унинг учун белгиланган иссиқлик истеъмоли режимларига риоя қилмаган ва фойдаланилган иссиқлик энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарздорлик мавжуд бўлган суткалар мобайнида пасайтирилган параметрли иссиқлик энергияси берилганлиги учун мазкур Қоидаларнинг 44-бандида назарда тутилган иссиқлик энергияси беришни чеклаш ёки тўхтатиш шартларига мувофиқ;

г) паст параметрли иссиқлик энергияси етказиб берилганлиги ёки вақтинчалик фойдаланишда бўлган электр станцияси ёки иссиқлик тармоқларидан иссиқлик тўлиқ етказиб берилмаганлиги учун истеъмолчи иссиқлик тармоқларига уланган пайтдан бошлаб 6 ой мобайнида.

Х. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг мажбуриятлари

49. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот қўйидагиларга мажбур:
шартномага мувофиқ истеъмолчига иссиқлик энергияси узлуксиз берилишини таъминлаш, иссиқлик манбаи коллекторларидан берилаётган иссиқлик манбалари параметрларининг (буғ ва иссиқ сув) шартномага мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг:
буғ бўйича (босим ва ҳарорат) — (\pm) 5 фоизга;
иссиқлик берувчи қувурда сув ҳарорати бўйича — (\pm) 3 фоизга;
сув босими бўйича:
иссиқлик берувчи қувурда — (\pm) 5 фоизга;
орқага қайтадиган қувурда — (\pm) 20 кПа четга чиқишига йўл қўймаслик;
иссиқлик тўлиқ етказиб берилмаганлиги тўғрисида истеъмолчиларнинг ёзма аризаларини истеъмолчилардан ариза олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда кўриб чиқиш;

иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг айби билан технологик мақсадлардаги тўлиқ етказиб берилмаган энергия қийматини қоплаш. Тўлиқ етказиб берилмаган энергия ҳажми истеъмолчининг вакили иштирокида иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади.

50. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан белгиланган лимит ошириб юборилганлиги, иссиқлик қурилмаларига ўзбошимчалик билан уланиш, мавжуд қувватларнинг ҳисоб-китоб приборлари кўрсаткичлари билан тасдиқланган истеъмолчилар томонидан кенгайтирилиши ёки кўпайтирилиши ҳоллари аниқланганда материаллар «Ўздавэнергоназорат» агентлигига берилади.

ХI. Иссиқлик энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш

51. Иссиқликдан фойдаланиш хусусиятига кўра истеъмолчилар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар ҳамда кейинги гуруҳларда кўрсатилмаган истеъмолчилар;

б) улгуржи истеъмолчилар — қайта сотувчилар — ўз балансида иссиқлик тармоқларига эга бўлган, улардан фойдаланувчи, улгуржи харид қилувчи ва иссиқлик билан таъминловчи ташкилотдан олинган иссиқлик энергиясини ҳар хил истеъмолчиларга қайта сотувчи хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар;

в) иссиқхона хўжаликлари — иссиқхоналарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи истеъмолчилар.

52. Берилган иссиқлик энергияси учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида амалдаги тасдиқланган тарифларга мувофиқ амалга оширилади. Ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган абонентларга бериладиган иссиқлик энергияси миқдори шартномавий нагрукаларга мувофиқ иссиқликнинг умумий миқдорини абонентлар ўртасида тақсимлаган ҳолда иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг ҳисобга олиш приборлари бўйича белгиланади.

53. Амалдаги тарифлар турар жойлардан фойдаланувчи (аҳоли) ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилишга татбиқ этилмайди.

54. Иссиқлик энергияси бериш юзасидан иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартномаларда иссиқлик манбаининг ҳар бир тури ва параметри бўйича максимал соатли нагрукка, шунингдек иссиқлик энергиясини истеъмолчига ойлик, чораклик ва йиллик бериш белгиланади.

55. Истеъмолчи (абонент)нинг иссиқлик тармоқларида иссиқлик энергияси нобудгарчилиги уларнинг иссиқлик энергияси истеъмол қилиш улушига мутаносиб тарзда ва иссиқлик тармоғи узунлигига мутаносиб тарзда улар ва субабонентлар ўртасида тақсимланади.

56. Истеъмолчига берилган иссиқлик энергияси миқдори иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчининг иссиқлик тармоқларини ажратиш чегарасида ҳисобга олинади.

Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи тармоғи ажралиши чегарасигача иссиқлик энергиясини етказиб бериш бўйича барча харажатлар ва унинг нобудгарчилиги тарифларда ҳисобга олинган ҳамда тарифлардан ортиқча қўшимча ҳақ тўлашга йўл қўйилмайди.

Тармоқларнинг ажралиш чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча харажатлари ва нобудгарчилиги истеъмолчининг ҳисобига тегишли бўлади. Агар буғ ва иссиқ сув истеъмолчининг иссиқлик тармоқлари орқали берилса, иссиқлик энергияси миқдори электр станцияси коллекторида (туман буғ қозонхонаси) ҳисобга олиш приборлари бўйича аниқланади.

57. Истеъмолчи томонидан ҳисоб-китоб прибори кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблаб чиқишда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақдирда истеъмолчи бир ҳафта муддатда бу ҳақда иссиқлик билан таъминловчи ташкилотга ариза бериши керак.

Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот 10 кун муддатда (истеъмолчининг аризаси берилган кундан бошлаб) ҳисоб-китоб приборини ёки у бўйича амалга оширилган ҳисоблаб чиқишларнинг тўғрилигини текшириши шарт.

58. Ҳисоб-китоб приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги тасдиқланган тақдирда иссиқлик билан таъминловчи ташкилот охириги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Қайта ҳисоб-китоб қилиш, жорий ҳисоб-китоб даврида иссиқлик энергияси истеъмоли ҳисобга олинган ҳолда, навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда охириги давр учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича тузатилган ёки янгидан ўрнатилган приборларнинг кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

59. Агар кўрсатиб ўтилган четга чиқишлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган нормалардан ортиқ бўлмаса ҳисоб-китоб приборлари кўрсаткичларидаги четга чиқишлар йўл қўйиш мумкин деб ҳисобланади ва қайта ҳисоб-китоб қилишга олиб келмайди.

60. Ҳисоб-китоб приборлари текширилиши тўғрисида ариза берилиши истеъмолчини у истеъмол қилган электр энергияси тўловини белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

61. Ҳисоб-китоб приборлари кўрсаткичлари истеъмолчи томонидан хабар қилинмаган тақдирда ҳисоб-китоб белгиланган шартномавий нагрузка бўйича амалга оширилади.

62. Асосий истеъмолчилар қайта сотиладиган иссиқлик энергияси учун ҳам иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан, ҳам субабонентлар тегишли бўлган истеъмолчиларнинг тегишли гуруҳлари учун белгиланган тарифлар бўйича субабонентлар билан ҳисоб-китоб қилади.

ХII. Истеъмолчиларга бериладиган буғ ҳолидаги иссиқлик энергияси миқдорини белгилаш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

63. Истеъмолчига берилаётган буғ иссиқлик энергиясининг миқдори буғ миқдо-

рини шартномада келишилган буғнинг белгиланган кўрсаткичларида унинг таркибидаги иссиқлик миқдорида кўпайтмаси сифатида аниқланади.

Бунда сув таъминоти манбаидаги бошланғич сувдаги мавжуд иссиқлик миқдори ҳисобга олинади.

64. Истеъмолчи конденсат билан қайтараётган иссиқлик энергияси миқдори конденсат миқдорининг бошланғич сувдаги иссиқликни ҳисобга олган ҳолда, конденсатнинг иссиқлик сифими ва ҳароратига кўпайтмаси сифатида аниқланади.

65. Қайтарилган конденсат учун истеъмолчига тўлов миқдори шартнома билан белгиланади.

ХIII. Истеъмолчиларга бериладиган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси миқдорини аниқлаш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

66. Истеъмолчига бериладиган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси миқдори сув миқдорининг унинг иссиқлик сифимида кўпайтмаси ҳамда берувчи ва орқага қайтувчи тармоқдаги сув ҳарорати тафовути сифатида аниқланади.

Очиқ сув олиш тизимида истеъмолчига бериладиган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси миқдори сув миқдорининг унинг иссиқлик сифими билан кўпайтмасига ҳамда иссиқ (берилаётган) ва бошланғич сув ҳарорати тафовути сифатида аниқланади, бошланғич сув ҳарорати учун ўртача ойлик ҳарорат олинади.

67. Иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясидан фойдаланишда истеъмолчи орқага қайтадиган тармоқдаги сувни шартномага илова қилинадиган ҳарорат жадвали бўйича унинг қийматидан ортиқ бўлмаган ҳарорат билан қайтариши шарт.

Истеъмолчининг иссиқлик тармоғи учун иссиқлик бериладиган тармоқ суви ҳарорати иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Иссиқлик беришни тартибга солиш кун ва туннинг ташқи ҳарорати ўртасидаги фарқ 8°C бўлганда суткада икки марта ва ҳарорат 8°C дан кам бўлганда — суткада бир марта амалга оширилади.

Тартибга солишда маиший мақсадларда ва жамоат биноларини иситиш тизимида фойдаланиладиган сувнинг ҳароратини тунги вақтда пасайтириш имконияти, шунингдек ишдан ташқари вақтларда уни саноат корхоналарига беришни қисқартириш назарда тутилиши керак.

68. Орқага қайтадиган тармоқ сувининг ўртача суткалик ҳарорати жадвалдаги қараганда 3°C дан ортиқ миқдорда истеъмолчи томонидан оширилган тақдирда иссиқлик билан таъминловчи ташкилот тармоқдаги сувнинг ўртача суткалик ҳарорати (+) 3°C дан ортиқ четга чиқмаслигига риоя қилиш шarti билан иссиқлик энергиясини истеъмолчига беришни пасайтиришга ёки тўлиқ тўхтатишга, ёхуд берилган иссиқлик энергияси учун иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан истеъмолчи учун ҳисоблаб чиқилган ва шартномага илова қилинган жадвалда назарда тутилган ҳарорат пасайиши бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

69. Истеъмолчиларга бериладиган $40^{\circ}\text{—}45^{\circ}\text{C}$ ҳароратли иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш 50 фоизли чегирма билан иссиқ сув учун тариф бўйича амалга оширилади.

70. Қуйидаги ҳолларда тармоқ сувидаги иссиқлик нобудгарчилиги истеъмолчилар томонидан шартномавий нархлар бўйича тўланади:

иссиқлик тармоқларини гидравлик ва ҳароратли синашлар ўтказилиши билан боғлиқ нобудгарчиликнинг ўрнини тўлдириш;

истеъмолчи тармоғини унинг буюртманомаси бўйича тўлдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумлага киради;

истеъмолчидан қайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик аралашмалар ва бошқалар мавжуд бўлган) орқага қайтадиган тармоқ сувини дренлаш.

Иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг айби билан юз берган тармоқ сувидаги иссиқлик нобудгарчилигига истеъмолчи томонидан ҳақ тўланмайди.

XIV. Истеъмолчиларга қайтариладиган конденсат миқдорини аниқлаш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

71. Иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун буғ холидаги иссиқлик энергиясидан фойдаланилганда истеъмолчилар иссиқлик билан таъминловчи ташкилотга конденсатнинг камида 95 фоизини, технологик мақсадлар учун буғдан фойдаланилганда эса — шартномада келишилган миқдорда ва сифат билан қайтаришлари шарт.

Конденсатнинг истеъмол қилинадиган буғ миқдорига нисбатан фоизларда қайтариш нормасини ва унинг сифатини томонлар шартнома тузиш вақтида белгилайдилар.

Истеъмолчи иссиқлик манбаига қайтариши шарт бўлган конденсат миқдори иссиқлик билан таъминлаш тизимларининг лойиҳадаги маълумотларига мувофиқ, корхонанинг буғ-конденсат баланси билан ва конденсатни қайтариш бўйича эришилган натижаларни, шунингдек мавжуд захираларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот истеъмолчига корхонада техник имконият мавжуд бўлганда конденсат қайтаришни кўпайтиришга йўналтирилган тадбирларни бажаришни тавсия этишга, уларни бажаришнинг истеъмолчи билан келишилган муддатини белгилашга ҳақлидир.

Белгиланган муддат тугагач истеъмолчига конденсатни қайтариш нормаси таклиф этилган тадбирларни ҳисобга олган ва амалдаги шартномага тегишли ўзгартиришлар киритган ҳолда кўпайтирилади.

72. Истеъмолчига қайтариладиган конденсат шартномада келишилган миқдорда ва сифатга мувофиқ бўлиши керак.

Истеъмолчи томонидан қайтариладиган конденсат миқдори ва сифати электр станциясида (буғқозонхонада) аниқланади.

Конденсатни тозаллагичга эга бўлмаган ёки конденсатни ишлатиладиган сув нормаларигача тозалашни таъминламайдиган конденсат тозаллагичга эга бўлган фаолият кўрсатаётган электр станцияларида (буғқозонхоналарда) буғқозонларни таъминлаш учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш конденсати сифати шундай бўлиши керакки, токи унинг бошқа ташкил қилувчилари билан аралашмаси. Электр станциялари ва тармоқларидан техник фойдаланиш қодаларига биноан мазкур буғқозонлар учун таъминловчи сув нормаларига мувофиқ бўлсин.

Конденсат тозаллагич билан жиҳозланган ва бутун конденсатни таъминловчи сув нормаларигача тозалашни таъминлайдиган фаолият кўрсатаётган электр станцияларидаги (буғқозонхоналардаги) буғқозонларни таъминлаш учун ёки янгидан лойиҳалаштирилаётган электр станциялари учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш конденсати миқдори Иссиқлик электр станцияларини ва иссиқлик тармоқларини технологик лойиҳалаш нормаларида кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

73. Қайтарилган конденсат миқдори учун иссиқлик билан таъминловчи ташкилот абонентга тўловни шартномада кўрсатилган иссиқлик қиймати бўйича (қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда) тўлайди. Ушбу сумма иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлашда абонент ҳисобига қўшилади.

74. Электр станциясига сифати шартномадаги шартларга мувофиқ бўлмаган конденсат келтирилганда иссиқлик билан таъминловчи ташкилот қайтарилган конденсат миқдорида тузатувчи коэффициент жорий қилади: конденсатдан иситгичлар, буғ ҳосил қилувчилар ёки иссиқлик тармоғини қўшимча таъминлаш учун фойдаланилганда — 0,8, конденсат тўлиқ тозалаш учун қабул қилинганда эса — 0,5 коэффициенти қўлланади. Ифлос конденсатдан фойдаланишнинг техник имконияти мавжуд бўлмаганда ифлос конденсат дренажга оқизилади, бу ҳолда конденсат истеъмолчига топширилмаган деб ҳисобланади. Қайтарилган конденсатдаги иссиқлик энергияси миқдори ҳам иссиқлик билан таъминловчи ташкилотга ҳисобланган конденсат миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Қайтарилган конденсатнинг иссиқлик-техник параметрлари (миқдори, ҳарорати, ифлослик даражаси) иссиқлик билан таъминлаш манбаида конденсатни кимёвий текшириш натижалари ҳамда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади ва икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

Конденсат ортиқ даражада ифлос бўлган тақдирда уни тозалашнинг мақсадга мувофиқлиги электр станцияларида (буғқозонхоналарда) ёки истеъмолчида техник-иқтисодий ҳисоблар асосида аниқланади. Бунда барча ҳолларда конденсатни тўлиқ тозалаш истеъмолчи ҳисобига амалга оширилади.

Сифатига кўра шартнома шартларини қондирмайдиган ва электр станциясида фойдаланилмаган қайтарилган конденсат қайтармаганликка тенглаштирилади.

75. Буғ кам сарфланган ва конденсатни тозалаш қимматга тушадиган ҳолларда айрим истеъмолчилар иссиқлик билан таъминловчи ташкилот томонидан конденсатни қайтаришдан озод қилинишлари мумкин, унинг учун техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар тақдим этилиши ва конденсатдан ўз эҳтиёжлари учун тўлиқ фойдаланилиши шарт.

Истеъмолчининг яқин — атрофида иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг сув билан ишлайдиган иссиқлик тармоқлари ўтган тақдирда истеъмолчи иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув билан таъминлаш нагрукасини, агар бунга корхонанинг ишлаб чиқариш цикли имкон берса, буғдан иссиқ сувга ўтказиши шарт.

76. Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот билан истеъмолчи ўртасида қайтариладиган конденсат миқдорини белгилашда келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда техник экспертиза ўтказилади. Техник экспертиза истеъмолчи томонидан иккала томон вакилларида, манфаатдор бўлмаган ташкилотлар мутахассисларини жалб этган ҳолда, истеъмолчи билан иссиқлик билан таъминловчи ташкилот ўртасидаги келишмовчиликлар протоколи расмийлаштирилгандан кейин 2 ойдан кечикмай ташкил этилади.

Агар техник экспертиза ўтказилгандан кейин томонлар келишувга эришмасалар, у ҳолда конденсатнинг миқдори ва сифати бўйича якуний қарор «Ўздавэнерго-назорат» агентлиги томонидан қабул қилинади.

XV. Иссиқлик энергияси учун тўлов ҳужжатларини тақдим этиш ва тўлаш тартиби

77. Саноат истеъмолчилари, улгуржи истеъмолчилар — қайта сотувчилар ва бошқа истеъмолчилар етказиб бериладиган иссиқлик энергияси шартномадаги миқдорининг камида 15% миқдорида олдиндан ҳақ тўлайдилар. Олдиндан ҳақ тўлаш муддатлари иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида қайд этилади.

78. Тўлов ҳужжатида хато ёки прибор кўрсаткичларида ноаниқликлар топилганда абонент бу тўғрида иссиқлик билан таъминловчи ташкилотни хабардор қилиши шарт.

Тўлов ҳужжатидаги хатолар, ҳисоб-китоб приборларини текшириш ҳақида ариза берилиши абонентни тўлов ҳужжатини белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Иссиқлик билан таъминловчи ташкилот абонент томонидан ариза берилган кундан бошлаб 10 суткадан кечикмай ҳисоб-китобни, агар зарур бўлса ҳисоб-китоб приборларини ҳам текшириб кўриши ва истеъмолчига текшириш натижасини (тўлов ҳужжатидаги хатоликлар ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нотўғрилиқлар тўғрисида) истеъмолчига хабар қилиши керак.

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олишда хатоликлар аниқланган тақдирда иссиқлик билан таъминловчи ташкилот охириги ҳисоб-китоб даври учун қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

79. Саноат истеъмолчиларига, улгуржи истеъмолчиларга, қайта сотувчиларга ва бошқа абонентларга етказиб берилган иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар иссиқлик билан таъминловчи ташкилотнинг тўлов ҳужжатлари (тўлов талабномаси ва счёт-фактура) бўйича, тақдим этилишига қараб акцептсиз тартибда амалга оширилади. Истеъмолчининг ҳисоб-китоб рақамида маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқариш банк томонидан, тўлов ҳужжати тушгандан кейинги кундан кечикмай амалга оширилади.

80. Тўлов муддати ўтказиб юборилгани учун пеня ундириш ҳуқуқидан қатъи назар, иссиқлик билан таъминловчи ташкилотда огоҳлантиришдан кейин тўламаганлик учун абонентга қарзни тўламагунгача иссиқлик энергияси беришни тўхташи ҳуқуқи сақланиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

94 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини янада тартибга солиш тўғрисида

Республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, 2003 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тижорат мақсадларида ун олиб келувчи жисмоний шахслар учун товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар божсиз олиб кириш нормалари қўлланилмасдан товар божхона қийматининг 20 фоизи миқдорида ягона божхона тўлови жорий этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тижорат мақсадларида ун олиб келишда жисмоний шахслардан ундириладиган ягона божхона тўлови белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиғимни тўлаш кундаги курси бўйича миллий валюта — «сўм»да тўланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир айрим қарорларига ўзгартиришлар кири-

тиш тўғрисида» 2002 йил 27 сентябрдаги 335-сон қарори 2-бандининг амал қилиши 2003 йил 1 июлдан бошлаб тўхтатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда идоравий норматив ҳужжатлар мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М.З. Усмонов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 19 июнь,
279-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

95 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 11 июндаги 260-сон қарорининг 3-бандини бажариш юзасидан ҳамда валюта алмаштириш операцияларини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда идоравий норматив ҳужжатлар мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 24 июнь,
282-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 24 июндаги 282-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 7-бандининг «д» кичик банди чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) 1-бандининг учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 30 июндаги 250-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 34-модда) 2-илованинг 19-банди биринчи хатбошидаги иккинчи гап чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 30 июндаги 250-сон қарорига ўзгартиришлар кириштиш ҳақида» 2000 йил 13 июлдаги 269-сон қарорининг 1 ва 2-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

96 Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан экспертлик фаолиятида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан экспертлик фаолиятида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўз норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори К.Ж. Дўсметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 26 июнь,
288-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 26 июндаги 288-сон қарорига
ИЛОВА

**Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар
ва прекурсорлардан экспертлик фаолиятида
фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва экспертлик фаолиятини амалга оширишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартибини тартибга солиди.

2. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ашёвий далиллар ҳисобланадиган процессуал ҳаракатларни ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноий-процессуал кодекси асосида амалга оширилади.

3. Суруштирувчи, терговчининг тегишли қарори ёки суд ажрими экспертизалар ўтказиш учун гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш учун асос ҳисобланади.

**II. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни
экспертизага бериш тартиби**

4. Экспертизаларни тайинлаш, амалга ошириш ва уларнинг тайёр материалларини расмийлаштириш тартиби қабул қилинган процессуал нормаларга жавоб бериши керак.

5. Улар бўйича экспертизани амалга ошириш тайинланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар экспертиза муассасасига идишга жойланган-ўралган ҳолда берилади. Идиш-ўровларни тегишли муҳрлар оттисклари, шахсларнинг имзолари ва бошқа чоралар билан белгилаб қўйиш ундаги мавжуд моддалардан рухсатсиз фойдаланишни истисно қилиши керак.

6. Эксперт ёки унинг раҳбари гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни зарур кўринишда тақдим этилишини куйидаги ҳолларда талаб қилишга ҳақлидир:

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар идишга жойланмаган-ўралмаган ҳолда тақдим этилганда;

идиш-ўровнинг ундаги моддадан фойдаланишга имкон берадиган бутлиги бузилганда;

идиш-ўров реквизитлари (муҳрлар оттисклари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни идишга жойлаш-ўрашда қатнашган шахслар фамилиялари) мувофиқ бўлмаганда.

7. Илова қилинадиган материалларда (экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарорда, ашёвий далилни олиб қўйиш протоколида ва бошқаларда) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ҳақидаги маълумотларнинг, миқдорий (объектлар бирликларининг вазни, миқдори) маълумотларнинг мавжудлигидан қатъи назар, эксперт материални экспертизага тақдим этган шахс ҳамда ўзининг бевосита раҳбари иштирокида идиш-ўровни очиши ва тақдим этилган гиёҳвандлик

воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг миқдорини, уларнинг вазнини, қарорда кўрсатилган объектларнинг олиб қўйиш протоколига мувофиқлигини аниқлаши шарт.

Дастлабки кўриқдан ўтказиш ва тортиб кўриш натижалари юқорида кўрсатиб ўтилган шахслар томонидан имзоланган далолатномада акс эттирилган бўлиши керак. Далолатнома матнини экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг бўш жойида жойлаштиришга рухсат этилади. Далолатноманинг нусхаси материални экспертизага тақдим этган шахсга берилади. Экспертиза қўзғатилган жиноий иш бўйича ўтказилган тақдирда далолатнома нусхаси жиноий иш материалларига жойлаштирилади. Далолатноманинг асл нусхаси экспертиза муассасасида эксперт хулосаси нусхаси билан бирга сақланади.

III. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш

8. Экспертизага берилган барча материалларнинг сақланиши учун мазкур экспертизани бажариш зиммасига юкланган эксперт бевосита жавоб беради.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг сақланишини таъминловчи зарур шарт-шароитларнинг яратилиши учун жавобгарлик ушбу турдаги экспертизаларни амалга оширувчи эксперт-криминалистика бўлинмаси раҳбарига бевосита юкланади.

9. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар алоҳида қулфланадиган, муҳрланадиган сейфларда, кўриқлаш ва ёнғинга қарши сигнализация билан жиҳозланган хоналарда сақланиши керак. Сейфларнинг алоҳида қулфланадиган ва муҳрланадиган секцияларидан бир нечта экспертлар томонидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш маҳсус ажратилган жойларда ва жиҳозланган хоналарда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар экспертизаларини ўтказиш ва уларнинг натижаларини бериш

10. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни текшириш (анализ қилиш) экспертлар олдига қўйилган масалаларни ҳал этишда илмий асосланган ва ишончли натижалар олишни таъминлайдиган расмий методик тавсияномаларга ва норматив-ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади. Қоидага кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экспертиза муассасалари тизимида қабул қилинган методик тавсияномалардан, зарур ҳолларда эса — бошқа ваколатли муассасаларнинг тавсияномаларидан фойдаланилади.

Текширишларни ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар фақат текшириш учун зарур бўлган миқдорда сарфланиши мумкин. Экспертиза тугагач ушбу текшириш объектлари, агар улар тўлиқ сарфланмаган бўлса, суриштирувчига, терговчига ёки экспертизани тайинлаган судга қайтарилиши керак.

11. Эксперт текширишларнинг тайёр натижалари белгиланган шакл бўйича эксперт хулосаси тарзида расмийлаштирилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ушбу Низомнинг 5-банди талабларига риоя қилинган ҳолда идишга жойланади-ўралади, эксперт

бўлинмасининг муҳри оттиски ва экспертнинг имзолари қўйилган наклеикалар билан белгиланади.

12. Тайёр материалларни олиш ва бериш белгиланган шаклдаги махсус дафтарда қайд этилади. Тайёр материалларни олаётган шахс дафтарда ўз лавозимини, фамилиясини, гувоҳномасининг тартиб рақамини кўрсатиши, шунингдек дафтарда эксперт хулосаси ҳамда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар олинганлигини қайд этиши керак.

13. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта орқали жўнатиш тақиқланади.

V. Экспертиза ва текширишларнинг ўтказилишини таъминлаш

14. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг экспертизалари ва текширишларини ўтказишга мазкур турдаги экспертизаларни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига махсус рухсатномаси бўлган экспертлар қўйилади, махсус рухсатнома мутахассис тегишли ўқитишдан ўтгандан кейин экспертиза муассасаларининг эксперт-малака комиссиялари томонидан берилади.

15. Экспертиза муассасалари гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ҳамда уларнинг экспертизалар ва текширишларни ўтказишга ўқитиш жараёнларини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган ноқонуний (хонаки) тайёрланиши ва истеъмол қилиниши билан боғлиқ объектларини шакллантиришни ва ўқув-амалий коллекцияларини юритишни амалга оширадilar.

16. Эксперт-кимёчиларни кўрсатиб ўтилган моддаларни текшириш методларига ўқитишни таъминлаш учун намуналар сифатида зарур бўлган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар:

қонун ҳужжатларига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сотиш ҳуқуқи берилган ташкилотлар орқали харид қилиш йўли билан;

агар текшириш учун тақдим этилган модданинг вазни камида 20 граммни ташкил қилса, текшириш учун тақдим этилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг кўпи билан 3 фоизини олиш йўли билан олинади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиш улар бўйича суднинг қонуний қучга кирган ҳукми мавжуд бўлган ашёвий далиллар жумласидан амалга оширилади.

17. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг намуналаридан шунингдек суруштирув, тергов органларининг, шунингдек гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашиш соҳасига жалб этилган бошқа тузилмаларнинг ходимларини ўқитишда ҳам фойдаланилиши мумкин. Ходимларни ўқитиш эксперт-криминалистика бўлинмалари базасида ўтказилади.

18. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар намуналарини ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан ушбу Низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда тасдиқланадиган ички идоравий йўриқномаларда белгиланади.

19. Экспертизалар ва текширишлар ўтказиш учун зарур бўлган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг кимёвий жиҳатдан тоза намуналари (стандартлари) асосланган буюртманомалар бўйича, белгиланган тартибда олинади.

20. Физик ва кимёвий методлардан фойдаланадиган, гиёҳвандлик воситалари,

психотроп моддалар ва прекурсорлар экспертизалари ва текширишларини амалга оширувчи лабораторияларнинг моддий-техник жиҳозланиши уларнинг анализ қилиш бўйича қабул қилинган методларини амалиётда қўлланиши учун зарур бўлган ша-роитларни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари оператив-тергов амалиёти эҳтиёжлари даражасида таъминлаши ва халқаро стандартлар нор-маларига жавоб бериши керак.

21. Гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашишни амалга оширувчи опера-тив-тергов бўлинмалари ходимлари экспертиза муассасаларини ноқонуний муома-лага жалб этилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар-нинг янги турлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилишнинг янги методлари тўғри-сида дарҳол хабардор қилишлари ҳамда экспертиза муассасалари томонидан экс-пертиза ва текширишларни ўтказишга тайёрланишда ўз вақтида олдини олувчи чора-тадбирлар кўришга ёрдам берувчи бошқа ахборотларни тақдим этишлари шарт.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

97 Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни ли-цензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида

Республика даражасида ва жойларда нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фа-олиятни лицензиялашни ташкил этиш ишларининг таҳлили ишларни ташкил этиш тизимида камчиликлар мавжудлигидан ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари норма-лари ва талаблари бузилаётганлигидан далолат бермоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий ишчи гуруҳлари қониқарсиз ишлаётганлиги, шунингдек ваколатли органлар томонидан улар фаолияти устидан зарур назорат ўрнатилма-ганлиги бундай ҳолатнинг сабабларидан биридир.

Шу муносабат билан фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияловчи органлар томонидан ўз вазифалари-нинг бажарилишига ҳамда республика ва ҳудудий комиссиялар фаолиятининг аниқ иш тартибини белгилашга катта аҳамият берилади.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-ликаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан таш-қари) фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси таркиби 3-иловага* мувофик;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг нефть маҳсулотларини автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияларининг Намунавий таркиби 4-иловага* мувофик тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилги қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни амалга ошириш учун лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш ёки узайтириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси томонидан қабул қилинади;

нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилги қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ёки узайтириш тўғрисидаги қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли ҳудудий комиссиялари томонидан қабул қилинади.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёнилги-энергетика комплексини ривожлантириш департаментига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссиясининг ҳужжатларни қабул қилиш, лицензиялар бериш, лицензия битимини тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи ишчи органи функциялари;

«Ўздавнефтьгазинспекция»нинг ҳудудий бўлимларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилги қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияларининг ҳужжатларни қабул қилиш, лицензиялар бериш, лицензия битимини тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи ишчи органи функциялари юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси тўғрисидаги низомни;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилги қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссиялари тўғрисидаги Намунавий низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилги-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти бир ой муддатда ушбу қарор кучга киргунга қадар берилган лицензияларни хатловдан ўтказсин, уларнинг амал қилиш муддатларини Нефть маҳсулотларини (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилги қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқлаштирсин ва лицензиатлар билан лицензия битимлари тузсин.

* 3, 4-иловалар берилмайди.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ўн кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари йиғилишларида мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга ва Намунавий таркибга мувофиқ нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш бўйича ҳудудий комиссиялар таркибини тасдиқлашлар, комиссиялар масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар;

бир ой муддатда «Ўздавнефтваз инспекция» билан биргаликда ушбу қарор кучга киргунга қадар нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш ҳуқуқига лицензия олган лицензиатлар билан «Ўздавнефтваз инспекция»нинг ҳудудий бўлимлари орқали лицензия битимлари тузилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси ушбу банднинг бажарилишини мувофиқлаштиришни ва назорат қилишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 28 июнь,
289-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть
маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари
ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари)
фаолиятни лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёқилғиси, авиакеросин, мазут, печь ёқилғиси, нефть битуми, шунингдек техник мойлар ва мойлаш материалларини сотиш бўйича фаолият лицензияланиши керак, уларнинг заводда идишга қадоқланганлари бундан мустасно.

3. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолият фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

5. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш ёки муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш Комиссияси (кейинги ўринларда матнда «Комиссия» деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш Департаменти (кейинги ўринларда матнда «Департамент» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш Комиссиясининг ҳужжатларни қабул қилиш, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлаш, лицензияларни расмийлаштириш ва қайта расмийлаштириш, лицензиялар реестрини юритиш, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва тиклаш, лицензия битимлари тузиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи ишчи органи ҳисобланади.

Комиссия фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

6. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қўйидагилар нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) лицензиат томонидан нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва сотиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, экология, санитария, метрология, ёнғиндан сақлаш ва техник нормалар, нормативлар ва қоидаларга риоя этиш;

б) штатда лицензияда кўрсатилган фаолият тури бўйича тегишли маълумотга ва камида уч йил иш стажига эга бўлган камида бир нафар ходимнинг, шунингдек хизмат кўрсатувчи техник ходимларда махсус тайёргарликнинг мавжуд бўлиши;

в) сотиладиган нефть маҳсулотларига сифат сертификатининг мавжудлиги ва уларнинг сифат сертификатига ҳақиқатда мувофиқлиги;

г) фаолиятнинг лицензияланаётган аниқ турини амалга ошириш, шу жумладан мавжуд моддий-техника базасидан, нефть омборидан ва ёнилғи қуйиш асбоб-ускуналаридан, бошқа техника воситаларидан фойдаланиш учун шароитларнинг яратилганлиги;

д) лицензиат томонидан давлат сири ҳисобланадиган маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бажарилган тақдирда режим органининг мавжудлиги.

8. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 7-бандида санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

9. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, асбоб-ускуналарга ва бошқа техника воситаларига минимал талабларни Департамент белгилайди ва улар Комиссия томонидан тасдиқланади.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Лицензия олиш учун лицензия талабгори Департаментга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг (ёхуд унинг бир қисмининг) лицензияланадиган тури ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензия бериш тўғрисидаги аризанинг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарга эгалик ҳуқуқининг ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

д) «Ўздавнефтгазинспекция» ҳудудий бўлимининг нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва сотиш учун нефть омбори хўжалигининг асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳолати, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг маҳсус маълумотга эгалиги тўғрисидаги хулосаси;

е) «Саноатконтехназорат» агентлиги бўлинмасининг нефть омбори хўжалигининг босим остида ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари, техник фойдаланиш қоидалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

ж) ёнғин назорати ҳудудий органларининг ёнғиндан сақлаш талабларига мувофиқлик тўғрисидаги хулосаси;

з) «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари томонидан бериладиган метрологик таъминот тўғрисидаги хулоса;

и) Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлинмасининг нефть омбори хўжалигининг табиатни муҳофаза қилиш ва экология талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси.

11. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

13. Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Департаментнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

14. Лицензия бериш тўғрисидаги аризанинг кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.

15. Лицензия бериш юзасидан ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

16. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

17. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати лицензия олишга ариза ва барча зарур ҳужжатлар тушган кундан бошлаб ўттиз кунни ташкил қилади.

18. Департамент ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар юзасидан эксперт хулоса тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни қарор протоколининг тегишли лойиҳаси билан бирга Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Департамент эксперт хулосасини тайёрлаш учун «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви бошқа органларининг мутахассисларини жалб этиш ҳуқуқига эга.

Комиссия Департамент таклифи олингандан кейин 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Комиссия қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

19. Департамент лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензия битими Департамент ҳамда лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолият хусусиятларига тааллуқли бошқа шартлар.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва Департамент учун бир нусхадан тузилади.

21. Лицензия белгиланган шаклдаги бланкаларда Департамент томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Лицензиялар бланкаларини тайёрлаш, уларни ҳисобга олиш, сақлаш ва расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 майдаги 200-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

22. Лицензия лицензия талабгори томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи тўланганлиги-

ни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

Давлат божи суммаси давлат бюджетига ўтказилади.

23. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Департаментга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

24. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек Департамент мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

25. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида ёзма шаклда юборилади (топширилади).

26. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда Департамент ҳужжатлар такроран тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни қарорнинг тегишли протоколи лойиҳаси билан биргаликда Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия Департамент таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

27. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда Департаментга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

28. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

29. Департамент лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш Департамент томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта

расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

30. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Департаментга лицензиянинг амал қилиш муддати тугагунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

31. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

32. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда Департамент:

лицензия талаблари ва лицензия битимлари шартларига лицензиатлар томонидан риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширади; лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текширади;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар тузади;

лицензиатга аниқланган лицензия талаблари ва шартлари бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқаради, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилайди;

Комиссияга лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқиш учун киритади.

Давлат назорат органлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари, ўз ваколатлари доирасида, лицензия талаблари ва шартлари бузилишлари аниқланганда лицензияловчи органга аниқланган бузилишлар ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида хабар қилиши шарт.

33. Департамент лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда давлатнинг тегишли бошқарув ва назорат органлари мутахассисларини жалб қилиш ҳуқуқига эга. Текширишлар натижалари бўйича икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси Департаментда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

34. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турла-

рини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Департамент томонидан амалга оширилади.

Департаментнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Департамент лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

35. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

36. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензияни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

37. Лицензияловчи орган белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

38. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар: юридик шахснинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатдан ўтказиш санаси, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг берилган санаси ва тартиб рақами), почта манзили, телефони ва факси рақами, электрон почтаси манзили;

б) лицензияланаётган фаолият тури;

в) лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

г) лицензияларнинг амал қилиш муддати;

д) лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

е) лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

ж) лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

39. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очик ҳисобланади ва ёзма сўров бўйича ҳамда сўров ҳақи тўлаганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилган тақдирда аниқ лицензиатлар ҳақидаги маълумотдан кўчирма тарзида уч кун муддатда берилади.


40. Бир нафар лицензиат тўғрисида маълумот берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган битта энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида тўлов ундирилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.

41. Реестрдан маълумотлар берилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш
шоҳобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш
бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шоҳобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Автомобилларга ёнилғи қўйиш шоҳобчалари ва мой алмаштириш пунктларининг автобензин, дизель ёқилғиси, печь ёқилғиси, нефть битуми, шунингдек техник мойлар ва мойлаш материаллари сотиш бўйича фаолияти лицензияланиши керак, уларнинг заводда идишга қадоқланганлари бундан мустасно.

3. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолият фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига белгиланган шаклдаги лицензиялар берилади.

5. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш ёки муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шоҳобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссиялари (кейинги ўринларда матнда «Комиссия» деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шоҳобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссиялари тўғрисидаги Намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш Комиссияси томонидан тасдиқланади.

Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шоҳобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш масалаларини кўриб чиқиш ҳудудий комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги тегишли ҳудудий бўлимларининг вакиллари қиради.

Ҳудудий комиссияларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли масалаларга мутасадди ўринбосарлари раҳбарлик қилади.

Комиссияларнинг шахсий таркиби тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

«Ўздавнефтваз инспекция»нинг ҳудудий бўлимлари комиссияларнинг ҳужжатларни қабул қилиш, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлаш, лицензияларни расмийлаштириш ва қайта расмийлаштириш, лицензиялар реестрини юритиш, лицензияларни бериш, лицензия битимлари тузиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширувчи ишчи органи ҳисобланади.

6. Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қўйидагилар нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) лицензиат томонидан нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва сотиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, экология, санитария, метрология, ёнғиндан сақлаш ва техник нормалар, нормативлар ва қоидаларга риоя этиш (мазкур Низомга 1 ва 2-илова);

б) штатда лицензияда кўрсатилган фаолият тури бўйича тегишли маълумотга ва камида уч йил иш стажига эга бўлган камида бир нафар ходимнинг, шунингдек хизмат кўрсатувчи техник ходимларда махсус тайёргарликнинг мавжуд бўлиши;

в) сотиладиган нефть маҳсулотларига сифат сертификатининг мавжудлиги ва уларнинг сифат сертификатига ҳақиқатда мувофиқлиги;

г) фаолиятнинг лицензияланаётган аниқ турини амалга ошириш, шу жумладан мавжуд моддий-техника базасидан, нефть омборидан ва ёнилғи қўйиш асбоб-ускуналаридан, бошқа техника воситаларидан фойдаланиш учун шароитларнинг яратилганлиги;

д) лицензиат томонидан давлат сири ҳисобланадиган маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бажарилган тақдирда режим органининг мавжудлиги.

8. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 7-бандида санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

9. Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, асбоб-ускуналарга ва бошқа техника воситаларига минимал талаблар «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан белгиланади.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Лицензия олиш учун лицензия талабгори «Ўздавнефтгазинспекция» ҳудудий бўлимига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг (ёхуд унинг бир қисмининг) лицензияланадиган тури ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензия бериш тўғрисидаги аризанинг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун фойдаланиладиган стандартлар, нормалар ва қоидаларга мувофиқ келувчи бинолар, иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарга эгалик ҳуқуқининг ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

д) «Ўздавнефтгазинспекция» ҳудудий бўлимининг автомобилларга ёнилғи қўй-

иш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктларининг нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва сотиш учун асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳолати, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг махсус маълумотга эгаллиги тўғрисидаги хулосаси;

е) «Саноатконтехназорат» агентлиги бўлинмасининг автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ва мой алмаштириш пунктининг нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотишда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

ж) ёнғин назорати ҳудудий органларининг автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ва мой алмаштириш пунктининг ёнғиндан сақлаш талабларига мувофиқлик тўғрисидаги хулосаси;

з) «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари томонидан бериладиган метрологик таъминот тўғрисидаги хулоса;

и) Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлинмасининг автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ва мой алмаштириш пунктининг табиатни муҳофаза қилиш ва экология талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси.

11. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан «Ўздавнефтгазинспекция» ҳудудий бўлимига бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

13. Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар «Ўздавнефтгазинспекция» ҳудудий бўлимининг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

14. Лицензия бериш тўғрисидаги аризининг кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорда йиғим ундирилади.

15. Лицензия бериш юзасидан ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

16. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

17. Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати лицензия олишга ариза ва барча зарур ҳужжатлар тушган кундан бошлаб ўттиз кунни ташкил қилади.

18. «Ўздавнефтгазинспекция» ҳудудий бўлими ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар юзасидан эксперт хулоса тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни қарор протоколининг тегишли лойиҳаси билан бирга Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия «Ўздавнефтгазинспекция» ҳудудий бўлимининг таклифи олингандан кейин 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

19. «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлими лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

20. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битими «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлими ҳамда лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензия битими талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолият хусусиятларига тааллуқли бошқа шартлар.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлими учун бир нусхадан тузилади.

21. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг буюртманомаларига кўра мазкур Низомга 4-иловага намунада «Давлат белгиси» Давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босма усулда тайёрланади. Лицензиялар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун масъулият «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлими раҳбарлари зиммасига юкланади.

Лицензиялар «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлими томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

22. Лицензия лицензия талабгори томонидан конун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кундан кечикмай берилади.

Давлат божи суммаси давлат бюджетига ўтказилади.

23. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлимига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

24. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-

ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

25. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида ёзма шаклда юборилади (топширилади).

26. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлими ҳужжатлар такроран тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни қарорнинг тегишли протоколи лойиҳаси билан биргаликда Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия «Ўздавнефтгазинспекция» ҳудудий бўлимининг таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

27. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлимига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

28. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

29. «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлими лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш Департамент томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

30. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Ўздав-нефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлимига лицензиянинг амал қилиш муддати туга-гунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

31. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ой-лик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

32. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амал-га оширишда «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлими:

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва лицензия битимлари шартлари-га риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширади;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан дало-лат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текширади;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар тузади;

лицензиатга лицензия талаблари ва шартларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқаради, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилайди;

Комиссияга лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғри-сидаги қарорни кўриб чиқиш учун киритади.

Давлат назорат ва текшириш органлари, шунингдек давлатнинг бошқа орган-лари ўз ваколатлари доирасида, лицензия талаблари ва шартлари бузилишлари аниқланганда лицензияловчи органга аниқланган бузилишлар ва кўрилган чора-тад-бирлар тўғрисида хабар қилиши шарт.

33. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда «Ўздав-нефтгазинспекция» ҳудудий бўлимининг ходимлари томонидан икки нусхада дало-латнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Ўздавнефтгазинспекция»нинг ҳудудий бўлимида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

34. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турла-рини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия томонидан амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия ли-цензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

35. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

36. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензияни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

37. «Ўздавнефтвазинспекция»нинг ҳудудий бўлими белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

38. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар: юридик шахснинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатдан ўтказиш санаси, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг берилган санаси ва тартиб рақами), почта манзили, телефони ва факси рақами, электрон почтаси манзили;

б) лицензияланаётган фаолият тури;

в) лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

г) лицензияларнинг амал қилиш муддати;

д) лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

е) лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

ж) лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

39. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очик ҳисобланади ва ёзма сўров бўйича ҳамда сўров ҳақи тўлагани тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилган тақдирда аниқ лицензиатлар ҳақидаги маълумотдан кўчирма тарзида уч кун муддатда берилади.

40. Бир нафар лицензиат тўғрисида маълумот берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган битта энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида тўлов ундирилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.

41. Реестрдан маълумотлар берилгани учун йиғим суммаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Нефть маҳсулотларини автомобилларга
ёнилғи қўйиш шохобчалари ва мой
алмаштириш пунктлари орқали сотиш
бўйича фаолиятни лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишда автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчаларига қўйиладиган талаблар

I. Техник талаблар

1. Автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчаси (АЁҚШ) АЁҚШдан фойдаланишнинг амалдаги техник қоидаларига жавоб бериши керак.
2. АЁҚШ бинолари, иншоотлари, майдони, шунингдек унга туташ ҳудудлар санитария-маиший ва ёнғинга қарши талабларга жавоб бериши керак.
3. АЁҚШ жойлашган жой тегишли йўл белгилари билан белгиланган бўлиши керак.
4. АЁҚШ бадий жиҳозланган витриналар, реклама тахталари, кўргазмали тарғибот воситалари билан жиҳозланган бўлиши, у ерда АЁҚШ жиҳозлари, иш тартиби, нефть маҳсулотларининг чакана нархлари прејскуранти, яқин атрофда жойлашган АЁҚШ схемаси бўлиши керак.
5. АЁҚШ телефон алоқаси, овоз кучайтиргич ва сигнализация воситаси (юқори овозли кўнғироқ) билан жиҳозланган ёки идорадан ташқари қўриқлаш пультага уланган бўлиши керак.
6. АЁҚШда пул маблағларининг ўғирланишини ва АЁҚШ биносига чет шахсларнинг рухсатсиз киришини истисно қилувчи (икки қаватли эшиклар — улардан бирининг икки томонига тунука қопланган, полга ёки деворга маҳкамланган ёнмайдиган сейф бўлиши керак, панжарали деразалар ва шу кабилар) чора-тадбирлар амалга оширилган бўлиши керак.
7. Ҳар қайси резервуар лойиҳада назарда тутилган жиҳозларнинг тўлиқ тўплами билан жиҳозланган бўлиши ва резервуарнинг тартиб рақами, (баланд жойга ўрнатиладиган трафаретнинг) базавий баландлиги, сақланаётган нефть маҳсулотининг маркаси кўрсатилган ёзувларга эга бўлиши керак.
8. Нефть маҳсулотлари сотиш учун мўлжалланган ҳар қайси ёнилғи ва мой тарқатиш колонкасида унинг тартиб рақами ва сотиладиган нефть маҳсулотининг маркаси бўлиши керак.
9. Ҳар қайси колонка «Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан сўғричланган бўлиши керак.
10. Аҳолига нефть маҳсулотларини нақд пулга сотиш назорат-касса машиналари мажбурий қўлланган ҳолда амалга оширилиши керак.

II. Ёнғинга қарши талаблар

1. АЁҚШ ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ ёнғинни ўчиришнинг дастлабки воситалари билан таъминланган бўлиши керак. АЁҚШ бинолари ва ҳудудидаги барча ёнғинни ўчириш воситалари зудлик билан қўлланишга ҳар доим тўлиқ соз ва тайёр ҳолатда бўлиши керак.
2. АЁҚШ ҳудуди коронғи (тунги) вақтларда мавжуд нормаларга мувофиқ порт-

лаш ва ёнғин хавфсизлиги назарда тутилган ҳолда тайёрланган ёритгичлар билан ёритилган бўлиши керак.

3. АЁҚШ операторлари махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

4. Момоқалдиरोқ вақтида нефть маҳсулотларини резервуарларга қўйиш ва АЁҚШда транспортга ёнилғи қўйиш тақиқланади.

5. Портлаш хавфи бўлган жойлардаги ишлар учкун пайдо бўлишига йўл қўймайдиган асбоблар билан бажарилиши керак.

III. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш

1. Нефть маҳсулотларининг буғланиши, нефть маҳсулотларининг тўкилиши, шунингдек автотранспортнинг ишланган газлари АЁҚШнинг атроф муҳитини ифлослантирувчи манбалар ҳисобланади.

2. АЁҚШда нефть маҳсулотларининг буғланишини камайтириш учун резервуарлар ва технология жиҳозларини техник жиҳатдан тўлиқ соз ҳолатда сақлаш ҳамда уларнинг герметиклигини, шунингдек қўйиш ва ўлчаш қурилмаларининг, кузатиш ва қўйиш қудуқлари қопқоқларининг зич ёпилганлигини таъминлаш лозим.

АЁҚШ ишлаб чиқариш ва ёмғир сувларини тўплаш учун ишлаб чиқариш-жала канализацияси билан жиҳозланган бўлиши керак.

IV. АЁҚШ ҳужжатлари

АЁҚШ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 майдаги 240-сон қарори билан тасдиқланган Автоёнилғи қўйиш шохобчаларининг ишлаш қоидалари 10-бандига мувофиқ ҳужжатлар билан таъминланган бўлиши керак.

Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

АЁҚШда нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш, сотиш ва ҳисобга олишга қўйиладиган талаблар

1. АЁҚШда нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш, сотиш ва ҳисобга олиш давлат стандартларига ҳамда нефть базаларида ва АЁҚШда нефть маҳсулотларининг келтирилишини, уларни сақлаш, сотиш ва ҳисобга олиш тартибини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар талабларига қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

2. Нефть маҳсулотларини етказиб беришга шартномалар ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган жўнатиш ҳужжатлари келтириладиган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш учун асос ҳисобланади.

3. Нефть маҳсулотлари автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари томонидан (импорт бўйича) республика ташқарисидан мустақил равишда келтирилган тақдирда нефть маҳсулотларини сотишнинг тўғри ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизими нефть базаларидан

кўрсатиб ўтилган АЁҚШга нефть маҳсулотлари бериш импорт бўйича келтирилган ҳажмлар тўлиқ сотилгунга қадар тўхтатиб қўйилади.

4. Нефть маҳсулотларини қабул қилиш:

автомобиль цистернасининг қўйиш қурилмаси соз ҳолатда бўлмаганда;

жўнатиш ҳужжатлари нотўғри расмийлаштирилганда;

сифат паспорти мавжуд бўлмаганда;

нефть маҳсулотларида сув ва механик аралашмалар мавжуд бўлганда;

нефть маҳсулотлари камомади аниқланганда тақиқланади.


5. Нефть маҳсулотлари камомади аниқланган тақдирда белгиланган шакл бўйича, ҳайдовчи (экспедитор) ва АЁҚШ оператори иштирокида мажбурий тартибда далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун нефть базаси раҳбариятига тақдим этилади.

6. АЁҚШда нефть маҳсулотларининг келтирилишини ва кириш қилинишини назорат қилиш тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган, нефть базасининг муҳри қўйилган белгиланган шаклдаги ҳисобга олиш дафтарини юритиш йўли билан таъминланади.

7. Ёнилғи қўйиш колонкаларининг ишлашини назорат қилиш смена қабул қилиш ва топшириш чоғида смена операторлари томонидан, АЁҚШ бошлиғи иштирокида, нефть маҳсулотлари сотилишининг тўғрилигини намунавий ўлчагич воситасида текшириш йўли билан амалга оширилади. Тафовутлар миқдори натижаси смена ҳисоботида қайд қилиниши керак.

Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш схемаси



Нефть маҳсулотларини автомобилларга
ёқилғи қўйиш шохобчалари ва мой
алмаштириш пунктлари орқали сотиш
бўйича фаолиятни лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

НАМУНА**Ўзбекистон Республикаси Герби****ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ****ЛИЦЕНЗИЯ**

АА № 000

Мазкур лицензия билан Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлигида 2001 йил
(лицензия эгасининг тўлиқ номи)

24 майдаги 156-сон қарор билан рўйхатдан ўтказилган «Лочин-Д» акциядор-
лик жамиятига Тошкент шаҳар ҳокимлиги комиссиясининг қарори (2003 йил 15
апрелдаги 14-сон протокол) асосида Тошкент шаҳар Огаҳий кўчасидаги

«Лочин» АЁҚШ орқали
(АЁҚШ нинг номи ва манзили)

автобензин сотиш
(автобензин, дизель ёқилғиси, мой ва бошқалар сотиш)

фаолиятини амалга оширишга рухсат берилади.

Лицензия эгаси жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри Аш-
рафий кўчаси, 125-уй

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи идентификация рақами: 203361034

Лицензия берилган сана: 2003 йил «16» апрель

Лицензиянинг амал қилиш муддати: беш йил

Реестр бўйича тартиб рақами: 001

Ваколатли шахс: _____
(Ф.И.О.)

_____ (имзо)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати _____ гача узайтирилган

Ваколатли шахс: _____
(Ф.И.О.)

_____ (имзо)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати _____ гача узайтирилган

Ваколатли шахс: _____
(Ф.И.О.)

_____ (имзо)

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 7 сентябрдаги 382-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 9-сон, 33-модда) 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларининг ишини такомиллаштириш ва республика истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 9-сон, 35-модда):

а) 1-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги «хусусийлаштирилган» сўзи чиқариб ташлансин;

б) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 4-бандда:

иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги «хусусийлаштирилган» сўзи чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидаги «Ўздавнефтмахсулот» бирлашмаси сўзлари «Ўзнефт-махсулот» акциядорлик компанияси сўзлари билан алмаштирилсин;

г) қарорга 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) қарорга 3-илова номидаги, 1.3, 3.4 ва 3.5-бандлардаги «хусусийлаштирилган» сўзи чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

98 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаш- тириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан фаолияти мувофиқлаштириладиган ташкилотлар ва корхоналар рўйхати 1, 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ходимларининг чекланган сони 146 (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 3 ва 3а*-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги аппарати тузилмаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси аппаратининг намунавий тузилмаси 4 ва 4а-иловаларга* мувофиқ;

туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларининг тузилмаси, аппарати ходимларининг тоифаларига кўра чекланган сони 4б-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими тўғрисидаги Намунавий низомлар 6, 6а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 15 кишидан иборат ҳайъат тузилади. Ҳайъат таркибига Қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқлари вав соҳалари муаммоларини ҳал этиш бўйича кенгашлар раислари киради. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хизмат кўрсатувчи, тайёрлов ҳамда қайта ишлаш корхоналари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан ўзаро муносабатларига доир фаолиятини мувофиқлаштиради.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларига хўжаликлар томонидан ғўза ва дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришга доир тавсияларга риюя этишлари устидан назоратни таъминлаш юкланади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, туманлар ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига бўйсундилар ва ҳисоб берадилар;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади;

вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари вилоятлар ҳокимларининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланади;

туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари раҳбарлари туманлар ҳокимлари тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади.

6. Туманлар ҳокимликларига вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари билан келишган ҳолда, ходимларнинг мазкур қарорда тасдиқланган чекланган сонидан (4б-илова) ҳамда туманларнинг қишлоқ хўжалиги ихтисослашувидан келиб чиқиб 1, 2 ва 3-тоифага кирувчи қишлоқ туманлари учун белгиланган ягона тариф сеткасига қатъий мувофиқ ҳолда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари аппарати ходимларининг аниқ сонини ва штат жадвалини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3а, 4, 4а, 4б, 6, 6а-иловалар берилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, шунингдек тегишли уюшмалар, ташкилотлар ва корхоналар муассисларининг 7-иловага мувофиқ корхоналар ва ташкилотларни тугатиш, қайта ташкил этиш ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидан чиқариш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарорга 7-иловага мувофиқ корхоналар ва ташкилотларнинг белгиланган тартибда тугатилишини, қайта ташкил этилишини таъминласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ҳукумат қарорлари лойиҳасини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга 7-иловага мувофиқ хўжалик бирлашмаларининг, ташкилотлар ва корхоналарнинг тугатилиши босқичма-босқич Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидан чиқарилиши, ҳамда қайта ташкил этилиши муносабати билан бўшаётган бинолар, иншоотлар ва бошқа мол-мулкдан самарали фойдаланиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги республика ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмаларининг давлат корхоналарини келгусида хусусийлаштириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.


9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Х. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 28 июнь,
290-сон

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси




Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
томонидан фаолияти мувофиқлаштириладиган ташкилотлар ва
корхоналар рўйхати**

1. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси
2. Ғўза уруғчилиги республика маркази
3. «Ўззоветтаъминотхизмат» республика бирлашмаси
4. «Ўзбек қоракўли» компанияси
5. «Сувмахсустаъмирқурилиш» уюшмаси
6. «Ўзсувхорижийқурилиш» республика ташқи иқтисодий корхонаси
7. «Ўзмахсуссувдренаж» уюшмаси
8. «Ўзсувлойиҳа» уюшмаси
9. «Ўзиртаъмирқурилиш» уюшмаси
10. «Ўзқишлоқлойиҳа» акциядорлик жамияти
11. Сув хўжалиги саноат корхоналари уюшмаси
12. САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси
13. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази
14. Ветеринария бош давлат бошқармаси ва унинг бўлинмалари
15. «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмаси
16. Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси ва унинг бўлинмалари
17. Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси
18. «Ўздавтехназорат» машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси
19. «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси
20. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси
21. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази («Ўздавуруғназоратмарказ»)
22. Давлатлараро мувофиқлаштириш сув хўжалиги комиссиясининг илмий-ахборот маркази
23. Ирригация ва дренаж бўйича республика қўмитаси
24. Марказий технология ва диспетчерлик хизмати
25. Тошкент Давлат аграр университети
26. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
27. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти
28. Андижон қишлоқ хўжалиги институти
29. Сув хўжалигининг фойдаланиш ва бошқа ташкилотлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси



Жами ходимлар сони — 146 киши

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда «Вазирлик» деб аталади) вазифалари, функциялари, ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

4. Вазирлик қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиради, ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўз тасарруфидаги республика органлари ва ҳудудий органлар орқали ҳал этади.

5. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига эгадир.

II. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

6. Қўйидагилар Вазирликнинг вазифалари ҳисобланади:
қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган ягона агротехника сиёсатини амалга ошириш;

замонавий агротехнологияларни такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларига жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор принциплари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатаётган тармоқлар, бўғинлар ва тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

аграр секторда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижара муносабатларини, оила пудратини, фермер хўжаликларини кенг ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалигини юритишни ва қишлоқ хўжалиги экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;

селекция, уруғчилик, наслчилик ишлари, ветеринария, ўсимликлар карантини соҳасида давлат сиёсатини олиб бориш ҳамда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш;

ирригация тизимларини ҳавзалар бўйича бошқариш принциплари асосида ер усти сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш;

давлат сув хўжалиги тизимидан фойдаланилишини ва унинг замонавийлаштирилишини таъминлаш;

илгаридан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашиш;

ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

ўрмон хўжалигидан фойдаланиш, уни қўриқлаш, химоя қилиш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

ўзига қарашли ташкилотлар ва корхоналарни илмий-техник ва ахборот билан таъминлаш;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

7. Юкланган вазифаларга мувофиқ Вазирлик қўйидаги функцияларни амалга оширади:

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, уларни рўёбга чиқариш стратегияси ва механизмлари бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори конъюнктураси маркетинг тадқиқотларини амалга оширади, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларини зарур ахборот билан таъминлайди;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигига ташқи ва ички инвестицияларни жалб этишда иштирок этади, бюджет маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш ва молиявий-иқтисодий фаолиятини амалга ошириш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқади;

навларни синаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги истиқболли навларини яратиш ва кўпайтиришга ихтисослаштирилган ўзига қарашли элита ва уруғчилик хўжаликлари ишини мувофиқлаштиради;

тармоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

давлат карантин қоидалари бажарилишини, эпидемиологияга қарши тадбирлар ўтказилиши ва чорва моллари, паррандалар ва балиқларни касалликлардан химоя қилиш қоидаларига риоя қилинишини белгиланган тартибда назорат қилади;

селекция-наслчилик ишларининг асосий йўналишларини белгилайди ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

сув ресурслари балансини ишлаб чиқади, сув манбалари, ҳавза ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар бўйича сув олиш лимитларини белгилайди;

сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби амалга оширилишини таъминлайди;

сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва бошқа бирлашмаларини ташкил этиш ва ривожлантиришда методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

ҳавза принципи асосида ер усти сув ресурслари бошқарилишини амалга оширади;

сув ресурсларидан фойдаланишда ўзаро муносабатларнинг бозор принципларини ва иқтисодий механизмларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ерларни ўзлаштириш дастурларини ишлаб чиқади;

магистрал, хўжаликлараро каналлар ва коллекторлар, сув омборлари, насос станциялари, гидротехника иншоотлари ва бошқа сув хўжалиги объектларидан фойдаланилишини ташкил этади;

гидромелиорация тизимларидан техник фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини мувофиқлаштиради;

сув ресурслари ҳисобини олиб боради ва улардан фойдаланилишини назорат қилади, «Сувдан фойдаланиш» бўлими бўйича давлат сув кадастрини юритишда қатнашади;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, суғориш ва коллектор-дренаж сувлари сифати устидан мониторингни амалга оширади;

сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг истиқболли схемаларини ишлаб чиқади;

трансчегара сув ресурслари ва объектларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашади;

ўрмонларни бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва қўриқлашни, давлат ўрмон кадастрини юритишни амалга оширади ҳамда қўриқхона ишларини ташкил этишда қатнашади;

ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, ўрмон ва овчилик хўжалигини юритишга доир норматив-техник ҳужжатлар бажарилиши устидан идоравий назоратни амалга оширади;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-қидирув ва конструкторлик ишларининг асосий йўналишларини белгилайди, уларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради, уларнинг натижалари амалиётга жорий этилишига қўмаклашади;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасида халқаро ҳамкорлик қилишнинг устувор йўналишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

республика ўқув юртларида ва илмий муассасаларида, шунингдек хорижда ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари малакаси оширилишини ва тажриба алмашувини ташкил этади.

8. Вазирлик:

пахтачиликни ривожлантириш;

ғаллачиликни ривожлантириш;

сабзавот-полиэ экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш;

чорвачиликни ривожлантириш;

ер-сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ерлар унумдорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш муаммолари бўйича Кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

III. Вазирликнинг ҳуқуқлари

9. Вазирлик қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материаллар-

ни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, муассасалар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

келишиш учун ўзига тақдим этиладиган ер, сув ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар лойиҳалари ва таклифлар юзасидан хулосалар бериш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан республика ҳудудига жаҳоннинг эпизоотик жиҳатдан носоғлом минтақаларидан чорва моллари ва чорвачилик маҳсулотлари, шунингдек деҳқончилик маҳсулотлари ва уруғлик келтирилишини тақиқлаш;

сув манбаларига сув келиши ўзгарган тақдирда сув олиш лимитларига ўзгартиришлар киритиш;

лимитдан ортиқ сув олинган, сув ресурсларидан хўжасизларча, нооқилона фойдаланилган тақдирда сув беришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, сувдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораларини қўллаш;

сув ресурсларини самарали бошқарганлик ва улардан тежамли фойдаланганлик учун сувдан фойдаланувчиларни ва сув хўжалиги ташкилотларини иқтисодий рағбатлантиришни ташкил этиш;

Вазирлик бошқаруви соҳасига тегишли давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

ўзига қарашли бюджет корхоналари ва ташкилотларида давлат мулкани белгиланган тартибда бошқариш;

оммавий ахборот воситалари таъсис этиш.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг вазирликлар, идоралар, муассасалар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

IV. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш бўйича Кенгашлар

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқаруви марказий аппарати тузилмасида:

пахтачиликни ривожлантириш;

ғаллачиликни ривожлантириш;

сабзавот-полиэ экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш;

чорвачиликни ривожлантириш;

ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ерлар унумдорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш муаммоларини ҳал этиш бўйича Кенгашлар тузилади.

Кенгашлар тўғрисидаги низомлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири томонидан тасдиқланади.

12. Қуйидагилар Кенгашларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тегишли тармоқларни ислох қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигининг устувор тармоқларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини, улар самарадорлигини ошириш йўналишлари ва йўлларини белгилаш;

ҳар бир минтақанинг иқлим, об-ҳаво шароитларини ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экинларни келгусида ва ҳар бир қишлоқ хўжалиги йилида оқилона жойлаштириш бўйича аниқ агротехнология тавсияларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилигида, шунингдек наслчилик ишларида устувор йўналишларни белгилаш;

замонавий, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

13. Кенгашларнинг таркибига, эгаллаб турган лавозимлари ва илмий унвонларидан қатъи назар, фан ва амалиётнинг тегишли соҳаларида обрўси эътироф этилган етакчи мутахассислар ва олимлар жамоатчилиги асосида кирадилар. Кенгашлар аъзолари сони ва шахсий таркиби Вазирлик ҳайъати томонидан тасдиқланади.

14. Кенгашларнинг раислари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати аъзолари ҳисобланади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

15. Кенгашларнинг барча тавсиялари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати мажлисларида муҳокама қилинади, унинг қарорларининг бажарилиши мажбурийдир.

16. Кенгашларнинг ишчи органлари функциялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқармалари ва бўлимларига юкланади.

V. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

17. Вазирликка белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган Вазир бошлик қилади.

Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан икки нафар биринчи ўринбосари бўлади.

18. Вазирнинг сув хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи биринчи ўринбосари айни вақтда Сув хўжалиги бош бошқармасининг бошлиғи ҳисобланади.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош директори лавозимига кўра вазир ўринбосари ҳисобланади.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи лавозимига кўра вазир ўринбосари ҳисобланади.

Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш даражаси бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

19. Вазир:

Вазирлик фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва мажбуриятлар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлик марказий аппаратининг штат жадвалини белгиланган тартибда тасдиқлайди ва зарурат бўлганда ходимларнинг штатда белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Вазирлик марказий аппаратининг ва ўзига қарашли бюджет ташкилотларининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга;

Вазирлик марказий аппарати ходимларини, унинг ҳудудий органлари раҳбарларини, шунингдек тасарруфидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш муаммолари бўйича Кенгашлар тўғрисидаги низомларни, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, Магистрал каналлар (тизимлар) ва ирригация тизимлари бошқармалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек тасарруфидаги бюджет ташкилотлари тўғрисидаги низомларни (уставларни) тасдиқлайди;

Вазирликнинг, унинг ҳудудий органларининг, тасарруфидаги ташкилотларнинг ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва йўриқномалар чиқаради, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил қилади;

ҳудудий органлар ва тасарруфидаги ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган қарорларни (кўрсатмаларни) бекор қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Вазирликда 15 кишидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Унинг таркибига Вазир (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш бўйича Кенгашлар раислари, айрим бўлинмалар, агросаноат комплекси тизими вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, шунингдек Вазирлик марказий аппаратининг бошқа раҳбар ходимлари киради. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, Магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари бошқармалари Вазирликнинг ҳудудий органлари ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига ҳамда Вазирликка бўйсундилар ва ҳисоб берадилар.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари вилоятлар ҳокимлари тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланади.

23. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари бошлиқлари туман ҳокимлари тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади.

24. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, Магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари бошқармалари бошлиқлари лавозимга Вазир томонидан танлов асосида тайинланади.

Танловни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири томонидан тасдиқланади.

Вазирлик ва унинг ҳудудий органлари эксперт ва маслаҳат органлари ташкил этишга ҳақлидир, улар тўғрисидаги низомлар тегишли равишда Вазир ёки ҳудудий орган раҳбари томонидан тасдиқланади.

25. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва корхоналарнинг хўжалик ҳисобидаги фаолиятдан олинадиган даромадлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини ва унинг бўлинмаларини маблағ билан таъминлаш манбалари ҳисобланади.

26. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида белгиланган тартибда Ижтимоий ривожлантириш ва рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилади, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига 2-иловада кўрсатилган, Вазирлик таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг, шу жумладан тузилган шартномалар асосида ширкат хўжаликлари (қишлоқ хўжалиги кооперативлари)нинг хўжалик фаолиятдан (ихтиёрий тартибда) ажратиладиган маблағлар Жамғарманинг манбалари ҳисобланади.

Жамғарма маблағлари илмий-қидирув, маърифий, босмахона ва ноширлик ишларига йўналтирилади. Вазирликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари таъминотини молиялаштириш ҳам Жамғарма ҳисобидан амалга оширилади.

Ижтимоий ривожлантириш ва рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом Вазир томонидан тасдиқланади.

27. Вазирлик фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Тугатиладиган, қайта ташкил этиладиган ҳамда Қишлоқ
ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидан чиқариладиган
ташкилотлар ва корхоналар рўйхати**

Т/р	Ташкилотлар ва корхоналар номи	Қайта ташкил этиш ва тугатиш
1.	Меҳнат бўйича республика норматив-тадқиқот станцияси	Унинг функциялари ва мутахассисларини Аграсаноат комплексида бозор ислохотлари Ўзбекистон илмий-тадқиқот институтига берган ҳолда тугатилади
2.	Шартнома мажбуриятларининг ба-жарилишини назорат қилиш бош давлат инспекцияси	Мол-мулки ва штатлар сонини ташкил этилаётган туманлараро хўжалик судларига берган ҳолда тугатилади
3.	Республика сув хўжалиги кенгаши (Ирригация ва дренаж бўйича миллий қўмита)	Ирригация ва дренаж бўйича миллий қўмитага айлантирилади
4.	«Ўзсабзавотнавуруғлари» уюшмаси	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидан чиқарилади
5.	«Ўзпаррандасаноат» уюшмаси	Унинг таркибига кирувчи корхоналарни хусусий мулк этиб қайта ўзгартирган ҳолда тугатилади
6.	«Асал» уюшмаси	Унинг таркибига кирувчи хўжаликларни ҳудудий қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари тасарруфига берган ҳолда тугатилади
7.	«Ўзмевасабзавот» уюшмаси	Унинг таркибига кирувчи хўжаликларни ҳудудий қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари тасарруфига берган ҳолда тугатилади
8.	«Сувмахсустваъмирқурилиш» ишлаб чиқариш-молия уюшмаси	Бошқарувнинг 2 бўғинли тизимига ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

Т/р	Ташкилотлар ва корхоналар номи	Қайта ташкил этиш ва тугатиш
9.	«Ўзиртаъмирқурилиш» уюшмаси	Бошқарувнинг 2 бўғинли тизимига ўтказилади
10.	«USUB» АЖ («Ўзсувускунабуглаш»)	Тўлиқ хусусийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидан чиқарилади
11.	«Сувиншоотмаш» уюшмаси	«НЭМ» уюшмаси билан сув хўжалиги саноат корхоналарининг ягона уюшмасига бирлаштирилади
12.	«НЭМ» насос-куч ва энергетика машинасозлиги уюшмаси	«Сувиншоотмаш» уюшмаси билан сув хўжалиги саноат корхоналари ягона уюшмасига бирлаштирилади
13.	«Ўзмелиосувтранс» уюшмаси	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидан чиқарилади
14.	«Насл-хизмат» республика уюшмаси	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидан чиқарилади
15.	Ўзбекистон ветеринария санитарияси ва акарология илмий-тадқиқот институти	Мол-мулки ва штатлар сонини Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институтига берган ҳолда тугатилади
16.	«Племэлита» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги республика чорвадорлар илғор тажриба мактаби	«Племэлита» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфига берилади
17.	Республика боғбонлар мактаби	«Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва вино ишлаб чиқариш илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси тасарруфига берилади
18.	«Мевасабзавот» Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бирлашмаси	Тугатилади
19.	«Мевасабзавот» Андижон ҳудудий бирлашмаси	Тугатилади
20.	«Мевасабзавот» Жиззах ҳудудий бирлашмаси»	Тугатилади
21.	«Мевасабзавот» Қашқадарё ҳудудий бирлашмаси	Тугатилади
22.	«Мевасабзавот» Наманган ҳудудий бирлашмаси	Тугатилади
23.	«Мевасабзавот» Самарқанд ҳудудий бирлашмаси	Тугатилади
24.	«Мевасабзавот» Сурхондарё ҳудудий бирлашмаси	Тугатилади
25.	«Мевасабзавот» Тошкент ҳудудий бирлашмаси	Тугатилади
26.	«Мевасабзавот» Фарғона ҳудудий бирлашмаси	Тугатилади
27.	Самарқанд вилоятидаги Булунгур агрофирмаси	Тугатилади
28.	Самарқанд вилоятидаги Нуробод агрофирмаси	Тугатилади
29.	Самарқанд вилоятидаги Самарқанд агрофирмаси	Тугатилади
30.	Самарқанд вилоятидаги Қўшрабат агрофирмаси	Тугатилади
31.	Самарқанд вилоятидаги Тойлоқ агрофирмаси	Тугатилади
32.	Наманган вилоятидаги Янгикўрғон агрофирмаси	Тугатилади

Т/р	Ташкилотлар ва корхоналар номи	Қайта ташкил этиш ва тугатиш
33.	Тошкент вилоятидаги Оҳангарон агро-фирмаси	Тугатилади
34.	Тошкент вилоятидаги Бўстонлик агро-фирмаси	Тугатилади
35.	Тошкент вилоятидаги Зангиота агро-фирмаси	Тугатилади
36.	Тошкент вилоятидаги Қибрай агро-фирмаси	Тугатилади
37.	Тошкент вилоятидаги Паркент агро-фирмаси	Тугатилади
38.	Тошкент вилоятидаги Тошкент агро-фирмаси	Тугатилади
39.	Фарғона вилоятидаги Сўх агрофирмаси	Тугатилади
40.	Фарғона вилоятидаги Қувасой агро-фирмаси	Тугатилади
41.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги лойиҳалар экспертизаси бўлими	Сув хўжалиги комплексидаги лойиҳалар экспертизаси бўйича инжиниринг фирмасига айлантирилади
42.	Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидаги жамоа хўжаликлариаро кенгашлар	Тегишли вилоятларнинг қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясига айлантирилади
43.	Амударё энергетика насос станциялари ва алоқа бошқармаси	Қорақалпоғистон энергетика насос станциялари ва алоқа бошқармаси билан бирлаштирилади
44.	Денов ҳудудий насос станциялари бошқармаси	Сурхондарё энергетика насос станциялари ва алоқа бошқармаси билан бирлаштирилади
45.	Қашқадарё вилояти коллектор-дренаж тармоқлари бошқармаси	Қашқадарё вилояти гидрогеология-мелиоратив экспедициясига айлантирилади

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 26 ноябрдаги 419-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 11-сон, 33-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 17 январдаги 32-сон қарорининг 1-3 ва 6-бандлари ва қарорга 1-8-иловалар (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 1-сон, 2-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Сув хўжалиги департаменти, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бош давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 30 мартдаги 160-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 32-модда) 1-бандининг иккинчи ва олтинчи хатбоши, шунингдек қарорга 1 ва 5-иловалар.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

99 Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисида» 2003 йил 31 январдаги ПФ–3204-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари фаолият йўналишлари этиб белгилансин: корхоналар банкротлиги ва санацияси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

мулкида давлат улуши бўлган корхоналарнинг ҳамда йирик корхоналарнинг (кейинги ўринларда «корхоналар» деб аталади) молиявий нобарқарорлигига ва банкротлигига олиб келадиган омилларни уларнинг молиявий аҳволи мониторинги асосида аниқлаш;

Вазирлар Маҳкамасига корхоналар банкротлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, банкротликнинг олдини олиш мақсадида корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти учун қулай қонунчилик, макроиқтисодий ва инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар киритиш;

корхоналар банкротлигини бартараф этиш ишларини амалга ошириш, уларни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни кўриб чиқиш ва келишиш;

ривожланиш истикболига эга бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжаликлари банкротлигини суддан олдин санациялаш чоғида уларга нисбатан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш орқали бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш.

3. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси икки ҳафта муддатда Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳудудий комиссия тўғрисидаги низомни, шунингдек тегишли ҳудудий комиссиялар таркибини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 июнь,
294-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 30 июндаги 294-сон қарорига
1-ИЛОВА

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда «Комиссия» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 31 январдаги ПФ-3204-сон Фармонида мувофиқ тузилган.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда «ҳудудий комиссиялар» деб аталади) тузилади.

6. Ҳудудий комиссиялар тўғрисидаги низом ва ҳудудий комиссиялар таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

II. Комиссиянинг вазифалари

7. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

корхоналар банкротлиги ва санацияси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

мулкида давлат улуши бўлган корхоналарнинг ҳамда йирик корхоналарнинг (кейинги ўринларда «корхоналар» деб аталади) молиявий нобарқарорлигига ва банкротлигига олиб келадиган омилларни уларнинг молиявий аҳволи мониторинги асосида аниқлаш;

Вазирлар Маҳкамасига корхоналар банкротлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, банкротликнинг олдини олиш мақсадида корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти учун қулай қонунчилик, макроиқтисодий ва инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар киритиш;

корхоналар банкротлигини бартараф этиш ишларини амалга ошириш, уларни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни кўриб чиқиш ва келишиш;

ривожланиш истиқболига эга бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжаликлари банкротлигини суддан олдин санация-

лаш чоғида уларга нисбатан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини қўлла-ниш орқали бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш.

III. Комиссиянинг ҳуқуқлари

8. Комиссия ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суддан олдин санациялашни амалга ошириш даврида зарар кўриб ишлаётган, тўловга қодир бўлмаган ва иқтисодий ночор корхоналарни конун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

санация қилинаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шу жумладан фермер хўжаликларига бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга қарзлар бўйича пеняларни тўлаш муддатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ва ҳисобдан чиқариш тўғрисида, шунингдек санация қилинаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пул мажбуриятларига, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларига мораторий жорий этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

давлат томонидан ёрдам олган корхоналарни суддан олдин санациялаш муддатини узайтириш ва муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Комиссия қарорига кўра таркиби ўзгартирилаётган ва санация қилинаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини ва қурилиши тугалланмаган объектларини белгиланган тартибда консервация қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Комиссия қарорига кўра таркиби ўзгартирилаётган ва санация қилинаётган корхоналарнинг ижтимоий инфратузилма объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига белгиланган тартибда бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Вазирлар Маҳкамасига тўловга қодир бўлмаган, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда жамоа хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида таклифлар киритиш;

иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан банкротлик тартиботини бошлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

давлат ёрдамини олишган ёхуд мулкида давлат улуши бўлган санация қилинаётган корхоналар раҳбарларининг ва ташқи бошқарувчиларининг ҳисоботларини эшитиш;

хўжалик судларига ташқи бошқарув режалари бажарилмаганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тўхтатиш ва тугатиш ишларини амалга ошириш тўғрисида таклифлар киритиш;

Санациялаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилиш;

банкротликка олиб келган ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларнинг жавобгарлигини кўриб чиқиш ва бу тўғрида қарорлар қабул қилиш;

зарар кўриб ишлаётган, тўловга қодир бўлмаган ва иқтисодий ночор корхоналар банкротлиги ва санацияси масалаларига тааллуқли норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ва ўз ваколатлари доирасида тасдиқлаш;

вазирликлар, идоралар, юридик шахслар бирлашмалари, мулкида давлат улуши бўлган корхоналар, тижорат банклари, жойлардаги давлат ҳокимияти органларидан Комиссияга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотларни сўраб олиш, уларнинг Комиссия қарорларининг бажарилиши, тасарруфидаги кор-

хоналарнинг зарар кўриб ишлашига ва иқтисодий ночорлигига олиб келган сабаблар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ни ва фермер хўжаликларини санациялаш бўйича ўз ваколатларининг бир қисмини худудий комиссияларга бериш;

худудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

IV. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

9. Комиссияни раис бошқаради, у ишларга раҳбарлик қилади, Комиссия мажлисларини олиб боради, мажлислар протоколларини, Комиссиянинг иш дастурини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлайди.

10. Комиссия мажлислари иш дастурига мувофиқ, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Комиссия раиси томонидан навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин.

11. Комиссиянинг кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарори, унинг учун мажлисда қатнашаётган Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилиги овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга.

12. Мажлисда объектив сабабларга кўра қатнашмаётган Комиссия аъзолари ўрнига уларнинг ваколатли вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашиши мумкин.

13. Қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш мақсадида Комиссия раиси Комиссиянинг Комиссия аъзолари билан келишилган алоҳида масалалар бўйича қарорларини сўров йўли билан тасдиқлаши мумкин.

14. Комиссия мажлисини ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисидаги хабар, шунингдек Комиссия мажлисига материаллар Комиссия аъзоларига котиб томонидан мажлисдан камида икки кун олдин жўнатилади.

V. Комиссия мажлисига материалларни тайёрлаш тартиби

15. Комиссия мажлисига материаллар ишчи орган томонидан вазирликлар, идоралар, юридик шахслар бирлашмалари, корхоналар, шунингдек уларни тайёрлаш учун масъул бўлган Комиссия аъзолари билан биргаликда Комиссия иш режасига мувофиқ тайёрланади.

16. Суддан олдин санациялашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ёки санация муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар лойиҳаларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, шунингдек Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (қишлоқ хўжалиги корхоналари бўйича) хулосалари (ёки протокол лойиҳасида ижобий визалар) илова қилиниши керак.

17. Комиссия мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала ҳужжатларида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган материаллар (таҳлилий маълумотномалар, жадваллар, молиявий соғломлаштириш бизнес-режалари, эксперт хулосалари, илтимосномалар ва шу кабилар) ҳамда Комиссия қарорининг лойиҳаси бўлиши керак.

VI. Комиссиянинг ишчи органи ва котиби

Комиссиянинг ишчи органи:

Комиссиянинг навбатдаги давр учун иш дастурлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига зарур бўлган барча ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди ва вазирликлар, идоралар, юридик шахслар бирлашмалари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари, корхоналар ва Комиссия аъзоларидан зарур материалларни ва эксперт хулосаларини олиш ҳуқуқига эга бўлади;

санациялаш даврида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни сўраётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш бизнес-режаларини экспертизага жўнатади;

мажлисларни ўтказишни ва корхоналарни, ширкат ва фермер хўжаликларини таркибий ўзгартириш ва санациялаш чора-тадбирларини кўриб чиқиш учун Комиссия қарорига кўра тузилган эксперт комиссияси хулосаларини тайёрлашни ташкил қилади;

Комиссия қарорлари билан тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини назорат қилади; суддан олдин санациялаш жараёнлари ҳамда Комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар бўйича банкротлик тартиботлари мониторинги ахборот ва таҳлилий материалларини кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этади;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун унинг қарорларига мувофиқ бошқа материалларни тақдим этади.

Комиссия котиби:

Комиссия қарорларининг бажарилиши мониторингини юритади ва унинг натижаларини Комиссия мажлисига тақдим этади;

ҳудудий комиссиялар фаолиятини ва Комиссия қарорлари бажарилишини жойларга борган ҳолда ўрганади;

Комиссия мажлисига материалларни тайёрлашда ишчи органга кўмаклашади;

Комиссия аъзоларини ва таклиф қилинган шахсларни, тегишли материалларни жўнатган ҳолда, мажлиснинг ўтказилиш санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

Комиссия протоколларини расмийлаштиради ҳамда тасдиқланган протоколларни Комиссия аъзоларига ва манфаатдор вазирликлар, идоралар, юридик шахслар бирлашмалари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, корхоналарга жўнатади;

Комиссиянинг иш ҳужжатларини юритади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 30 июндаги 294-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 14 январдаги 21-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 42-модда):

4 ва 7-бандлардаги «Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

илова номидаги, 2-банддаги, 4-банднинг иккинчи хатбошидаги, 15-банддаги

«Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари тегишли равишда «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг иккинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика» сўзлари «Иқтисодиёт» сўзи билан алмаштирилсин ҳамда «ва Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг котиби» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-банднинг олтинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика» сўзлари «Иқтисодиёт» сўзи билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

100 Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича Махсус давлат комиссиясининг таркиби тўғрисида

«Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича 1-иловага* мувофиқ таркибда Махсус давлат комиссияси ташкил этилсин.

2. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича махсус давлат комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазибалари этиб белгилансин: инвестиция лойиҳалари ва маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш;

маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари қоидаларига ва ер қаърининг аниқ участкаларидан фойдаланишнинг белгиланган шартларига мувофиқлигини баҳолаш;

инвестиция лойиҳасининг техникавий-иқтисодий асослари асосида маҳсулот тақсимотига оид битимлар шартларида берилаётган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини белгилаш;

Вазирлар Маҳкамасига маҳсулот тақсимотига оид муайян битим тузишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса тақдим этиш;

маҳсулот тақсимотига оид битим шартларида инвесторга берилаётган ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг ишлаб чиқилган шартларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

4. Белгилансинки, 3-иловага* мувофиқ таркибдаги комиссия котибияти Махсус комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Материалларни комиссия мажлисларига тайёрлаш ва комиссиянинг қарорлари ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун назоратни ташкил этиш юзасидан за-

* 1, 3-иловалар берилмайди.

рур комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш Махсус комиссия котибиятига юклансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 июнь,
295-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 30 июндаги 295-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотида оид битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича Махсус давлат комиссияси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотида оид битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича Махсус давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда матнда «Комиссия» деб юритилади) иш тартибини белгилаб беради.

2. Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлаш, Комиссия ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни тайёрлаш юзасидан ишчи гуруҳлар ишини мувофиқлаштириш Комиссия котибияти томонидан амалга оширилади.

3. Комиссиянинг ва Комиссия котибиятининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

II. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

дастлабки техникавий-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган ер қаъри участкаларини бериш бўйича очиқ ким ошди савдоларининг бошланғич шартларини келишиш;

инвестиция лойиҳасининг техникавий-иқтисодий асослари асосида маҳсулот тақдимотида оид битим шартларида берилаётган ер қаъри участкаси ёки участкаларидан фойдаланиш шартларини белгилаш;

маҳсулот тақсимотида оид битимлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва ер қаърининг аниқ участкаларидан фойдаланишнинг белгиланган шартларига мувофиқлигини баҳолаш.

5. Комиссия асосий вазифаларга мувофиқ:

а) қуйидагиларни:

ер қаъри участкаларидан фойдаланганлик учун бир марталик (бонус) ва мунтазам (роялти) тўловлар миқдори ва тартибини;

даромад (фойда) солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ифлослантирувчи моддаларни атроф муҳитга чиқариб ташлаганлик ва оқизганлик учун тўлов ставкалари лойиҳаларини;

инвесторга фойдаланиш учун бериладиган ер қаъри участкаси бўйича аниқлаш, қидириш ишлари ва бошқа тадқиқотлар натижалари (геологик ахборот ва бошқа ахборот) учун харажатлар компенсацияси миқдорини;

маҳсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш давомида инвестор томонидан сарфланган маблағларни қоплашга йўналтириладиган маҳсулот улушини аниқлаш тартибини;

маҳсулотни тақсимлаш тартиби ва механизмини;

инвесторга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартибини ишлаб чиқади;

б) очиқ ким ошди савдоларининг бошланғич шартларини келишишда:

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатини;

геологик ўрганиш (аниқлаш ва қидириш), ер қаърини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар хавфсиз юритилиши соҳасидаги талабларни;

инвесторнинг мўлжалланаётган фаолияти атроф муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича ишларни олиб бориш тартибини;

маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ходимларни ёллаш шартларини ва уларнинг сон таркибини;

инвестор томонидан тижорат мақсадидаги кон аниқланган тақдирда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартибини;

фойдали қазилмаларнинг тижорат мақсадидаги кон аниқланган тақдирда ер қаъри участкасини геологик жиҳатдан ўрганишга харажатларни қоплаш тартибини;

ер қаъри участкаси фойдали қазилмалар конини аниқлаш жиҳатидан истиқболсиз эканлиги аниқланган тақдирда ер қаъри участкасини (участканинг бир қисмини) қайтариш тартибини;

ер участкаларини рекультивация қилиш ва босқичма-босқич қайтариш тартибини;

ер қаъри участкаларидан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишнинг бошқа шартларини белгилайди;

в) маҳсулот тақсимотига оид битим шартларида инвесторга берилётган ер қаъри участкаси ёки участкаларидан фойдаланишнинг ишлаб чиқилган шартларини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

г) инвестиция лойиҳасининг, шу жумладан инвестор томонидан ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳасининг техникавий-иқтисодий асослари ва маҳсулот тақсимотига оид битим лойиҳаси экспертиза органларида, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларда, шунингдек улар фаолияти йўналишлари бўйича хўжалик юритувчи субъектларда экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

д) экспертиза натижаларини умумлаштиради ва таҳлил қилади, зарурат бўлганда уларни ваколатли ишчи орган (ваколатли компания) ва инвестор иштирокида кўриб чиқади;

е) зарурат бўлганда инвестиция лойиҳасининг техникавий-иқтисодий асослари ва маҳсулот тақсимотига оид битим лойиҳаси инвестор, ваколатли давлат органи ёки ваколатли компания ҳамда манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар иштирокида пухта ишлаб чиқилишини ташкил этади;

ж) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маҳсулот тақсимотига оид муайян битимни тузишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифни ушбу масала бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси билан биргаликда киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Комиссияга маҳсулот тақсмотига оид битимлар билан боғлиқ бошқа вазифалар ва функцияларни бажаришни ҳам юклаши мумкин.

III. Комиссиянинг ҳуқуқлари

6. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

маҳсулот тақсмотига оид битимларга тегишли материалларни экспертизадан ўтказиш учун тегишли экспертиза органларига, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга, банкларга, ихтисослаштирилган илмий, лойиҳа ташкилотларига ва бошқа ташкилотларга юбориш;

Комиссиянинг ишига тегишли ихтисосликдаги юқори малакали мутахассисларни, шунингдек мустақил экспертларни белгиланган тартибда жалб этиш;

Комиссия ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш учун ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

ваколатли давлат органи ёки ваколатли компания вакиллари, инвесторларни, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, банклар, илмий, лойиҳа ташкилотлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини кўриб чиқиладиган масалалар бўйича Комиссия мажлисига таклиф этиш ва уларнинг ахборотларини эшитиш;

Вазирлар Маҳкамасига ваколатли давлат органи ва (ёки) ваколатли компания, инвестор билан келишилган маҳсулот тақсмотига оид битимлар лойиҳалари шартларини ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритишга доир таклифларни киритиш;

экспертиза натижаларини умумлаштириш ва таҳлил этиш асосида инвестиция лойиҳасининг техникавий-иқтисодий асосларини ва маҳсулот тақсмотига оид битим лойиҳасини пухта ишлаш учун қайтариш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Комиссияга унинг самарали ишлаши ва юкланган вазифалар бажарилиши учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқларни ҳам бериши мумкин.

IV. Комиссия ишини ташкил этиш ва унинг иш тартиби

7. Комиссиянинг фаолияти Комиссия томонидан тасдиқланадиган иш тартибига мувофиқ ташкил этилади.

8. Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари, Комиссия мажлиси чақирилишини ва ўтказилишини таъминлайди ҳамда қабул қилинадиган қарорларнинг бажарилиши назорат қилинишини ташкил этади.

Котибият мажлислар ўтказилишига тайёргарлик ташкил этилишини, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва Комиссия қарорлари протоколларини таъминлайди.

9. Комиссиянинг қарорлари Комиссиянинг мажлисда ҳозир бўлган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади (мажлисда Комиссия аъзоларининг камида тўртдан уч қисми иштирок этиш шarti билан). Агар Комиссия аъзоси қабул қилинган қарорга рози бўлмаган тақдирда, у далиллар келтирилган сабаблар кўрсатилган ўз фикрини ёзма баён қилиши ва уни Комиссия раисининг номига юбориши шарт.

Комиссия қарорлари Комиссия аъзоларининг розилик белгиси билан тасдиқланади ва Комиссия раиси томонидан имзоланади.

